

این مجله را بنام میهن و سرزمین ما می‌نامیم

R 496
1991/9



وَاللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ

خاستان
ГУЛИСТОН
9
1991

ISSN 0134-2207

Ишон туманидаги «Дўстлик» давлат хўжалигининг бригада бошлиғи Хўш-вакт Авлиёкулов чўп бағрида ўз гамабуеси билан 30 гектар ерда турли мезонли дарахлар Утқазин парварини қилмоқда. Саховатли ота хон деварларки билан боғдорчилик хўсустида суҳбатлашмоқда.

Сурашқаш Р. Нурибоев



Қамшилик миришқор илдамкор Гўлсара Гўрсаогона ўз оғла аъзолари билан еттиктирган пилласининг нархи меҳнатига яраша бўлишини истайдۇ. Пахтамыз, қорақۇлимиз, пилламизнинг нархи шаст!

№ 9 (499)

МЕЗОН
Сентябр

Ойнома 1925 йилдан
чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Қўмитаси
нашриёти

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир хайъати:
М. АБДУЛЛАЕВ,
Б. АМИНОВ,
С. АЗИМОВ,
Х. ДАВРОН,
Н. ИБРОҲИМОВ,
Х. ЗИЁЕВ,
ШУКРУЛЛО,
И. СУЛАЙМОН,
Д. ҒУЛОМОВА,
Ў. МИРЗАЕР
(масъул котиб),
Э. МУҲАММАД,
А. КАРИМ,
А. ҚАЮМОВ,
О. ҲУСАН
(бош муҳаррир
ўринбосари).

Саҳифаловчи:
Б. Тўхтабоев.
Мусахҳих
М. Қиёмов.

Манзилгоҳимиз:
Тошкент—II, 700000, «Правда»
рўзномаси кўчаси, 41.

Мухарририят телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари — 33-35-90; масъул котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; мусавирлар бўлими — 32-58-77; мусахҳих — 32-58-78.




Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов «Тошкент ишбилармонлари учрашуви»га ташриф буюрган швейцариялик тижорат аҳли билан мулоқатда.

Сураткаш Р. Жуманиёзов
А. Горюкрик (ЎзТАГ)



БУ СОНДА:



Маматқул ҲАЗРАТҚҶЛОВ:

...Кутилмаган бу калтакдан Новчанинг қўли узилиб тушгудек бўлди. «Иҳ-м» деб инграб юборганини ўзим сезмай қолди. Чап қўли билан ўнг қўлининг зарба еган жойини ушлади:

— Каратэчиман де...Кўрамиз... Темур ростданам каратэни унча-мунча биларди.



Абдураззоқ КАРИМ:

Қадим-қадимдан Мовароуннаҳр ўлкасидан чиққан савдогарларнинг туя қарвонлари шу юрtnинг моҳир хунармандлари яратган асбоб — анжомлари, деҳқонлари етиштирган дунёдаги энг ширин ҳўл-қуруқ меваларини Мағриб ва Машриқдаги шаҳарларга элтганлар...

НАЖОТ ЙЎЛИ

Кўна Турон замини ўз даврида жаҳон тараққиётига салмоқли ўрин қўшиб келганлиги сир эмас. Қадим-қадимдан Моваруннахр ўлкасидан чиққан савдогарларнинг туя қарвонлари шу юрtnинг моҳир хунармандлари яратган асбоб-анжомлари, деҳқонлари етиштирган дунёдаги энг ширин ҳўл-қуруқ меваларини Мағриб ва Машрикдаги шаҳарларга элганлар. Ўз ўрнида хорижлик тижоратчилар ҳам буюк Ипак йўли бўйлаб Самарқанду Бухорога, Шошу Андижонга қадам ранжида қилганлар. Хуллас Моваруннахр ҳам жаҳоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида тенг иштирок этган. Чунки юрtnимиз қадимдан худо ёрлақан замин бўлгани учун неъматларга тўкин, замини жавоҳирларга бой бўлган. Қолаверса ўзбеклар қадимдан тижоратга, хунармандчиликка, деҳқончиликка, айниқса сўғорма деҳқончиликка моҳир бўлишган. Шунингдек Ўзбекистон Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро савдо иқтисодий алоқалари тарихида энг қулай жуғрофик ўрин тутаб келган.

Афсуски чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши бу юрtnинг тараққиётига гўв бўлди. Ташқи мамлакатлар билан бўладиган алоқаларнинг инон-ихтиёри Урусёшлик тўраларнинг қўлига ўтди. Туркистон рус Туркистонига айлангач жаҳон эътиборидан туша бошлади. Ҳатто Октябрь Инқилоби ҳам унга тўла-тўқис мустақиллик ва аркинлик бера олмади. Ленин таълимотидан четланиш, марказлаштириш, узоқ йиллар давом этган гоъвий доғмалар ва адашувлар таъйиқи қуруқ қақирӣқ ва шиорлар бизни қоқоқлик ботқоғига ботириб, иқтисодий бухронга келтирди.

Мамлакатда иқтисодий уйғун тарада ривожланмади, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда бир ёқламаликка йўл қўйилди. Оқибатда жумҳуриятимиз халқ хўжалиги нуқул хом ашё етиштиришга мослашиб қолди. Миллий даромад даражаси тушиб кетди.

Айниқса ҳозир мамлакатимизнинг барча минтақаларида иқтисодий аҳвол кескин бўлиб қолди. Истеъмол бозорида вазият ниҳоятда кескинлашган, етишмовчилик, нарх-навонинг ортиши, пулнинг қадрсизланиши таназзул жараёнини янада чуқурлаштиратир. Мамлакат ва жумҳуриятлар бундай ночор аҳволдан чиқиш учун турли сиёсий ва иқтисодий дастурларни ишлаб чиқараётир. Бу дастурлар шу пайтгача чиқарилган кўплаб қарор ва фармонлар каби изисиз кетмаслиги учун пойдевори мустақкам бўлиши керак. Тўғрироғи, дастурларни амалга ошириш учун йирик маблағ зарур. Нарх-навони ошириш, солиқни кўпайтириш, меҳнаткашнинг чўнтагини қоқлаш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Юзага келган муаммони фақат чет эл сармоясини жалб этиш билан ҳал қилиш мақсадга мувофиқ. Мамлакатни иқтисодий таназзулдан қутқаришда қўлланиладиган бу усул Туркия, Хитой, Қурияд қўлланилиб, катта муваффақият келтирганлиги жаҳон тажрибасидан маълум. Айниқса бизнинг эски технологияда иш юритаётган санаатда йилига минглаб тонна ниҳоятда қимматбаҳо маҳсулотлар нобуд бўлапти, миллионлаб кубометр ёғоч-тахта чириб кетаётир, мамлакат темир-терсак билан тўлиб-тошган, ҳолбуки ана шу ресурслар ўзимизда ниҳоятда етишмай турипти. Масалан, биргина Ўзбекистонда идиш йўқлиги, омборхоналар ҳамда қайта ишловчи корхоналарнинг етишмаслиги сабабли мев-

сазавот маҳсулотларининг 40 фоизгача бўлган қисми чириб кетмоқда. Бизда меҳнат запаслари тўлиб-тошиб ётган бўлса-да ишни эпломаямиз. Скифчасига беҳуда сарф-харажатга истаганча мисол келтиришимиз мумкин. Ошкоралик юз бериб, чет мамлакатлар билан алоқалар кенгайгач бизнинг нақадар қашшоқ шароитда яшаётганлигимиз янада равшанроқ бўлаётир. Чет эл сармоясини жалб этиш тўғрисида гап кетганда эса биз чет элдан гўшт, упа-элик, радио аппаратлар ва энгил автомашиналар сотиб олиш ҳақида ўйламаслигимиз керак. Тўғри, биз ҳозир бу молларга ҳам ниҳоятда муҳтожмиз. Лекин эртанги ҳам назари билан мамлакатга энг янги технологиялар, замонавий машина-ускуналар, билим ва тажриба кераклигини унутмаслигимиз лозим бўлади. Фақат шу режа ва манфаатли ҳамкорлик билан қудратли санаот, ривожланган халқ хўжалигини бунёд қилишимиз мумкин.

Ҳозир мамлакатимизда қардош жумҳуриятларининг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида турли босқичлар кечмоқда. Баъзан қардош жумҳуриятларда ҳамон сиёсий эҳтирослар олови пасаймаётир. Улар иқтисодий ислоҳатларни сиёсий шовшувлар билан алмаштириб қўймоқдалар. Қонундан ташқари демократияга эрк бераётган минтақаларда иш ташлашларга зўр берилмоқда. Иттифоқ шартномасига хайрихоҳ 9+1 га қўшилган ва унга қўшилмаган ҳар бир жумҳурият ўз иқтисодини, халқининг турмуш даражасини турли йўллар билан ўнглашга ҳаракат қилмоқда.

Лекин мамлакатда шартномавий нархлар қўлланилаётган соҳанинг кенгайиб бораётганлиги Ўзбекистон каби хомашё етиштирувчи жумҳуриятларнинг иқтисодига катта зарар етказмаётир. Натижада жумҳурият бюджети ижтимоий соҳани ривожлантириш уй-жой, маданий ва машиш иншоотлар қуриш учун зарур бўлган маблағларнинг катта қисминдан маҳрум бўлиб қолаётир. Ортирилган маблағларнинг ўз жойида қолиши учун Ўзбекистон хомашё етиштирувчи жумҳурият бўлишига хотима бериш керак. Ҳозир марказий туманлардаги тўқимачилик корхоналарига юборилаётган 92 фоиз пахтанинг камида 50 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилиши, табиий хомашёларни ўз жойида қайта ишловчи корхоналарни бунёд қилиш шарт. Бунинг учун жумҳурият халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган, кишлок хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва сақлайдиган корхоналарнинг кенг тармоғини барпо этиш керак бўлади. Аммо жумҳуриятимизнинг ҳозирги иқтисодий-моддий, илмий имконияти бу ишларни амалга оширишга ожизлик қилади. Бунинг учун бизга ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибаси, технологияси, чет эл сармоясини зарур. Жумҳурият иқтисодини чоҳдан чиқаришда бу дастурни қўллаш ишончли ва фойдали эканлиги шак-шубҳасиз.

Шу йилнинг 18 июнидан 22 июнигача бўлган кунлари Тошкентда жумҳурият ташқи савдо ташкилотлари, санаот корхоналари ва



Дунёнинг турли мамлакатларидан келган ишбилармонлар Ўзбекистон халқ хўжалиги ютқулки кўрғазмасида.

Сураткашлар:

Р. Жуманиёзов
А. Горокрик (ЎзТАГ)



Я

на тилимизга давлат тили мақоми берилганлигига икки йил бўлапти. Мана шу ўтган вақт давомида Давлат тили ҳақидаги қонунга оид ишлар билан шу-

ғулланганлигим боис маэкур қонун ҳаётимизда қай даражада амалга кўчди, нималарга эришилди, деган ўйлари хаёлдан ўтказаман. Ҳам оддий ўзбек фарзанд, ҳам қонун ижросида собиқ мутасадди сифатида 1989 йил 16 октябрдан 1991 йил февралга қадар Тошижроқўм Атамалар комиссияси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаганман. Қарийб етмиш икки фоида аҳолиси ўзбек бўлган, саксон беш фоида аҳолиси давлат тилини билладиган ўлкада ўзбек тили эмас, рус тилининг миллатлараро мулоқот тили даражасига қонун йўли билан кўтариб қўйилишини ва шу кўринишида қонун чиқарилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Шунингдек, бу ҳол кўпгина жойларда (айниқса, пойтахт Тошкентда) ўз она тилини чала-ярим билувчи ва умуман билмовчи ўзбекларга ҳамда рус тилидан бошқа тилни тан олмайдиган кимсаларга жуда қўл келмоқда. Шу боисдан ҳам мажлислар ҳамон рус тилида олиб борилмоқда, иш юритиш ҳам рус тилида. Ҳатто кўплаб муассасалар мухлиси варақаларини, расмий қоғоз, юмалоғу учбурчак-тўртбурчак мухлисини ҳамон давлат тилида

қайд этмаётирлар. Энг ачинарлиси, давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилиш ўрнига ҳали ҳам рус тилида сўзлашувчи кишилар юз-хотирини ўйлаб иш тутилмоқда.

Масалан, «Москва» меҳмонхонасига «Чорсу» (тарихий) номи берилди. Меҳмонхона пештоқидаги ёзув янги ном асосида ўзгартирилди. Қонуннинг 24-моддасида: «Ўзбекистон ССРда... барча жуғрофий-худудий ўринлар номлари миллий шаклда берилди ва ягона давлат тилида ёзилади», дейилган. Аммо «Чорсу» меҳмонхонаси номи ҳам Давлат,

Ўзбекка отилган ҳар тошга қасдман,
Ўзбегим демасам шу кунни настанман,
Кимдир бориб сотсин шу сўзим учун,
Кимдир келиб отсин шу сўзим учун.

Мен марғур айтаман: миллатпарастман!»

Зулфия
МҲМИНОВА

ТИЛГА КЎЧГАН ДАРД

ҳам рус тилида қайд этилди. Биз бунинг сабабини билиш учун меҳмонхона раҳбариятидаги ўртоқларга кўнғироқ қилганимизда у ердан:

«Бизнинг меҳмонхонага ҳамма жумҳуриятлардан, чет мамлакатлардан сайёҳлар келади, шунинг учун икки тилда ёзиб қўйдик», деган жавобни олдик.

Қаранг-а! Ўн-ўн беш кунга келиб кетадиган сайёҳнинг ҳурмати Давлат тили ҳақидаги ҳукумат қонун ҳурматидан юксакроқ экан! Ўринсиз қилинган сарфу харажат-чи? Ахир бу пулни «меҳмоннаво» мутасадди ўз ёни-

дан тўламагандир?! Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Савдо вазирлигига қарашли «Болалар дунёси», «Сафсар», «Марварид» каби заргарлик дўконлари ҳам фикримга мисол бўла олади.

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганидан кейин одатдагидай «ур хо-ур» бошланиб кетди. Кўплаб вазирлигу ташкилотлар, қонунни бажараямиз, деб давлат, халқ пулини кўкка совурдилар (Бу ҳол ҳозир ҳам давом этмоқда!) Тил ўргатиш учун ўта сифатсиз курслар очилди, мазмунан ўта саз қўлланма-

илмий тадқиқот илмгоҳлари вакилларининг бир қанча чет мамлакатларнинг ишбилармонлари билан дастлабки амалий учрашуви шу дастурни амалга оширишга қаратилди. «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» ўз-ўзинда осонлик билан амалга ошмай, бир қанча мюьнеликлар ҳам бўлди. Лекин халқимизнинг тўқ-фаровон яшашини ўйлаган, жумҳуриятимизнинг истиқболини кўзлаган, фидоий кишиларнинг катта сазй-ҳаракатлари натижасида Тошкентга жаҳоннинг ишбилармон кишилари, яхши ният билан ташриф буюрдилар.

Қолаверса бу учрашувга туртки бўлган баъзи нарсалар ҳам бор. Чунки кейинги йилларда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қилинган ишларнинг дастлабки самараларидан манфаатдор бўлиб турибмиз. Масалан, Наманган шаҳридаги тикуччилик бирлашмаси Канаданинг «Мистер Гудбай» фирмаси билан шартнома тузиб, эркаклар кўйлагини тикишни йўлга қўйиб кам бўлмади. Бирлашма шу йилнинг ўзиданоқ Канадага маҳсулот юбора бошлади. Натижада бирлашма ходимларининг ўртача иш ҳақи беш юз сўмини ташкил этаётир. Еки ўтган йили жумҳуриятимизда инкубация тухумларининг етишмаслиги 35 миллион донани ташкил этарди. Ўзбекистон паррандачилик саноати бирлашмаси оғир аҳволдан чиқиш учун Голландиянинг «Старк», Хитойнинг «Хейлунцян» фирмалари билан ҳамкорлик қила бошлади. Ҳозирдаёқ Тошкент гўшт етиштиришга мўлжалланган паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чет эл фирмаларининг асбоб-ускунаси билан жиҳозланганлиги ва автоматлашган линия тўла қувват билан ишлаётганлиги учун маҳсулот ишлаб чиқаришда яхши самаралар бераётир.

Шунингдек жумҳуриятимиздаги бошқа қатор корхоналар ҳам хорижликлар билан «бор товоғим-кел товоғим» йўсинида ишни алақачон бошлаб юбордилар.

Мамлакатдаги демократия, сиёсий ва иқтисодий турмушдаги туб ўзгаришлар,

жумҳурият мустақиллиги ҳақидаги декларация қабул этилганлиги унинг халқроқ бозорга мустақил чиқиши учун кенг истиқболлар очиб берди. Шунингдек Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши бешинчи сессияси қабул қилган «Ўзбекистон ССЖда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССЖ да чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунлар хориж давлатлари билан ҳамкорликдаги ишнинг ҳуқуқий жиҳатини ҳар томонлама таъминлайди. Ушбу етарли таёйргарликлардан сўнг бўлиб ўтган Тошкент ишбилармонлар учрашувида сайёрамизнинг барча томонларидан 54 мамлакат савдо-саноат доираларининг 300 дан кўпроқ намоёниси жумҳуриятимиз халқ хўжалиги барча тармоқларининг ходимлари, олимлар, ширкатчилар бевосита музокаралар олиб бордилар.

Хорижлик тижорлар бу ерга хайри-садақа бергани учун келганлари йўқ. Қолаверса биз бунга зор ҳам эмасмиз. Улар авваламбор ўз фойдаларини кўзлаб ташриф буюрдилар. Чунки Ўзбекистон пахта, ипақ, қорақўл, тери ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, рангли металллар, кимёвий ўғитларга бой жумҳурият. Шунинг учун ҳар қандай хориж фирмасига бу нарсалар фойда олишига ишончли кафолат беради.

Шундан бўлса керак, беш кун мобайнида Ўзбекистон пойтахтида 500 дан зиёд тижорат музокараси ўтказилди. Хорижий фирмалар билан 30 та қўшма корхона ташкил этилди, 69 та шундай корхона бўйича 18 мамлакатдаги 56 шерик билан режалар битилган ҳужжатлар имзоланди. Ушбу ташкил этилган қўшма корхоналарнинг хорижий валюта ҳисобида 376,9 миллион сармоеси бор. Қўшма корхоналар ишлаб чиқарадиган товар маҳсулотининг умумий қиймати 2,7 миллиард сўмини ташкил этади. Шунингдек 20 ишончли кафолат ва ажабнабй валюта ҳисобида 490 миллион сўмлик қарз расмийлаштирилди.

Бу харажатлар хорижий мамлакатлар билан биргаликда жумҳуриятимизда қўшма корхоналар барпо қилишга сарфланади.

Бундан ташқари замонавий технологиялар сотиб олинади, етук ишбилармон кадрлар тайёрланади. Хорижий сармоя ёрдамида жумҳуриятимиз учун муҳим икки вазифини ҳал қилиш мумкин. Биринчиси — ички бозорда рақобат жараёнларини кучайтиришдан; иккинчиси — биз учун устивор тармоқни вужудга келтиришдан, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришдан иборат.

Тошкент учрашувида баъзи чет эллик сармоядорлар катта маблағ ишлатишдан сазл чўчишди. Уларнинг аниқ беш тўхтамага келмаганларига сабаб, жумҳурият вазирликлари ўзларининг бор имкониятларини тўла намоён этмадилар. Шундай бўлса-да Тошкент учрашувида чет эллик йирик савдо-саноат доиралари билан анча салмоқли ва ўзаро манфаатли ахдлашувларга эришилди. Улар орасида Швейцария, АҚШ, Исроил ва Италиянинг йирик концерн, банк ва фирмалари бор. Айниқса жумҳурият иқтисодини ривожлантириш учун маблағ сарфлашни истайдиганларнинг кўпчилиги чет эллик ватандошларимиз эканлиги қувонарлидир. Асли марғилонлик, ҳозирда Америкада ашовчи йирик савдогар Абдулрауф Мақсуудий, туркиялик ватандошларимиз Орифшон Обиджон ўғли, Аҳмад Андижоний ва бошқалар чин ватандошлик туйғуси билан Ўзбекистонга кўмак бермоқчилар. Уларнинг ёрдами билан Ўзбекистон келажақда халқроқ тижорат соҳасида ўзининг муносиб ўрнини топажак.

Халқимиз қадимдан ишбилармонлиги, омилкорлиги билан танилган. Фақат бунинг учун унинг имконияти чегаралаб қўйилган эди. Энди нажот йўли очилди. Ўзбек ишбилармони учун фаолият даври бошланди. Ажабмас германиялик ўзбек Анвар Олтойли Тошкент учрашувида айтганидек Ўзбекистон ўн йилдан сўнг Осиёдаги энг ривожланган жумҳуриятга айланса.

Абдуразоқ ҚАРИМ

лар ўн минглаб нуҳсада чоп этилди. Қонуң қабул қилингандан то 1990 йил октябрга қадар жумҳурият савдо вазирлиги Қонуң амалиёти учун қарийб 800 миң сўм (!) сарфлади. Натижа эса жуда-жуда оз бўлди. Бойси вазирликдаги мутасаддилар сарф-харажатнинг лоқайт саккиз тийинини ўз ёнларидан тўлаганларида пул қаёққа кетаётганини назорат қилган бўлардилар. Маблағ давлат ҳисобидан сарфлангач, уни чин дилдан назорат қилиш ҳеч кимни ташвишга солмагани аниқ-да!

Кўплаб қорхона ва ташкилотларда иш юритиш, мажлис ўтказиш ҳамон давлат тилига кўчганича йўқ. Аммо бориб кўрсангиз ҳужжатлаштириш ишлари расмий (турли) қоғозлар ўзбек ва рус тилларида тўлдирилган. Сабаби отнинг калласидая маош олувчи таржимон ишлаяпти, демак кўзбўямачилик яна урчиляпти. Яна икки ўртада давлатнинг маблағи осмонга совурилмоқда. Афсуски, ҳуқуқ-тартибот кишилари бу соҳадаги кўзбўямачилар қанчадан-қанча халқ пулини соварётганлиги билан қизиқмайптилар. Жойлардаги ташкилотлар эса таржимон ўрни қонулаштириб олиб, мўътабар қонунимизнинг устидан кулмоқдалар, десам муболага бўлмас.

Тошкент вилоятида Коммунистик тумани бор, у ерда на давлат тили ҳақидаги қонуңга, на оддий кишиларга эътибор мавжуд. Тумандаги мактабларнинг аксарияти Э.Телман, В.Овечкин, С. Макаренко, М. Горкий номида; жамоа хўжаликлари эса «Правда», «Ленинскии путь», «Политотдел», Свердлов, К. Маркс номида, кўчалар номи ҳам антиқа. Туман раҳбарларига қонуң амалиётидан гапирсангиз, иқтисодий жиҳат «чатоқ»лигини, маблағлари йўқлигини баҳона қилиб, дийдөө ўқийдилар. Чиндан ҳам маблағ йўқдир дерсиз. Асло! Шу йил мазкур туманда В.И.Лениннинг 121 йиллиги арафасида қарийб 100 миң сўм сарфланиб, бир ой ичида Ленинга янги ҳайкал ўрнатдилар (Бу ҳақда «Ивестия»нинг шу йил 25 апрел соҳида ҳам мақтовли мақола босилди). Агар туманда В.И.Ленин ҳайкали бўлмаганда, уларни тушунса бўлар эди. Аммо тил ҳақидаги қонуң амалиёти учун 20—30 миң сўм топилмай турган бир пайтда туманда бу тадбир нима учун керак бўлиб қолдикин? Шунингдек, бу йил ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам 550 йиллик санаи мубораклари ўтказилади. Энди ўринли савол тугилади: «Хўш, нима учун Навоийга ҳайкал қўйилмади?» Ахир, қонуңнинг 24-моддасида жумҳуриятимиздаги барча тарихий исмлар халқнинг миллий мулки ҳисобланиши аниқ белгилаб қўйилган-ку!

Афсуски, бундай раҳбарлар ва сарф-харажатлар жумҳуриятимизда анчагина. Бу аҳволда қонуң амалга ошишига ким қарий бўла олади?

Пойтахтдаги жой номларини белгилувчи Атамалар комиссияси Тошкент кўчалари, мавзе, даҳа, хиёбон, мактаблари номини кўриб чиқиб, қарийб бир ярим йил ичида 400 дан ортиқ атама-

ларни янгилади. Чунончи, 300 дан ортиқ кўча, мавзе, даҳа, хиёбонлар, 80 дан ортиқ мактаблар «Красновосточная», В.Хмельницкий, Калинин, Високовольт, Ленин, Горкий каби номлари билан юртилар эди. Комиссия ташаббуси ва сатй ҳаракати туфайли улар Темур Малик, Бобур, Ибн Сино, Ялангоч, Асадулла Хўжаев номларини олдилар. Аммо шаҳар Атамалар комиссияси бошлаган бу хайрли ишлар айрим куйи бўғин раҳбарларининг совуққонлиги билан ниҳоясига етмай қолмоқда. Яъни номи ўзгартрилган кўча, даҳа, мавзе аҳолиси туман ижроқўмидаги мутасаддиларнинг лоқайдлиги туфайли қайтар рўйхатдан ўтказилмай турибди. Мактаб маъмурияти, халқ таълими бўлимидаги раҳбарчалар эса айрим жойларда ҳамон янги пешлаваҳ, муҳр тайёрлаётганлари йўқ. Ваҳоланки, Тошижроқўм қарори бўйича мазкур тадбирлар бир ой ичида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган эди.

Мисолларга мурожаат қилайлик: Фрунзе туманидаги В. Хмельницкий кўчаси Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан, Ш.Руставели кўчасининг Бобур кўчасидан «Самарқанд» шохбекагача бўлган қисми эса Ўсман Носир номи билан юритилмоқда. «Ивановлик тўқувчилар» мавзеси ва кўчасининг тарихий «Қўшбеги» атамаси тикланганига бир ярим йил бўляпти. Умуман, туман бўйича 50 дан ортиқ жой номи ўзгарган. Бироқ туман ижроқўмидаги мутасадди (З.А.Галкина)нинг лоқайдлиги боис аҳоли кўп жойларда қайта рўйхатдан ўтказилмаган. Зарур ташкилотлар хабардор қилинмаган. Бир сўз билан айтганда, Тошижроқўмнинг бир неча қарори куйи ташкилотлар томонидан бажарилмай ётибди. Бундай ҳолини Аҳмад Югнакий (собик Солнечный), Қашқар (собик Ц—4), Хумоюн (собик Ясний) каби ўнга яқин мавзелар: Ялангоч (собик Високовольт), Биродарлик (собик Спутник) даҳаларида ҳам учратишимиз мумкин. Пойтахтдаги 141- 138- 302- 213- мактаблар ва яна кўплаб таълим даргоҳлари ҳам Тошижроқўмнинг жой номлари бўйича қабул қилган қарорларини менсимаётдилар. Бундай аҳвол «Чўртан балиқ, қисқичбақа ва оққуш» эртагини еслатади кишига.

Ҳозирги инқилобий қайта куриш даврида халқ билан келишиб иш тутиш ўрнига ҳамон тўрачилик дардига мубтало бўлиб юрган раҳбару ташкилотлар ҳақида ҳам тўхталиш жоиздир. Тошкентдаги минглаб аҳоли талаби ҳеч бир сабабсиз эътибордан четда қолмоқда. Бу эса ўз ўзидан халқнинг кўнглини хира қилаёттир. Масалан, Собир Раҳимов тумани маҳаллалари кенгаши, ўндан ортиқ маҳалла фаоллари ҳамда Пушкин номи истироҳат боғи маъмуриятининг 125 миң аҳоли номидан ёзган талабномасида «Пушкин номи истироҳат боғи»га Абдулла Қодир номи берилиши сўралган. Бу ҳақли талаб, халқнинг истаги ҳамон амалга ошганича йўқ.

«Правда» газетаси кўчасида

яшовчи бир гуруҳ қардошларимиз кўчага ўзбек тарихий шахсларидан бирининг номи берилишини сўраганлар. Сўровномани олиб келган ўртоқ имкони бўлса, Амир Темур номи берилишини илтимос қилган. Аммо бу сўровга ҳам қарийб икки йилдан буён эътибор берилмапти.

«Галабанинг 40 йиллиги» даҳасида яшовчи биродарларимиз эса катта йиғилиш ўтказиб, мазкур даҳага Амир Темур номи берилиши ҳақидаги таклифини кўриб чиқдилар. Таклиф қарийб 90 фоиз овоз билан маъқулланди. Фрунзе туман, шаҳар раҳбарияти аҳоли истагини ижобий ҳал қилиб берганича йўқ. Бу машмашалар қачонгача давом этиши ёлғиз яратганин ўзига аён!

Ганнинг очиги, юз марта ўзбекча ном бериб, миң жойга ўзбек тилида ёзиб қўйган билан ҳам иш битмайди. Энг аввало туб миллат вакилларидан мутасаддиларни масъул лавозимларга тайинлаш керак. Қайси ташкилотга борманг, иш юритувчи, ишлар бошқарувчиси, ҳуқуқшунос каби мутасаддилар асосан маҳаллий миллат тилини, урф-одатларини билмайдиган кишилардан иборат. Устига устак, давлат тили ҳақидаги қонуң амалиётига масъул шахсларнинг ўзлари айрим идораларда ҳатто давлат тилини билишмайди. Масалан, Фрунзе тумани ижроқўми, шаҳар умуний овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари ва ҳоказо жойларда аҳвол юқоридагичадир. Шаҳар савдо бош бошқармасидаги манзара сўзимизга далил бўла олади. Молиявий ишлар бўйича мутасаддилар ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Шунингдек, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси, шаҳардаги Ленин, Куйбишев туман ижроқўмларида аҳвол юқоридагича. Аҳоли билан энг кўп мулоқотда бўладиган соҳаларда ҳам раҳбарлар халқ тилини билишмайди.

Яқинда Фрунзе тумани ички ишлар бўлими ҳамда шаҳар давлат автомобиль назорати идорасида бўлдим. Ҳар иккисид ҳам давлат тили ҳақидаги қонуңга деярли эътиборни учратмадим. Давлат автомобиль назорати идо-

расига қарашли, кўчаларимиздаги турли белгиларда қайд этилган ёзувлар ҳам қонуңга мутлақо зид. Бу ҳақда идора раҳбари Эркабоевга айтилган. Аммо у киши ё лоқайд, ё қонуни менсимапти. Демокриманки, миллий мутасаддилар деганда фақат исми-шарифи эмас, юраги миллий мутасаддиларни зарур соҳаларда масъул қилиб тайинлашни тушунмоқ керак. Бундай дейишимга сабаб: ўзбекчилик, гуруру, эътиқод деган тушунчалардан йироқ кимса халқ истагига қараб иш юритиши гумон.

Ҳаммамиз ҳам кундалик наشرларни, телекўрсатувларини ва радио эшиттирилари кузатиб бораемиз. Аммо маҳаллий наشر, кўрсатув ва эшиттирилариинг рус тилидаги чиқишларида жумҳуриятимизнинг давлат тили ҳақидаги қонуңнинг амалга татибқ этилиши учун жонқуярлик, тарғибот-ташвиқот олиб бориши сезилмаёттир. Ахир Ўзбекистонда шу юрт маблағи билан тайёрланадиган «Правда Востока», «Вечерний Ташкент», «Молодёжь Ўзбекистана» каби қатор наشرлар, «Ташкентская студия», «3а круглим столом» каби кўрсатувлар, «Ташкент и ташкенци» каби эшиттиришлар тил тўғрисидаги қонуң амалиётини нега етарли тарғиб қилмаётдилар? Е тарғибот учун уларга алоҳида қонуң, кўрсатма зарурми? Ҳатто кейинги вақтда ўзбек матбуотлари ҳам тил тарғиботида сусткашлик қилаётдилар. Чунки кўп ёзилапти-ю, кам наф қўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтилган бўлса, тил равнақи — эл равнақи, деган гап бор. Шундай экан, тақдор бўлса ҳам айтишга тўғри келади. Ўзбекистонда Давлат тили ҳақидаги қонуңнинг амалда фаолият кўрсатиши учун ҳар бир имон-эътиқодли тил жонқуярлари яқдиллик билан ҳаракат қилишлари, талабчанроқ бўлишлари керак. Лоқайдлик касали — жуда хавфли дард. Яна бир йилдан сўнғ йиллар давомида кутган тил эркинлиги ҳақидаги қонуң ҳалокатга дучор бўлмасидан аввал ўз тақдиримизни ўйлаб кўрайлик, дегим келади.

Дилмурод САИДОВ



От изини той босар.

Сураткаш Р. Нурибоев

АВЖ ПАРДА



Ўзбекистон халқ шоири

Шукруллонинг 70 ёшига

Шукрулло ижоди энг юксак — авж пардага кўтарилди. Ўзбек адабиёти тарихида, менинг назаримда, маликул калом мавлоно Лутфию кейинчалик Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий домла кексаликда авж қилганлар. Шукрулло ҳам етмишга етдим, бу ёғи қўлга тасбеҳ ушлаб, тоат-ибодат билан кунларни ўтказаман, дейдиганлардан эмас. Буюк Абдулла Қодирию Чўлпону Фитратлар қирқ ёшлар атрофида қатл этилдилар. Бошқа оқсоқолларимиз элликдан ошиб, деярлик катта асарлар ёзолмай кўйдилар, ҳамма имкониятларга етиб — академик, депутат, лауреат... билан «фоний дунёдан совиб, боқий дунёга ўтдилар», кўчалару ҳайкаллар, метролару колхозлар улар шаъну шавкатини абадийлаштирди. Ҳаммаси бўлиб ўтди... Ҳозирги яхши деб аталмиш даврда ҳам келгусида албатта қораланадиган ишлар бўлаётгани сир эмас — жиддий ва кўламли асарлар ёзиш ўрнига нутқбозликлар авж олиб кетмоқдаки, Шарқ одатича катталарга ҳурмат, ота-онага садоқат, дунёдан ўтганлар руҳи покига таъзим, ўтганларни гўрида тинч қўймоқ кам бўлаяпти. Катта гапиргунча катта иш қилмоқлик аждодларимиздан мўқаддас меросдир. Орамизга шайтон араладими, кўчаларда тани очик беибо йигит-қизлар орқасини тўппайтириб, намойишкорона бир-бирининг белдан ушлаб, сенинг маҳаллий одобу ибодларингга тупураман, деб юришликларини нима деб аташ керак! Ҳар куни бундай ахлоқий мажруҳларни Тошкент кўчаларида минглаб учратиш мумкин! Қандай кунларга қолдик! Бир томонда табиат инқирози, бухрон, бир томонда беиблик кекса фахриялар юрагига ханжардек санчилмоқда.

Шукрулло! Мен уни улкан миллий, шоир деб атайман, халқимиз сафида камарбаста бўлиб хизмат қилаётган камтару хокисор дўстимни вақти келиб халқ ўзи баҳолайди. Мунису мушטיפар онасининг дуоси сабаб бўлдим, қозоқ халқи саломатлигига жонини бағишлаган эмчи отасининг поқдомонлиги, рафиқаси Мунавварахоннинг, болаларининг дуоси сабаб бўлдим, Чўлпонлар, Қодирийлар тушган дўзахдан омон чиқди. Тарихда золим подшоҳларнинг кўзи ҳаммадан аввал ҳақгўй адибу шоирларга тушган — Машраб осилган, Ватвоту Хозиқ чопилган, Насимийнинг териси шилинган...

Ургандан туртган ёмон — шахсга сиғиниш ва ундан кейинги бюрократлар авж олган турғунлик йилларининг руҳий қийинчиликларини ҳам кўрди; икки бор унинг шеърятини СССР Давлат мукофоти тавсия этдик, аммо марказдаги баъзилар ўзларининг бадий жиҳатдан паст нимарсаларига мукофот олиб кетдилар. Деҳқонбой ота кетмонга тираниб, сўлжайганича қолиб кетарди.

Яхши от кейин чопади. Азизим Шукрулло кексаликда наинки шеърят, наинки саҳна асарлари, катта насрий асарлари билан ҳам китобхоний хурсанд қилмоқда. Унинг «Кафансиз кўмилганлар» асари ҳозирги адабиётимизда энг ҳаққоний ва энг таъсирли асарлардан

биридирки, шоир созининг авж пардаларига кўтарилган асардир. Шукруллонинг жумҳурият Президенти кенгашига аъзо бўлиб, ҳукумат ишига аралашётгани — гоёта адолатлидир, бу мансаб бизга Вазири аъзам Амир Алишер Навоий хазратларидан меросдир. Ўзбек жумҳурияти салтанати тепасида турмоқлик айниқса Шукруллодек донишманд бир инсоннинг зиммасига тушгани — халқ мўддаосидир, адаб аҳлини ҳам хурсанд этадур.

Қадим биз, чигатой, кўнча даҳаларининг болалари, Эски-Жўвадаги Бегларбеги мадрасаси атрофида, Жангоҳ боғини обод қилиб юрадиган — Жалолхон, Саид Аҳмад, Бурҳон, Набиҳон, Шукрулло, Ҳибзиддин, Юсуфжон ва каминалар... мана етмишга кириб, «соқоли тўрва» бўлиб, бу кунларга етиб келдик. Бошқа нарсадан бўлмаса ҳам, азизим май-мусалласдан юз ўгириб, йигирма йилдирки бодани тарк этиб, тамоман садди пок бўлгани, бу яхши! Ҳаммамиз ҳам шундай кунларга етайлик! Шукруллонинг кексаликдаги авжи ҳаммамизга ҳам ибрат бўлсин, тиниб-тинчимай кўп-кўп асарлар ёзаберсин, учқур тайёрларда қитъалардан қитъаларга меҳмон бўлиб бораберсин, ўзбек адабиётимиз буюклигини уларга кўрсатаберсин.

МИРМУҲСИН

«Халқ дардини»

Бундан тахминан ўттиз йиллар муқаддам Урта Осиё дорилфунуни (САГУ) деб аталадиган олий билимгоҳимизнинг филология кулліётига талабалар билан учрашувга шоир Мақсуд Шайхзода келар экан, деган шов-шув тарқалди. Биз ҳаяжондан энтикиб, ўзбек адабиётининг тирик классик адабини кўрар эканмиз, наҳотки шу рост деб, ҳар ер-ҳар ерда унинг ижодини муҳокама қиламиз. Биз талабалар Ҳамза номли театр биносида «Мирзо Улуғбек» асарини кўрган ва ана шу шекспирона драма таассуроти билан яшардик.

Учрашув бошланди. Биз китоб, газеталардаги суратларидан танийдиган шоир, оддий, самимий, фариштали бир одам минбарга чиқди. Шоир «Мирзо Улуғбек» трагедиясининг ёзилиш тарихи ҳақида гапириб берди. Кейин Озод Шарафуддинов шоир ижодини, янги драма характерларини таҳлил қилди. Шунда шоир Шукрулло билан ҳам илк бор учрашдик. У киши Мақсуд Шайхзодадининг инсоний хислатлари ҳақида «р» товушини сал чиқаролмай гапирди. Бундай учрашувлар, биз талабалар ҳаётини нур ва мазмунга йўғира бошлади...

Орадан бир неча йиллар ўтди. Юқори курсларда дорилфунун муаллимлари ва китоблардан олган билимларимиздан оқ-қорани таний бордик. Шу пайтларда шоир Шукрулло яқинда «миллатчилик» тамғаси азобини тортиб, қамоқхоналардан келганлигини, энди кўрган даҳшатларини унутиш учун баъзан маст-аласт юришини эшитдик. Кечалари қабристонларга кетиб қоларкан, деган сирли, ваҳимали гаплар тарқалди. Бунинг моҳиятини биз кейин ангадик.

Сўнграқ Мақсуд Шайхзода билан ҳам, Шукрулло ака билан ҳам кўп марта учрашиб, ҳаёт, адабиёт, адолат ва ҳақиқат ҳақида суҳбатлар қурдик.

Шоир Шукруллонинг замондошлари орасидаги устози Мақсуд Шайхзода ҳақида айтган куйидаги фикрлари унинг ўз шахсияти ва ижодига ҳам тааллуқлидир: «Ҳаёт ва инсоният ҳақида мукаммал фалсафий тушунчага эга бўлмаган ёзувчи ҳам албатта доно олим образини ярата олиши мумкин эмасди... Худбинлик ва риёга нафрат ҳисси билан яшамаган, инсонларга яхшилик ва марҳамат қўлини чўзиб, завқ олишни билмаган, халққа сидқидилдан холис хизмат қилмай... топилган шон-шухратлар оқибатда нима билан тугашини англамаган ёзувчи бу ҳақда асар ёзиши ҳам мушкул. Ёзувчи яратган ҳар бир асар, унинг қалбини йиллар бўйи ларзага солган олижаноб ҳислар, фикрлар туғинининг маҳсули бўлиши керак».

Бир воқеа сира эсимиздан чиқмайди. Бу энди 70-йиллар охири эди. Раҳматли шоир Асқар Қосим, ўша вақтда ёш «исёнкор» мунтақид Ботир Норбоев билан адабиёт ва санъат нашриётида бир бўлишда ишлардик. Ботир Норбоев ишонадан ажралмаган ҳолда



Шоир Шукрулло рафиқаси Мунаввархон опа билан.

«Шеърининг ижтимоий вазибалари» («Куррашчан шеъринга») мавзуда фан номзодлиги илмий ишини ёзди. Талабалар шаҳарчасидаги дорилфунун биносида, филология кулліётида шу илмий иш муҳокама қилинди. Муҳокамага шоир Шукрулло ҳам ташриф буюрди. Олимлар ва педагоглар илмий ишни яхши баҳоладилар. Энг эсда қоладигани шоир Шукруллонинг чиқиши бўлди.

— Яқинда уч жилдли «Танланган асарлар»имни тузишга тўғри келди,— деди Шукрулло ака.— Аммо, анча-мунча шеърларимни киритишга журъат қилолмадим. Нега дейсизми? Бизнинг авлод шоирларининг ижоди ва илҳомини партиянинг кучли назорати остида эди. Биз ҳатто кўнгил, жон, руҳ деган сўзларни тилга олишга ҳаққимиз йўқ эди. Оқибатда кўнгилни ҳаяжонга солмайдиган, руҳсиз шеърини авж олди... Биз кўрган азобларни сизлар кўрманлар...

Бу жуда мардона айтилган гаплар эди.

1985 йилги қайта қуришдан кейин эса аввалги хатоларни рўйи-рост фош этувчи асарлар вужудга келди. Аммо, ҳамон Москвадаги адаблар учун бошқача, миллий жумҳуриятларда бошқачароқ эркинлик ҳукм сурарди. Марказдаги адиб ва шоирлар дадил асарлар ёзган пайтларда ҳали Ўзбекистонда ҳамон амир Темур, Бобур каби улўф зотларга қарши ҳужумлар уюштирилар эди. Александр Солженицин асарлари босилганидан кейин 5—6 йил давомида ўзбек адабиётида ҳам Ҳабибулло Қодирининг «Адабиётимиз қотиллари», Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар», Султон Акбарийнинг «Қатағонлик», Набижон Боқийнинг «Қатлнома» каби ҳаққоний асарлари вужудга келди. Буларнинг ҳар бири ҳақида ҳам жиддий илмий тадқиқотлар ёзилар. Аммо, ҳозир шоир Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» хотира-романи ҳақида икки оғиз гапирмоқчимиз.

Жойладим дилга..»

Асарда тасвирланишича, бутун умрини Шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашга, партия топшириқларини мутеларча садоқат билан бажаришга бағишлаган машҳур коммунистлар Насриддин Хўжаев, ота-боболарига, уларнинг динига, эътиқодига қарши курашган, коммунистик партияга содиқ Баҳовуддин Нуриддинов ҳам, ўғри, муттаҳам, фирибгар, безори, қотил, жиноятчилар ҳам бир хил жазога тортилиши, аксинча, ўғрилар ўша ерда ҳам ҳалол одамларга азоб бериши ҳаққоний тасвирланган. Асарда шоир тоғасининг ўғли Баҳовуддин Махсум бундай дейди: «Бизлар инқилобни нима учун қилган эдик, укам? Ўғри, муттаҳамларни кўпайтириш учунми? Давлат мулкни ҳамма истаганича талон-торож қилиши учунми? Ҳақиқатни айтсанг гуноҳкор бўлиш учунми?» Романининг «Эътиқод жазоси» бўлимида «халқ учун, миллат учун қайғурган энг аъло зиёлиларни отиб, қамоқхоналарда чиритганлар кимлар?» деган аламли саволларга жавоб изланади. Александр Солженицин каби Шукрулло ҳам подшоҳ тузуми билан шўро тузуми адлия ишларини, ака-ука Ульяновлар ишини ва оммавий қатагонликларни таққослайди. Асар муаллифи Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби халқпарвар шоирларни жиноятчи деб ёзиб бермагани учун ҳам жазосини оғирлаштиришади. Иложсиз қолган шоир фақат тангридан маъдад кутади.

Уттиз ёшли, боринки, қирқ ёшли шўро фуқароси ҳам «халқ душмани» деган иборани тушунмаслиги мумкин. Тушунган тақдирда ҳам «Епирай, шўро фуқароси ҳам халқ душмани бўлиши мумкинми, бутун халққа қарши битта-яримта одам қарши борарканми, бу Гитлерга ҳам тақилмаган жиноят-ку», дейиши турган гап. 30—40-йилларда бу ибора кирган уйдан файз, осойишталик кўтарилар, маржису маъракаларда бомбадек портлар эди. Агар эълиқ ёшдан ошган одамларга бу сўз айtilса, ҳалиям бир чўчиб тушиши бор, чунки гарчи ўзининг бошига тушмаган бўлса-да, ё отаси, ё онаси, ё акиси, ёҳуд қариндош-уруғларидан биронтаси шу хунук ном билан бир марта бўлсин қораланган. Қатагон йилларининг қора тўзони қайси оиланинг устидан босиб ўтмаган, томини учриб ватангадо қилмаган? Халқ бошига нега бунча балолодур ёғилди?

Қатагон йилларида ҳўлу қуруқ баробар ёнди: Иттифоқимиздаги бирон халқ бу йиллардан жафо чекмай қолмади. Ўша кезлар чойхонада мавзу фақат урушининг бориши ҳақида бўларди. Аравакаш чой хўплад туриб: «Бу дейман, пошшоликнинг иши ҳам қизиқ экан-да, ер таллашиб уришади-ю, халққа жабр қилади, халқ қирилса кесакка пошшо бўладими? Ундан кўра Сталин ва Гитлерни майдонга туширсин, иккови бел олишсин, қайси бири енгса, ўша пошшо бўлсин, ана бу марднинг иши бўлади!» дебди. Чойхонада хуфиялар бор экан, бир зум

ўтмай аравакашнинг оёғини ерга теккизмай олиб кетишган. Шу бўйи на ўлигидан, на тиригидан дарак бор. Халқ душмани ўша аравакашми? Унинг содда, дўлвор гапларими? Ёки Шукрулло домланинг романидаги гиёҳванд Илès ота душманми? Қатагон йиллари на олимни, на адибни, на партия ходимини, на аравакашни, на бошқасини таниди! Ҳўлу қуруқ баравар ёнишининг сабаби битта: халқни кул қилиб, темир панжараларда сиқиб туриш эди, холос.

Ривоятда айтилишича, Семурғ ҳар йили бола очар, боласини аждаҳо ютар экан. Бир неча йиллар шу аҳвол давом этибди. Мағрур Семурғ кўзларида шашқатор ёш билан аждаҳо олдига юкиниб борибди. «Эй аждаҳо! Мендан истаганингни ол, аммо полапонимга тегма!» деб ёлворибди. Аждаҳо ундан Сулаймон узугини талаб қилибди. Болажон Семурғ узугини келтирибди-ю, полапонига ҳаёт бағишлабди.

Бу-ку бир ривоят, аммо бениҳоят ибратли. Не ажаб, ўзбек халқи ҳам асл фарзандларини асраш учун сиёсатдан четга чиққандир, сеники маъқул, деб яшасинчиликка ўтиб олгандир? Ахир зада бўлиш ёмон, кўрқиш ёмон!

Шукрулло домла романда ана шулар ҳақида чўқур мулоҳаза юритади, жамият устида ҳўкморон бўлган ёлгон социализмга, ёлгон партия-ыйлиқка, инсонларнинг бу ҳўкморонлик остида қандай азоб-уқубат тортганилигига ўз муносабатини билдиради. Романининг «Кафансиз кўмилганлар» деб аталишининг моҳияти шундаки, гап фақат қамоқхоналарда ғурбатда кун кечирганлар, эзилганлар устидагина эмас, бир тўда жинояткорлар бошқарган мамлакатда бўлган ҳўр фикрлар, буюк истеъодлар, бутун бошли мамлакатнинг кўғирчоқ қилиб ўйнатилгани устида боради.

«Кафансиз кўмилганлар» романидан парчалар матбуот саҳифаларида, тўлалигича «Ешлик» ойнамасида чоп этилган, баъзилар бу асар Солженициннинг ўзбекчаси деган фикрни ҳам айтибдилар. Сиртдан қаралганда шундай. Муаллифининг ўзи ҳам тан олиб айтишича, бу романининг ёзилишига «Қамоқхоналар салтанати» туртки бўлган. Аммо ўзбекчаси деган гап буткул ёлгон, чунки ҳар иккала адиб жамият ҳаётига-ўз муносабатларини ўзига ҳослик билан ифода этади. Романининг бош қаҳрамони, шубҳасиз, муаллифининг ўзидир. Бош қаҳрамоннинг қарашлари, бу фақат жафо чеккан қатагон йилларининг қурбони бўлган шахс сифатида эмас, балки жамиятнинг илғор зиёлиси, сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси бўлган кишининг қарашларидир. Агар бирон танқидчи чиқиб, Шукрулло ўша давр сиёсий ҳаётга салбий муносабат билдирган, деса қаттиқ янглишган бўлади. Ахир ҳар қандай адиб воқеаларни, давр ва даврон жафосини бошидан кечирмагунча асар ёзолмайди-ку! Бу, бир томондан. Иккинчи томондан, ҳар қандай ақли расо одам қатагон йилларига ижобий муносабатда бўла олмайди, чунки у йиллар нафақат

тарихнинг оқ доғлари, балки тарих кўрмаган, қулоқ эшитмаган даҳшатли йиллардир.

Бу кунларни душманиннинг бошига ҳам солмасин, деган гап бор. Ўша кунлар жафосини кечириш нақадар оғир, аммо ўша кунлар воқеаларини яна қоғозга тушириш жафоларни яна қайтадан ҳис этишдек гап. Шукрулло домла демак икки бора азоб кўриб, ушбу асарни ўз китобхоналарига кўз ёшлари билан тақдим этар экан, ўша кунларнинг қайтиб келмаслигини тилайди. Ўз асари билан доруламон кунларининг келишини орзу қилади.

Маҳкам МАҲМУД,
Асрор САМАД

Дилрабо ИСКАНДАРОВА Илтижо

Мени олиб кетгин эй, кўҳна эртақ,
Имлаб чорлагувчи мушфик ватанга.
Бир дам олиб ором бу тапна юрак
Туташин бор ичра эрам бўстонга.
Кулбам бўла қолсин майли Садоқат,
Метиндек иродам мулки бут имон.
Мағрур бошим узра нур сочин фақат
Бағри тўла баҳор — шафқатли уммон.
Йўлларим ёритиб турса бас зиё,
Умид юлдузларим ўтар сўроқлаб,
Қалбимда энтикиб тўлгонса дунё,
Жаннат маконига келурсан йўқлаб,
Мени олиб кетгин эй, кўҳна эртақ!..

Унутсанг агар...

Ҳижрон маржонларин бўйнимга тақиб,
Безайман ўзимни минг ўтда ёқиб.
Фироқ денгизда кетарман оқиб,
Жаҳоним, сен мени унутсанг агар.

Соқийим қўлимга тутмайди шароб,
Лиглайман, ёшимга тўймас ой қараб.
Бўғзимга тиг урар ох, тангрим, ёраб,
Армоним сен мени ёд этсанг агар.

Бағри тор бўлса-да — умидли дунё,
Лаҳзадек туюлар умримга гўё,
Жаннат боғларининг борлиги рўё,
Вогбоним, сен мени унутсанг агар.

Инсонлар йўқотса пок қалб-диёнат,
Авж олса дўстгаю ёрга хиёнат,
Садоқатни банди айлайди ҳаёт,
Имоним, сен мени унутсанг агар...

Нарпай



Ёзувчи Маматқул Ҳазратқулов «Жароҳат» деган янги қисса ёзиб туғаллади. Унда Афғонистондаги уруш, унинг бегуноҳ қурбонлари, бу уруш оқибатида мамлакатларимиз халқлари тортган азоб-уқубатлар ҳусусида ҳикоя қилинади. Айни чоқда ёшларнинг севгиси, бир-бирига садоқати қаламга олинган.

Қуйида шу қиссадан парча эълон қилаётимиз.

ЖАРОҲАТ

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Темур хат ёзишга ўтирди. Тайёрада тузган режаси бўйича аввал Маҳмудга хат битди. Афғонистондан келишганини, ота-онаси хавотир олмаслиги учун шундай йўл тутганини Маҳмудга тушутирди. Сен ҳам зудлик билан менинг гапимни тасдиқлаб хат ёзиб юбор кишлоққа, деди.

Хатни тўрт буклаб, пакетга солди, пакетнинг қопқоғини тили билан ҳўллаб ёпиштирди—да, устига Маҳмуднинг манзилгоҳини ёзди. «Хўш, энди кимга ёзсам экан?... Уйга кейинроқ ёзганим маъқул, унчага Маҳмуддан ҳам хат келиб қолади. Икковимизники олдинмакейин келса ишонарли бўлади... Демак, энди Гавҳарга ёзаман».

Қизни ўйлаши билан Темурнинг дилини ширин бир туйғу қамраб олди. Ажабо, муҳаббатнинг сеҳри шумикан? Икки-уч кундан бери хаёлини тарк этмаётган асабий таранглик, Кушқадан то бу ерга етиб келгунча гоҳ машинада, гоҳ тайёрада, гоҳ пиёда йўл юришлар, ундаги чарчоғу толиқишлар, уйқусизликлар — ҳаммаси бирдан тарқагандай туюлди, ўзини ҳозиргина муздей анҳорга шўнғиб чиққан одамдай энгил ҳис этди, кайфияти ҳам хушланди. Йўлда келаётиб умрида биринчи марта автомат отишмаларини кўриб юраги увшиган эди, энди то хизмат туғагунча шу отишмалар ичиде юраминиз шекилли, деб ўйлаган, бу ўйидан, очғи, бир мунча чўнчиган эди. Бу кўрқув, бу ҳадик яқин-яқингача, гарчи уни эсламасликка тиршишса-да, кўнглининг аллақериде турганди. Улар ҳам куёшдан чекинган соялар каби тарқалди — дилида на ҳадик, на чўнғи қолди. Муҳаббат, бу — куёш! У одамни илтидади, иситади, йўлини ёритидади, гоҳида қиздиради, куйдиради. Муҳаббат кўнган юракда қувват, шиддат, ҳаётга иштиёқ пайдо бўлади. У одамни жасур, ҳеч нарсадан чўймайдиган, мард қилиди.

Унга масофанинг алоқаси йўқ. Йўқса Гавҳар қаердаю Темур қаерда хозир. Унинг муҳаббати Темурнинг кўнглига қувват, билагига куч, кўзига нур ато этди-ку. Шу топда ундан ботир, ундан мард, ундан жасур йигит йўқ оламда.

Темур ширин хаёлларга берилиб ўтирганча қўлларини орқага узатиб маза қилиб керишди, бўғинлари шарақлаб кетди. Назарида, кенг елкалари янада кенгайгандай, бақувват мускуллари тагин бакуватлашгандай туюлди. Фикрларини бир нуқтага жамлаб оппоқ қоғозга харфларни маржондай тиза бошлади.

«Гавҳар! Менинг муҳаббатим, менинг куёшим! Соғ-омонмисиз? Сизни қанчалар соғинганимни билсайдингиз... Сўз билан ифода қилолмайман. Бу дунёда сиз борлигингиз, мени сизга рўпара қилгани учун олло-таолога минг бора шўкроналар айтаман. Ишонинг жоним, сизни ўйласам кўзимга нур, билагимга куч, дилимга хуш кайфият йўғрилаверади. Бу ердаги ҳар хил бемаъни одатлар, кишини ёш бола сингари менсимасликлар, асабийликлар — ҳаммаси сизни ўйлаганимда куёшга дош беролмаган кўршапалак мисоли кўздан ғойиб бўлади, улар хаёлу дилимни тарк этади, рутубатли қишдан кейин куёш кўрган одам каби кўнглим равшан тортади. Шу боис сизни куёшим дейман...»

Гавҳар, жоним! Бугун биз Афғонистонга келдик. Ҳа, азизам, шундай. Хавотир олманг, бизнинг қисмишимиз уруш бўлаётган жойлардан анча узоқда. Бу ерда, олдиндан хизмат қилаётган йигитларнинг айтишича, Бағлон вилояти экан, биз унинг Тазун деган қишлоғидамиз. Тоғли жойлар. Насиб этса бу ерларга ҳам ўрганиб кетармиз. Туркменистоннинг ададсиз иссиғига, чанг-тўзонларига, аёвсиз изғиринларига чидадик-ку. Одам боласи ҳамма нарсага кўнкар экан. Бўлмаса, дастлабки пайтларда армиянинг одатларига кўника олмасам керак, ё қочиб кетаман,

ё ўзимни ўзим бир нарса қилиб қўяман, деб ўйлагандим. Йўқ, унча-мунча иродам бор экан чоғи, ҳаммасига чидадим, энди ўрганиб ҳам қолдим.

Ўзимнинг дард-ҳасратимни тўкиб солдим шекилли, узр. Ўзингиз қалайсиз, соғлигингиз, ўқишлар жойидами, қишлоқдагилар эсон-омонми? Доимо соғ бўлинг, ўқишларингизда омад тилайман. Тез-тез хат ёзиб туринг, илтимос. Жоним, сиздан яна бир ўтинчим бор. Менинг Афғонистонга келганимни ҳеч кимга айтманг, уйдагиларга мен Венгрияда хизмат қилаётганим, деб ёзмоқчиман...

Сизни соғиниб қолувчи Темур». Хатни ёзиб бўлди-да, ечиниб ётди. Хаёл доирасидан ҳамон Гавҳар чиқмас, у билан ўтган масъуд дамлар лаззати гўё қайтадан тикланар эди. Эҳ, қандай ширин онлар эди у. Яна насиб этармикан ўша кунлар... Ухлайин дегани сари Гавҳар билан кечган суҳбатлар, воқеалар кўз ўнгидан кетмайди, ҳаммаси бир-бир хаёлида жонланаверади, жонланаверади... Бир марта жуда ғалати бўлган эди. Уша воқеадан кейин анчагина Гавҳарга кўринишдан уялиб юрди. Уни эслаш Гавҳарга ҳам, Темурга ҳам ёқмас, иккаласи ҳам титраб кетар, шу боис уни сира ёдга олмасликка иккови бир-бирига сўз берган эди. Ҳозир шу воқеа эсига тушди.

...Апрел ойининг ўрталари. Улар санъат саройига кинога тушдилар... Кинодан чиқишганда қош қорайган, майин ёмғир севалаб турарди. Уша баҳорда негадир ёмғир кам ёғди. Шунданми, бугунги ёмғир ҳаммага хуш ёқар, дарактлар, гуллар, ўт-ўланлар баргидаги чанг-ғуборни ювиб ўтар, ҳаво севшиганларни сайр эттишга дэъват этар эди. Бу туйғу Темур билан Гавҳарга ҳам бегона эмасди.

— О-о, ёмғир тушаяпти-ку, — деди Темур ташқарига чиқishi ҳамона. — Ҳавони қаранг, Гавҳар, бунчалар хушбўй. Бироз айлансак, нима дейсиз?

У Гавҳарнинг кўзларига термул-

ди. Қизнинг кулгу ўйнаб турган шўх-шаён кўзларида йигитнинг таклифига ризолик аломати акс этиб турарди. Шу боис Темур унинг жавобини ҳам кутмай Ўрда томонга бошлади. Гавҳар шамсиясини очди.

— Менга беринг, — деди Темур қизнинг қўлидан шамсияни олarkan.

Шамсия тағида ёмғирдан бекиниш учун улар бир-бирига тикилиб борар, йигитнинг барваста қомаги қизни гўё ёмғирдан тўсиб бораётгандай, бўйи баланглиги учун шамсия қиздан анча юқорида кўринар эди.

— Яхшиям зонтик олганим... У йигит томонга юзини бурган кўйи нигоҳини юқорига — Темурнинг кўзлари томонга йўналтирди. Йигит эса аксинча, жиндай энгашган ҳолда унинг кўзларига қаради. Шунда қизнинг шундоқ ҳам қоп-қора, аммо дид билан тортилган нозик, билинар-билинмас сурма туфайли тағида қорароқ кўринган шаҳло кўзлари ёмғир томилиларини ёриб ўтаётган электр нурида чарақлаб кетди. Йигит ўзини тиёлмади — чародек ялтираб турган кўзларга лабини босганини ўзи ҳам, қиз ҳам сезмай қолди. Қиз бирдан ўзини орқага тортди.

— Ҳей, қароқчи, нима қилаяпсиз? Уялмайсизми катта кўчада...

Назариде юзлари қизариб кетди Темурнинг. Ўзини кўлга олиб ҳазиллашди:

— Ошинг ҳалол бўлса — кўчада ич, дейдилар.

— Аввал ҳалоллаб олинг, — деди Гавҳар ҳам ҳазилга ҳазил билан. Қизнинг топқирлигига, ҳозиржавоблигига Темур қойил қолди.

— Болладингиз... Тан бердим, — деди ноилоҳ.

Анҳорга яқинлашиб қолдилар. Иккови ҳам гўё олдиндан келишиб кўйгандай Анҳор ёқалаб «Пахтакор» стадиони томон юрди. Ёмғир ҳамон ўша куйда — майдалаб ёғар, йўллар аллақачон ҳўл бўлиб улгурган, майда-чўйда-чў-

қурларда халқобчалар пайдо бўлган, улар чироқ ёғдусида ялтираб кўринар эди.

Стадион панжаралари кўринди. — Темура ака, — деди Гавҳар, — бир таклиф бор.

— Марҳамат.
— Шундоқ айлиб Гагарин боғига ўтасак. У ерда сиренлар бор, роса гуллаган бўлса керак. Оламиз.

— Сиренни яхши кўрасизми? — Жудаям.

— Бўпти, олганимиз бўлсин. Кўприкдан айлиб Гагарин боғи томонга юрдилар. Бу пайтда ёмғир тинган, боғнинг ичи чироқлар ёруғида жуда гўзал кўринарди. Арчалар сутта чайилган қизлар каби гўзал, тип-тиник, кўзни қувнатарди. Хув наридаги бир туп настарин чамандай очилипти. Унинг нафармон гуллари кўзни қамаштирарди.

— Ана, сирен, — деди Гавҳар ёш боладай севиниб.
— Ҳозир оламиз...
Темура шундай деб шамсини Гавҳарга узатди-да, ўзи жадал юриб кетди. Бориб настарин гулларида уза бошлади. Ҳаш-паш дегунча бир қучоқ бўлди. Унгача қиз ҳам етиб борди.

Мана сенга олам-олам гул,
Этагинга тўлғунча ол.

Темура бу ҳазилдан қиз мириқиб кулди. Сўнгра шеърнинг давомини айтди:

Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлғунча шу ўлкада қол...

Баравар кулдилар. Уларнинг шодон кулгуси дов-дараклар, ямшиш арчалару гуллар, салом бераётган келинчак мисоли қуйига эғлиб ётган настаринлар бағрига сингиб кетди.

Қиз гулларни тўйиб-тўйиб ҳидлади.

— Жуда яхши кўраман-да сиренни. Айниқса ранги ёқади менга.
— Демак, нафармон рангини ёқтираркансиз-да.

— Ҳа, — деди қиз яна гулларни ҳидлаб, — кизилиданам, оқиданам — ҳаммасида кўра нафармон рангини яхши кўраман.

Шундагина Темура қизнинг устидаги кўйлак ҳам нафармон ранг-далигига ээтибор берди.

— Сезилиб турипти, — деди Темура муғомбирона оҳангда.
— Қаёқдан? — ажабланиб содда қиз.

— Кўйлагингиздан.
Қиз устидаги кўйлагини гўё энди кўраётгандай энгшиб қаради. Чиндан бугун қайси кўйлагини кийиб чиққани ёдида йўқ, атайлаб шундай қилмаган, тасодифан тўғри келиб қолган эди.

— Жуда синчков экансиз-ку. Темура сир бой бермади.

— Ҳа, энди девор бўлмаса кўчани кўраимиз.
— Сиздан эҳтиёт бўлиш керакка ўхшайди.

Ёмғир ёққани учун боғда ошиқ-машуқлар кам, аҳён-аҳёнда қўл ушлашган йигит-қизлар у ёқдан бу ёққа ўтиб қоладилар... Темура қизнинг елкаларидан ушлади. Кўзларига термулди. Қиз ҳам термулди. Нигоҳлар бир-бирга яқинлаша бошлади. Яна, яна, яна... Лаблар қовушдилар. Иқовиям бу дунёда йўқ эди гўё, арши аълога чиқиб кетганди. Қани шу онлар тугамаса, давом этверсе...

Энгинасида чалинган хуштак овози уларни шувиллатиб «ерга» туширди. Темура ялт этиб овоз келган томонга қаради. Қўлига қизил латта боғлаган иккита

йигит турарди. Иқовиямнинг ҳам сочлари ўсиб кетган яқин ўртада тарок кўрмаган, қўлидаги қизил боғични ҳисобга олмаса кўчадаги безорилардан сира фарқи йўқ эди.

— Нима керак сизларга? — деди Темура ўзини дадил тутиб.

— Нега бу ерда ўпишасизлар?
— Нима ишларинг бор?

— Бу ерда бунақа иш билан шуғулланиш мумкин эмас. Жарима тўлайсан, бўлмаса мелисага олиб кетамиз.

Темуранинг газаби кўзиди. Қўлини Гавҳарнинг елкасидан олди-да, йигитларга яқин борди. Товушини бироз пасайтириб, қаҳр ила деди:

— Уялмайсизларми шу гапни гапиргани. Кўрдиларинг-ку ахир, ҳеч нарс қилганим йўқ.

«Посбонлар»нинг бир туки қимирламади. Уша безрайган кўйи: — Жарима тўлайсан, бўлмаса олиб кетамиз, — деди.

Ҳозир иккаласини мелисанинг машинасига солиб кетадигандек Гавҳар хавотирлана бошлади. Худод кўрсатмасин, шармандалик-ку бу. — У юғриб Темуранинг олдига борди-да, аста гапирди:

— Темура ака, жон Темура ака, булар билан тортишманг. Мана мендаям бор озроқ пул. — У шундай деб сумкасини титқилай бошлади.

Темура Гавҳарнинг қўлини ушлади.

— Қўйинг, сумкани ёпинг. Ҳозир ўзим тинчитаман.

«Посбонлар» Гавҳарнинг гапини эшитишмаса-да, ҳаракатларидан нима деётганини, мақсадини англади. Айни вақтда Темура ҳам уларнинг ниятини билди, дружиначиларга заррача алоқаси йўқлигини пайқайди. Бироқ ҳозир бу ярамаслар билан ади-бади айтишиб ўтиришдан фойда йўқлигига кўзи етди. Эҳтимом, нарироқда шериклари ҳам пойлаб турганди. Темура чўнтагига қўл солди-да, чиққан пулни узатди. «Посбонлар»дан бири пулни чироқ ёруғига тутиб санади.

— Бу кам, — деди Темура яқинлашиб.
— Сенлардан қарзим борми? Олавер-да борини.

Гавҳар яна Темурага ялина бошлади:

— Темура ака, менинг пулимни-я беринг, тезроқ кетайлик бу ердан.

Темура гўё унинг гапини эшитмаган сингари яна чўнтагига қўл солди. Қолган ҳамма пулни (талабада қанча пул бўларди) берди. Бояги йигит яна чироқ ёруғига тутди, гўё қарзини санаб олаётгандай.

— Аслида буям кам, — деди пулни чўнтагига соларкан, — лекин сенга раҳм қилдик. Энди бу ердан тўғингни шикиллат.

Темура ниҳоятда эзилди, иккита безорининг олдида ожиз қолганидан эзилди. Тирикчилик ўтказишнинг бошқа йўлини топса бўлмасмиди бу ярамаслар... Унинг оёқлари зилдай, гўё кўтариб босишга қийналади. Тилига сўз келмайди, миқ этмай бормоқда. Нима ҳам десин?

Боғдан чиқиб трамвай бекати томон юришди.

— Мени кечиринг, Темура ака, — деди Гавҳар охири жимликни бузиб. — Ҳаммасига мен айбдорман.

— Нимага сиз айбдор бўласиз?

— Сирен олайлик, деб мен бошладим-ку бу оёқка.

— Хўш, келсак нима бўпти? Сирен олсак нима қилпти? Ахир ҳамма келадиган, айланадиган жой-ку. Боғ нима учун керак бўлмаса!..

Иқови ҳам жим кетишди. Такси тўхтатай деса, аҳвол бунақа. Аммо шу ҳолда трамвай қутиш, Гавҳарнинг ётоқхонасигача трамвайда лиқиллаб бориш, кейин ўзининг кулбасига кетиш — эҳ-е, осонми... Гавҳар унинг кўнглидан кечаётган гапларни сезгандек сўз қотди:

— Юринг, Темура ака, ҳув наридан биронта такси тўхтатамиз. Трамвай қа-а-чон келади.
Темура индамади, миқ этмай Гавҳарга эргашди...

Бу воқеадан анчагача руҳан эзиллиб, Гавҳарнинг олдида хижолат чекиб юрди...

* * *

«Вой-дод, ўлдим» деган чинқириқдан чўчиб уйғонди Темура. Сапчиб туриб қараса, Носиржон полда чўзиллиб ётипти. Новча, қотмадан келган йигит икки қўлини белига тираб унинг тепасида турибди. Темура билди, демак, «стариклар» ўз хўнарини бошляпти. Унинг қони қайнаб кетди. Юғриб бордию боғия йигитнинг қўлиги аралаш чаккасига бир шапалоқ туширди. Бу зарбани кутмаган бўлса керак, у гандираклаб кетди, аммо йиқилмади. Темуранинг башараси ваҳшиёна тус олган эди, буни Новча кўрди, кўрдию ўзини ниҳоятда вазимин тутди. Аввалига Темурага ёб қўйгудек бўлиб термулди, унинг қарашлари одамни тешиб кетай, дейди. Сўнгра ўша аллозда Темурага яқинлаша бошлади. Темура ўзини чоғлаб, калтакча чап беришни мўлжаллаб турди. Новча бир оғиз ҳам гапирмади-да, Темуранинг киндигини мўлжаллаб мушт туширди. Темура эпчиллик билан икки қўлини киндики устига қўйиб улгурган эди. Новчанинг гўрзидай мушти унинг қўлига тегди. Очғи, Темуранинг қўллари синиб кетгудай зиркиради.

— Тузуксан-ку, биродар, — Новча Темурага айёрона термулди. Уришишга уста экансан. Балли, азамат. Ҳали бир кўраимиз сен билан. Маъқулли?
Темура бироз букчайган кўйи навбатдаги зарбага тайёрланиб турди. Ҳар қалай, бу ярамас калтак еб индамай кетавермаса керак. Атрофда томошачилар — унинг юғурдаклари ётган жойларидан Новчага пишан бериб туришипти. Новча Темурага яқинроқ келди, гўё ҳозир босиб, янчиб кетадигандай. Темура тишини тишига босиб жойидан жилмади, қаерига-дир қаттиқ зарба тушишини кутди. Новча калтакдай узун қўлини Темуранинг олдига қарс этказиб ташлади. Унинг елкаси, елкаси орқали бутун танаси зиркираб кетди. Шу кўйи Новча беўшхов тиржайди. Темура аввалига индамай термулди, аммо унинг туриши Темурага ҳақорат каби туюлди. Бунинг устига ҳайбаракаллачилар хингир-хингир қилишади.

— Ол қўлингни! — Темуранинг овози қаҳрили чиқди.

Новча баттар иршайди, бу билан: «Олмасам нима келарди кўлингдан», деб менсимаслигини намоён қилмоқчи эди гўё. Новчанинг кўприк сингари чўзилиб турган қўлига қафтининг қирраси билан зарб ила урди... Кутилмаган бу калтакдан Новчанинг қўли узилиб тушгудек бўлди. «Иҳ-м» деб инграб юборганини ўзиям сезмай қолди. Чап қўли билан ўнг қўлининг зарба еган жойини ушлади: — Қаратчиман де... Кўраимиз...

Темура ростданам қаратгани унча-мунча биларди. Раҳматулла деган йигитнинг машқларига қатнаган, айрим усулларини ўзлаштириб олган эди. Ҳозир шу асқотди. «Ҳеч бўлмаса ўзларингни химоя қилишни ўрганинглар», деб бақариб ётарди Раҳматулла бечора. Тўғри айтар экан.

Новча гапини тугатар-туғатмас Темуранинг чаккасига шапалоқ туширди...

Иқови роса бир-бирини калтаклашди. Биров на ёрдам беради, на ажратиб қўяди. Уришиб чарчаган жўжаҳўрозлардай иқовиям ҳолдан тоиди. Новча сирдан сир бой бермаса-да, ботинан Темурага тан берди. Сал нафасини ростлагач, Темура Новчага деди:

— Нега урасан бунин? — Носиржонни кўрсатди.

Новча ҳамон пинагини бузмас, гоят хотиржам оҳангда, сўзларини тишлари орасидан чиқариб гапирди:

— Сенга ким қўйипти бу ишларга аралашини. Яна бурнингни суқсанг, ўзингдан кўр... Бу гал аядим... Мен бу еринг шефман... Кимки менинг айтганимни қилмаса — ҳолига хоймат.

Олдиндан аймак қилаётганларнинг бариси Новчанинг оғзига термулиб турар, унинг бўйруғисиз ҳеч қим ҳеч иш қилмасди. Ҳозир Темура билан бўлган олишувда улардан биронтаси аралашмаганига сабаб ҳам Новчанинг индаганида эди. Аслида Новчанинг одати шундай: янги келган йигитларга (қўнгли тусганига) бирон-бир иш буюради. Индамай бажарса — бажарди, бажармаса урати. Бордию уям қаршилик қўраса қолдан тоғунча уришади. Битта мардлиги — биринчи тўқнашувда бошқаларни ёрдамга чақирмайди, ўзи яккама-якка олишади. Рақибни ўзи билан тенг ёки кучлироқ чиқса, унга бошқа тегмайди, иш буюрмайди, иложи борица у билан яқинлашишга интилади: ўз шерикларига қўшиб олади. Унга ён бермай, «шайқасига» қўшилмай, яна у билан уришиш ниятида бўлса, у ҳолда беш-олти нафар йигитга айтиб тавбасига таянтиради.

Бугунги олишув Новча учун қутилмаган эди. Босис: рақибнинг ўзи эмас, унинг дўсти Новчага қарши чиқди. Аслида-ку, бундай ҳолда иккаласини оғзи-буринини қонга тўлдирарди. Лекин Темура билан калтаклашди, тўғриси, осон бўлмади. Бироқ Новча, «шефликни» қўлдан беришни истамайди.

Темурага пўнса қилди-да, қаравотига бориб чўзилди. Ётган жойидан Носиржонга қаради. Унга айтган ишини қилдириши керак. Ақс ҳолда унинг обрўси кетади. Айни чоқда Темурани чуқурроқ синамоқ ниятида — қани, яна дўстининг ёнини оладими-йўқми — бамайли-

хотир, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, Носиржонга ўшқирди:

— Қани, ўрингдан туриб, мен айтган ишни қил-чи!

Носиржон бир Новчага, бир Темурга жавдираб қаради.

— Тур ўрингдан деяпман! Эшитмаяпсаними?!

Новчанинг бу дўкидан Носиржон иргиб турди-да, эшик олдида ётган пол латтани олди.

— Зудлик билан арт полни. Агар чала артсанг, бошқатдан ювасан, — деди Новча.

Эски солдатлар билан янги келганлар ўртасидаги жанжаллар хусусида Темур кўп эшитган эди. Туркманистонга келиб тушишгандаёқ шундай тўполонларни кутганди. Лекин у ерда бу хил машамалар бўлмаган, сабаби — эски солдатлар деярли йўқ эди. «Ассий эскарлик фаолиятимиз энди бошланади чоғи, — деб ўйлади Темур. — Бу ёқда «стариклар» билан, у ёқда душманлар билан олишув».

Носиржон полни арта бошлади. Темур нима дейишни, нима қилишни билмай боши қотди. Яна аралашай деса, ҳозир ўзи бўлганича бўлди. Яна калтак ейишга тоби йўқ. Буларнинг казармасида асосан олдин келган йигитлар. Бирон нима дейин деса, тайинки, энди ҳаммаси Новчанинг ёнини олади. Бўлмаса ҳозирги тўполонни казармадагиларнинг ҳаммаси кўриб ўтирипти. Эски солдатлар масҳара қилиб кулишяпти, ёшлар эса нафаси чиқмай кўрпага бурканиб ётипти. «Қани, уч-тўрт кун қарайлик. Ким нималигини билайлик. Шунга қараб иш қиламиз».

Нонушадан кейин Темур эскидан хизмат қилаётган бир рус йигити билан казармадан бир чақирим чамаси наридаги постга жўнади. Бу ердан иккита труба

ўтаркан. Рус йигитнинг айтишича, трубаларнинг биридан солярка, иккинчисидан керосин оқади. У Хайратондан Кобулга қараб кетган. Уларнинг вазифаси ана шу трубаларни кўриқлаш, токи душманлар келиб портлатиб кетмасин. Навбатчилини ўтаб бўлгач, деярли бошқа иш йўқ.

Биринчи кун Темур шериги билан танишди олди. Унинг оти Серёжа, ўзи рязанлик экан. У ёқ-бу ёқдан гаплашишди, унинг бу ерга келганига бир йил бўпти. Анча очик, шалдиршулдур йигит экани сўзларидан, муомаласидан билиниб турипти. Узини катта тутмас, бўлаётган воқеалардан норози кайфиятда сўзлар эди. Шу жиҳатлари билан у Темурга ёқиб қолди.

— Новча билан кўп ади-бади айтишиб ўтирманглар, — деди Серёжа. — Унинг қўлидан ҳар иш келади. Ҳеч ким индамайди унга. Икки ойча бурун бир бола айтганини қилмаган эди, ёмон қаттиқ урди. Бечоранинг жигари эзилган экан чоғи, касалхонада бир ойча ётиб ўлди. Сарик касал билан оғриган экан, ўтиб кетипти, шундан ўлди, деб тобутини жўнатишди. — Серёжа чуқур тин олди. — Ҳамма билади уни... Бу ёқда ҳар кун душмандан хавотирдасан, бу камлик қилгандай унинг зугумлари.

Орага сукунат чўкди. Икковиям ўз хаёли билан банд. Хайратон тарафдан тайёранинг қулоқни қоматга келтирувчи чинқирғи эшитилди. Темур осмонга — тайёрага қаради.

— Қараганинг билан кўролмайсан барибир, — деди Серёжа нигоҳини бир нуқтадан узмай, қулоқлари ўрганиб қолгани сезилиб

турарди. — Ҳар кун бир неча марта ўтади.

Сўхбат яна узилди.

— Хизматнинг охиригача шу ерда бўлашимикан ё бошқа жойгаям жўнатармикан? — деб сўради Темур.

— Билиб бўлмайди, — деди Серёжа. — Бизни бир йилдан бери қимирлатгани йўқ. Аммо биздан кейин келган болаларни икки-уч ойдан кейин бошқа ёққа олиб кетишди. Қаёққа? — ҳеч ким билмайди... Пешонанга борини кўрверасан, оғайни.

— Афғонлар билан ҳам гаплашасизларми?

— Ҳа, — деди Серёжа, — кишда кам келади, баҳорда улар мана бу ерларга, — пастликдаги водийни кўрсатди, — экин экишади. Ёзда шולי экади, уни йиғиштиргандан кейин бугдой экади. Уша пайтларда келишади бизнинг олдимизга. Гапларига кўп тушунмаймиз. Ўзбек, тожик болалар гаплашишди. Тилларнинг яқин шекилли сизларнинг?

— Агар ўзбеклар, туркманлар бўлса, биз гаплашишимиз мумкин. Болаларнинг тилига тожиклар тушунади.

— Афғонлар биздан келиб чек алмаштиради. Улардан олган пулимизга шахсий дўконлардан у-бу нарса харид қиламиз. Афғонлар эса бизнинг чекимизга қисмлардаги магазинлардан савдо қиладилар.

— Бизларни ёқтирмаса керак-а, Серёжа, нима дединг?

Серёжа маънодор қулди.

— Мени синамоқчимсан?

— Нега энди? Фалати-я саволинг...

Серёжа кескин гапирди:

— Бўлмаса шунақа савол бера-санми. Бекорга курашяптими бизларга қарши?

— Улар бизга эмас, инқилобчиларга қарши курашяпти-ку.

Серёжанинг жаҳли чиқди:

— Ё ўлгудай гўлсан, ёки аҳмоксан. Улар ўзларнинг инқилобчилариданам кўра бизларни ёмон кўрадилар. Босқинчи булар, деб қарайди бизга.

Серёжанинг мулоҳазалари Темурни ўйга толдирди. «Бу боланинг қарашлари бўлакча-ку... Астойдил айтаяптими ёки мени кавляптими?» Шу мулоҳазалар билан Темур фикрини очик айтмади, синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар, ҳали бунига яхши билмаса, шу боис индамади, ҳаёл сурган кўйи жим қолди. Бироздан сўнг сўхбат ўмровини бошқа томонга бурди.

— Ҳай, майли, Серёжа, бу гапларни кўяйлик, айт-чи, уйланганмисан?

Серёжа, оёқлари совқотди шекилли, этикларини бир-бирига уриб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

— Йўқ, оғайни, — деди ўйчан ҳолда. — Яхши кўрган қизим бор. Тез-тез хат ёзишиб тураммиз... онам йўлимга интизор. Қани, тезроқ яна бир йил ўтсаю, қишлоғимга борсам, ўқишимни давом эттирсам.

— Уқийсанми?

— Пединститутнинг иккинчи курсини битириб келганман. Тарихчи бўлмоқчиман.

— Икковимиз бир хил эканмиз. Мен учинчи курсни тамомлаганман, — деди Темур.

Шу-шу иккови бир-бирини ёқтириб қолди. Кейин ҳам улар тез-тез сўхбатлашадиган бўлишди. Кўпинча иккови постда ҳам бирга турадиган бўлишди. У билан тўғри келса Темур зерикмайди, турли мавзуларда гурунқ қилишади.




Муҳаббат қадрини сиз тонгдан сўранг,
Булбулдай қўшиги нолондан сўранг,
Нозлана, нозлана куйдиради ёр,
Ернинг кўчасида сарсондан сўранг.

Сувратига боқиб розин айтади,
Йўлларини пойлаб, маъсум қайтади,
Гулдасталар танлаб тонглар орттирган,
Хаёллар ўтида ёнгандан сўранг.

Садоқат синалар, вафо синалар,
Айрилик синалар, жафо синалар,
Ернинг синовидан ўтган, севилган,
Бўсалар шукӯҳин тотгандан сўранг.

Уқтам МИРЗАЕВ





Иўлдош СУЛАЙМОН

Ажойиб хислат бор Шоҳимардонда

Яшашдан мурад не

Унг бетга урсалар чап бетни ҳам тутганим ростдир,
Дардларимни айта олмай ичга ютганим ростдир,
Овозни чиқармай бир соядай ўтганим ростдир,
Тақдирнинг ёлгончи шамолига бўйимни эгиб,
Ўзгалардан доим ўз бахтимни кутганим ростдир!

Бутун умр анқони изладиму қуруққа чопдим,
Адашган чоғимда гоҳо орзу дафтарин ёпдим,
Аламлар бағрида янги йўлу йўриққа чопдим,
Улулар бисоти бахтим бўлиб, қўлимга тушди,
Навоий бобомни ўқиб аввал ўзимни топдим!

Бу ҳаёт дарёсин шиддатида қалқиб оқаяпман,
Қураш оловидан толинг мени, балқиб оқаяпман,
Кимни безор этиб, кимгадир, во дариг ёқаяпман,
Яшашдан мурад не — мағзини энди қақаяпман,
Ўзимга-ўзим, эй Иўлдош, умид билан боқаяпман!

Фарғона қўшиғи

Севинчимдан энтикаман бахтим, Фарғонажоним,
Кўксимдаги марду майдон аҳдим, Фарғонажоним.
Қани қўшиқ айта олсам бугун сенга яраша,
Ахир, қара, турибман-ку галабангдан минг яшаб!
Юракларда қуёш мисол ёнмаганда муҳаббат,
Жасорату садоқатга қонмаганда муҳаббат —
Орзу,

Дўстлик ғариб бўлса,

етмася ёки бардош —

Меҳнатингга қўйилмасди бугунгидай вазмин тош!
Бу қувончлар,

бу довлонлар унда оддий сўз эди,

Ҳа, шу хирмон — гўё армон,

қўл етмас юлдуз эди.

Муҳаббат-ла етиб бордик яна ўша юлдузга,
Шоирларнинг даврасида ёзилиб қўйдим сўзга.
Сенинг учун жоним фидо,

жигарғўшанг, болангман,

О, Фарғона, дардинг бўлса,

дардларингни олай ман!

Худди ёзинг қуёшидай ёнапти ҳисларим,
Жасорат-ла, умримизга умр қўшар дўстларим!
Фарғонда қўшиқ ўзга,

оҳанги ҳам ўгадир,

Юртдошларим, дил қатида асраганим Сизгадир.

Излаганим нимадир

Нега бўм-бўш юрагим,
Излаганим нимадир?
Ўзимни «сен» деб, уни —
Сизлаганим нимадир?

Қани, меҳру муҳаббат,
Учиб кетди қаерга?
Айтинглар эй, ким ўзи
Мени ундан айирган?

Наҳот севги сотилар,
Қўл узатар пул бўлса?
Ичимдаги аланга
Наҳот энди кул бўлса?

Туғишганлар юз кўрмас,
Пул тушди ми орага?
«Мен» деганлар ўйнади
У чалган ногорага!

Дўстни дўстга ён этиб,
Есумани суйдирди,
Кимнинг уйин куйдирди,
Кимни жондан тўйдирди?!

Ушлаб, Иўлдош, ўзингни,
Ийролдингни хушингни?
Муродинг не яшашдан,
Изла иқбол қушингни,

Сув келганда симирдим,
Кемирдим тош келганда.
Муҳаббатни топарман
Жоним турса шу танда!

Умид

Бу дунёнинг поёни йўқ,
Аниқ-равшан баёни йўқ,
Номардларнинг имони йўқ,
Дўстингман деб келганларнинг
Нигоҳида аёни йўқ!

Ширин лутфим очик бўлди,
Тинглаганим аччиқ бўлди,
Умрим бўйи сочган меҳрим
Юрагимга санчиқ бўлди,
Кўнгил қўйиб бир чўғ бўлди!

Саволларни «нетаин» ми,
Е бош олиб кетайинми?
Вафо десанг жафо келар,
Е бу ҳукм атайинми,
Дунё шундай бетайинми?

Ишламаган эзилмаган,
Олам одил тузилмаган,
Ҳали тугал бузилмаган!
«Е ҳақ» деган садо келди,
Умидларим узилмаган!

Изатталаб топмас иззат,
Қани, Иўлдош, дилдан қузат,
Ўз йўлингни ўзинг тузат,
Зулматдан ҳам нур қидиргин,
Умидворга қўлинг узаат!

Сизлаб- сизлаб

Сендан гўзал аёл йўқ,
Сендан ширин хаёл йўқ.
Қаердасан, лонуллаб —
Юрагимда ёнган чўғ?

Олидасан аразлаб,
Ўзим излаб бораман.
Қадринг ўтиб изингни
Сизлаб-сизлаб бораман.

Хувиллаган кўнглимни
Ўзинг тўлдир, ёр, нурга,
Бу ҳаётнинг гаштини
Сурайлик бирга-бирга.

Бошим тошга урилиб,
Адашмайин йўлимдан.
Қулиб-қулиб кириб кел,
Ўзинг ушла қўлимдан.

Шоҳимардонда

Бу манзилим «боғи эрам» аслида,
Нурга тўлар дилим унинг васлидан,
Оҳанрабомикин, чорлаб туради,
Муҳаббатни у ё порлаб туради?!
Шаҳарнинг алдамчи кўзидан қочиб,
Юракни ўйнаган сўзидан қочиб,
Тоғлар орасидан ўтиб бораман,
Ширин ҳавосини ютиб бораман.
Кўзларим чақнайди қушларни кўриб:
Қўл ушлашган дили хушларни кўриб!
Ечилар кўнгилга тўғилган гашлар,
Емон ёмонлигин бу ерда ташлар.
Бир-бирин яхшилик томонга бошлар,
Поклик бахт эканин ҳис этар ёшлар!
Одамларга қаранг, ғамдан гапирмас!
Қуйлару ўйнару камдан гапирмас.
Эркалаб силайди юзни саболар,
Ҳалоллик дарсини ўқир саболар.
Губордан халидир йўлболо само,
Тилак билан келар келину момо!
Тошдан-тошга сакраб юришар қизлар,
Ер таллаш суҳбатин қуришар қизлар.
Ҳусну малоҳатни этишар кўз-кўз:
Жим турарми буни кўриб танда жон.
Бунда Тошкент, Қўқон, бунда

Андижон.

Бунда Самарқанду, бунда Бухоро,
Гоҳ сархуш кезаман гўзаллар аро!
Ким райҳон ё жийда гулин суяди,
Кўзининг тағига олиб кўяди!
«Жаннат ариқ» дан сув ичган чоғимда,
Оқ сувни, кўк сувни кечган чоғимда —
Айтолмаган маҳрим тилим учида,
Юргандай бўламан эртақ ичида!
Тоғларнинг маскани суняган тоғим,
Муҳаббат шивирин тинглаган боғим,
Кўнглимни хушлаган сирдош

ўртоғим —

Губор қолмас, Иўлдош, кўнгили танда,
Ажойиб хислат бор Шоҳимардонда!

ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ҚУШЛАР

Табиат инқирози ҳақи-
даги фикрларни ҳаддан
зиёд бўяб кўрсатиш ҳам
ярамайди. Инсониятнинг
ҳайвонот оламини, атроф-
муҳитни сақлаб қолиш бо-
расидаги манзур бўларли
талайгина хизматлари,
тажрибалари ҳам бор. Ма-

салан, Америкадаги ба-
лиқхўр қушлар мисолида
шу нарсани кузатиш мум-
кин. 20 йиллар аввал ана
шу қуш бутунлай ер юзи-
дан йўқ бўлиб кетиш ара-
фасида эди. Унинг туху-
ми, ДДТ ва бошқа кимё-
вий заҳарлар таъсирида
зарарланиб, чалажон жў-
жалар очиб чиқаверарди.
Заҳарли пестицидларни
қўллаш таъқиқлангандан

сўнг аҳвол яхшиланди. Бу-
нинг устига одамларнинг
ҳам бу йиртқич қушга
нисбатан муомаласи ўз-
гарди. Уларнинг одам ўй-
лаганчалик йиртқич эмас-
лигига ишонган шимоли-
шарқий америкаликлар
оммавий равишда бу қуш-
ларнинг тухум қўйиб, бо-
ла очиши учун махсус ин-
лар қура бошладилар. Шу
тариқа оммавий тарбия-

лаш йўлга қўйилгандан
сўнг уларнинг сони йилга
10—15 фоиз ошиб борди.
Ҳозир Қўшма Штатларда-
ги паррандауносларни-
нинг ҳисоблашларича, у
ерда қарийб 8 мингга яқин
ана шундай инлар мавжуд.
Балки, бошқа қушларни
ҳам сақлаб қолиш учун
ҳали имкониятлар бутун-
лай йўқ бўлиб кетмаган-
дир!





Тошпўлат АБДУРАХМОНОВ,
Ўзбекистон Компартияси
Олтинсой туман партия
қўмитасининг биринчи котиби,
Ўзбекистон ССЖ халқ ноиб.

ИМҚОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида барча соҳаларда, айниқса қишлоқ хўжалигида гоёт мураккаб вазият вужудга келди. Узоқ йиллар давомида шакланган меҳнат кўникмаси, қишлоқ хўжалик техникаси ва тайёрланган маҳсулотга белгиланган баҳо, хўжалик ҳисоби жамоалар фаолиятини остин-устун қилиб юборди. Энди фақат тадбиркорлик ва омилкорлик билан, кўпроқ меҳнатқашнинг моддий мазафатидан келиб чиқиб иш юритган хўжаликларгина бозор иқтисоди шароитида ишлай олишга молик бўладилар.

Бугунги кун мезони энг аввало меҳнатқашни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни талаб қилади. Бунинг учун эса ишлаш керак. Ишлаганда ҳам ҳамжиҳатлик билан ишлаб, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш керак. Олтинсой тумани меҳнатқашлари ҳам, бугунги кун синовлари олдига бўшашувчанликка берилмай, яратиб, меҳнат қилиш билан турмуш тарзларига ўзгартириш киритишга ҳаракат қилмоқдалар. Биз ҳам бошқаришнинг эскича маъмурий буйруқ-бозлик усулларидан воз кечиб, бевосита халқ билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, уларнинг илгор тажрибаларини оммалаштириб, ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор бераёلمиз. Натигада ердан, сувдан ва техникадан унумли фойдаланиб, ҳар гектар ердан олиннадиган ҳосилдорликни ошириш эвазига меҳнатқашларимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш бизнинг бosh вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Олтинсой вилоятимиздаги энг кенжа туманлардан бири бўлиб, асосан узумчиликка ихтисослаштирилган. 1981 йилда 14000 тонна узум етиштирилиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилинган бўлса, 1990 йилда бу рақам 55 минг тоннага етказилди ва шундан 53,5 минг тоннаси давлатга сотилди. Фақат узумнинг ўзидан, 1990 йилда 71,5 миллион сўм даромад қилинди. Ҳар бир гектар ердан олиннадиган узум ҳосили 112 центнерга кўтарилди. Бу ютуқларни қўлга қаратишда Бобур номли, «Олтинсой» номли «Шакарқамиш», «Денов», «Ширин», К. Маркс номли давлат хўжаликларини салмоқли ҳисса кўшдилар.

Туманимизда узумчиликнинг бутун сир-асрорларини пухта эгаллаган мохир боғбонларимиз жуда кўп. Бобур номли давлат хўжалигининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзоси Отабой Акрамов шулардан биридир. Бу бригада деҳқонлари ўтган хўжалик йилида 30 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, режадаги

446 тонна ўрнига давлатга 925 тонна узум топширдилар. Ялпи ҳосилдорлик 1 гектар ҳисобига 308 центнерга етказилди.

Ҳозирги кунда узумчиликни янада ривожлантириш мақсадида илгор агротехника қондалари жорий этилмоқда. Баланд танали ток ўстириш ана шундай самарали усул бўлиб, бу усулни жумҳурияда биринчи бўлиб К. Маркс номли давлат хўжалиғи боғбонлари амалда қўллай бошладилар. Норқобил Хўжамбердиев бу усулни синаб кўришни ўз зиммасига олди ва дастлаб 24 гектар тоқзорни баланд танали қилиб ўстира бошлади. Тоқлар тўқлай ҳосилга киргач, ҳар гектаридан 310 центнердан ҳосил олишга эришди. Ҳозирги кунда бундай ток майдонлари туманда 150 гектарга етказилди. Келгусида янгидан экилган тоқзорларни шу усулга ўтказиш мўлжалланмоқда.

Бироқ, ҳозирги кунда ҳам боғдорчиликда ҳал бўлмаган муаммолар, қийинчиликлар кўп. Илгарилари боғбонларимиз етиштирган ҳосилни меҳнатчи анча қийналар эдилар. Ҳозирда бу муаммо аста-секин ҳал қилинмоқда. Туманда вино заводи ишга туширилгач, унинг учта қабулгоҳи деҳқонлар етиштирган ҳосилни пешма-пеш қабул қилмоқда. Майиз заводи ҳам шу йилдан бошлаб маҳсулот чиқармоқда. Шу йил учта минг тонналик сиримга эга бўлган совутигч ишлай бошлади. Қолган корхоналар ҳам тўлиқ ишга тушгач келгусида йилига 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлаемиз.

Туманимизнинг иқлим шароити хўраки узумни ривожлантиришга мос. Узумнинг шакар даражаси айрим хўраки навларда 30—35 фоизгача кўтарилади. Шунинг учун ҳам туманимиздаги узум етиштирувчи Хўжасоат қишлоғи ўзининг жовуз узуми ва майизи билан бир неча юз йиллардан буён Ўрта Осиёдагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам шўхрат қозониб келмоқда. Бу анъанани давом эттириб, дастурхонбop узумлардан майиз қилишга алоҳида эътибор бераёلمиз. 1990 йилда 9 минг тонна узумдан қарийб 2 минг тонна аъло навли майиз тайёрланди.

Бу ишларда яна К. Маркс номли давлат хўжалиғи боғбонлари ташаббускор бўлдилар. Ўтган хўжалик йилида совхоз боғбонлари маҳаллий майиз таёрлаш усулида қўрилган 300 тонна сифатли майизни эл дастурхонига тухфа эдилар.

Айниқса бу хўжаликда оилавий пудрат ва ижара усули яхши самара бермоқда. Масалан, 5,5 гектар тоқзорни ижарага олган Қурбон Холиқовнинг кўрсаткичлари салмоқлидир. Ижарадаги ҳар гектар ток майдонидан тоғ шароитида 103 центнердан ҳосил олиб, ялпи ҳосилни 56 тоннага етказди. Бу эса 35 минг сўм пул даромади олиш самарасини берди. Шу хўжаликдаги оилавий пудратчи Зиёдулла Пардаевнинг узумчиликда эришган ютуқлари ҳам қувончлидир. У оиласи билан 1,10 гектар майдондаги ток-

зорда самарали меҳнат қилиб, ҳар гектар майдон ҳисобига 145 центнердан ҳосил етиштирди. Бунинг эвазига оиласи билан йил давомида 13200 сўм даромад қилишга муваффақ бўлди.

Ўтган йилларнинг боғ ва узумчиликни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлганлиги сир эмас. Жумладан, Жумҳуриятда мева-сабзавотчилик вазириликнинг тугатилиши боғбонларга катта қийинчилик туғдирди. Чунки узум ва мевачилик жуда серташвиш, машаққатли иш. Булар кўп йиллик ўсимлик бўлгани учун тезда ўз натижасини бермайди. Ҳосилга киргунча давлат бюджетидан эккиш ва парвариш учун тўланадиган пуллар тўланмай қолди.

Турли хилдаги мевали дарахтлар ва узумзорлар 7—8 йилсиз ҳосилга кирмайди. Масалан, узум 5 йилда, олма, ўрик 7—8 йилда, ёнғок эса 10—12 йилда ҳосилга киради. Айниқса, бозор иқтисоди кечаётган ҳозирги вақтда хўжаликни юритиш учун қулик эҳтиёж керак, етиштирилган ҳосил эса йил якуни бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Хўжалик раҳбари эса йил якунига қараб давлат хўжалиғи ишчисига, жамоа хўжалиғи эса жамоачига қилинган меҳнати ҳисобдан ҳақ беради. Биронта хўжалик раҳбари келгусида эккан меванинг ҳосилни даромад қилиб бераман деб ишонч билан ишламайди. Айниқса мева, узумнинг бозордаги баҳоси билан давлат баҳоси орасида тафовут катта. Ўйлаб кўринг, 10—15 йилда ҳосил берадиган ёнғокнинг давлат баҳоси 1 сўм, ўрикники 40 тийин. Бозорда эса ёнғокнинг бир килоси 10—12 сўм. Қайси хўжалик раҳбари шундай аҳволда пахтанинг ўрнига мева экади.

Яна бир мисол. Узумнинг давлат баҳоси вино заводига топшириш учун ўртача 40 тийин. Унинг ҳам 37 фоизи турли солиқларга кетса, боғбонга нима қолади.

1 килограмм узумдан 700 грамм вино чиқади. Винонинг 1 литри эса 7 сўм. Демак 40 тийинлик узумдан 4—90 тийинлик вино олинади. Бундан боғбон умуман манфаат кўрмайди. Айтмоқчиманки, нарх билан шугулланадиган ўртоқлар ишлаб чиқаришни онгсиз равишда бўйиб қўйдилар. Мен ЎзССЖ Халқ депутати сифатида шу масалани сессияда ҳам кўтарганман. Биринчи галда аввало боғбонларимизнинг қоринини тўйғазиб лозим. Шундагина бозорларимизнинг тўкин-сочин бўлиши шубҳасиз. Боғбонлар танти бўладилар. Агар кўпроқ узум етиштирсалар давлат баҳосидан ҳам арзон бераверадилар. Бир қараганда узум етиштириш осондек туюлади. Лекин йил 12 ой меҳнат қилса ҳам барибир қамлик қилишни фақатгина ҳақиқий боғбон билади. Айниқса, ҳозирги вақтда деҳқонлар учун техника ва бошқа зарур нарсалар қимматлашиб кетганлиги жиддий қийинчилик туғдирмоқда.

Бундан ташқари дабурустандан ичкиликбозликка қарши кураш ҳам туманимизнинг иқтисодига таъсир қилди. Боғбонларда иккиланиш пайдо бўлди. Уларни рағ-

Ортиқжон ЖУРАЕВ

Бу икки халқ

Дерлар, дотор торидан бири
 Ўзбек бўлса, биттаси тожик.
 Бу бирликнинг қудратли сирини
 Тарихларнинг бағрида битик.
 Бирдир улар дил, эътиқоди,
 Илдири бир бу икки халқнинг.
 Шу муқаддас дўстлик қудратини
 Машҳур қилди жаҳонга Шарқни.
 Буюк Жаъфар она тилида
 Ҳамон ўзбек дардин сўзлайди.
 Иқбол кучиб тожик элида
 Ўзбек санъат кўркини кўзлайди.
 Бахтиёрман,
 Турсунзодани
 Қишлоғида эс билганимдан.
 Баърин тутиб Мўмин акани
 Ҳаёт сари интиганимдан.
 Тожик, ўзбек —
 Бир-бирига қоришиб кетган.
 Бу юртлардан ниш урган гиёҳ
 Иккисининг дилидан ўсган.



Йўл бошида

Душанбе шаҳридаги улуг Рўдакий
жайкалига

Қалбида Варзобнинг тенгсиз тошқини,
 Одимлаб бормоқда Рўдакий устоз.
 Хаёт муҳаббати қайноқ қонида
 Шеърлари исёнкор,
 Рухиғадир мос.
 Қўркинч бир тушдайин ўтган
 фурсатда,
 Неки бир қуйларга тушмади замон.
 Даврлар кифтида кечган жафолар,
 Асрлар ортида қолди бегумон.
 Дардли кўшиқ — шеърлар ичра
 бекитди,
 Шўм кўргиликлару дарду ўйини.
 Ҳануз-ҳануз тинглаб турмоқдадир у
 Замону фожелар гамгини куйини.
 Кипригин қоплаган замонлар гарди,
 Қабохатта нафрат ўқиб беқиёс,
 Қалбида Варзобнинг тенгсиз тошқини,
 Қуёш ёғдусида қадди чўмилир.
 Одимлаб бормоқда Рўдакий устоз...

ТОЖИКИСТОН жаҳида шеърлар

Варзоб

Она-табиатнинг бу — дурга тўла
 Очиқ сандиғига кўзим тушган он,
 Муз қотган ҳисларим бошлаб гулгула
 Ҳаяжонимда нақ бошланди тўфон.
 Вайлиғидан мамнун чоллардай мағрур
 Савлат тўкиб турар баланд чўққилар.
 Елларнинг тилида жонбахш бир сурур,
 Чаманларни чайқаб,
 Кифтини силар.
 Тошдан-тошга сакраб учар шаршара
 Оппоқ каптарларнинг галаси янглиғ.
 Майсалар барғида томчилар сирга,
 Кўзини қамаштирар ёниб мисли чўғ.
 Қорларнинг бағрига туташиб кетган
 Гўёки нақшли туркмени гилам.
 Тош-харсангларга ҳам жозиба битган
 Гулбахор дейилган наққошу олам.
 Кўёш ҳам мен каби васфига интиқ,
 Ҳар гул, ҳар гунчага бағрини очар.
 Ҳароратин айлаб уларга тортиқ,
 Рангларини йиғиб оламга сочар.
 Эртақлардагидай айлар маҳлиё
 Қайларда булбулу кумрилар куйи.
 Дилга уфуради ҳузур ва зиё
 Анвойи гулларнинг муаттар бўйи.
 Сокин кўлдай кўм-кўк осмон юзида
 Оппоқ ғозлар каби сузади булут.
 Чаманларнинг ишқи ёниб кўзида
 Даралар устида чарх урар бургут.
 Асло тушунмадим,
 Бу не ажиб сир.
 Ёқут қиррасидай ҳар ён порлайди.
 Гўзал деб бир қирга чиқсам ўзга қир
 Гўзаллик менда, деб яйраб чорлайди.
 Қўлдан чиқиб кетган тутқун охудай
 Хаёлим кетидан қувдим кун бўйи,
 Кўнглимда сир бўлиб қолди ҳойнаҳой
 Одамни эл билган охулар ўйи.
 Юртимда беқиёс бу гўзал макон



Борлиғидан ортар қувончу фаҳрим.
 Дилимда орзулар тус очиб чаман
 Варра майсаларда яйради баҳрим.
 Ешлари эғаллаб санъат сирини
 Иқлимдан иқлимга доврғ таратар.
 Халқи ҳар меҳмонга тутиб меҳрини
 Дилларда ўзига жаннат яратар.
 Вағрида гул каби топаркан қарор
 Новдан меҳмон бўлиб куйчи Аширмат.
 Бу жойлар Лойиққа бахш этиб виқор
 Шеърларига берган чирой, шижоат.
 Аширмат дарағи менда йўқ, Лойиқ —
 Янглиғ кучоғига эмасман пайванд.
 Лекин севиб қолдим улардан ортиқ,
 Меҳр қўрим билан тутиндим фараанд.
 Бугун қайтмоқчимдан чўлга, элимга
 Чиройингни шеғрага солиб айтаман.
 Таърифинг келмасдан қолса тилимга,
 Эй илҳом чашмаси,
 Сенга қайтаман.

Ҳисор соғинчи

Кундан-кунга ортар хумори
 Ваҳмал водий,
 Баланд тоғларнинг.
 Жозибали гуллар рухсори
 Сирли куйи япроқларнинг.
 Рози эдим,
 Ой ё куёшдай
 Кучоғига тоабд боқсам.
 Кимларнингдир йўқсида тошдай
 Қалбига юрт ишқини ёқсам.
 Туғилганман саҳрода, лекин
 Нечун азиз менга бу макон?
 Шу жойларда кўзимга ёлқин —
 Уйнаб, кўркин кўрсатган жаҳон.
 Иссиқ-совуқ,
 Барча гиёҳлар
 Тури шундан таниш, қадрон.
 Ҳатто тонгдек сўлим нигоҳлар
 Ҳисларимга ато этган жон...
 Иссиқ меҳри
 Умрим баҳори —
 Ешлиғимда орттирди самар.
 Балки шундан кучоғинг сари
 Хаёларим талиналар, Ҳисор.

батлантириш ҳар томонлама чекланди. Хўжаликлар иқтисоди ёмонлашди. Шундай йиллар бўлдики, 20 фоиз ҳосил далада қолиб кетди. Пешона тери билан етиштирилган ҳосилнинг далада қолганлигини кўрган боғбон саросимага тушди. Кейинги йилларда жумҳуриятимиздаги ўзгаришлар боғбонларнинг кайфиятини кўтарди. Натижада ўтган йили ҳамма ишлар жойига тушди. Олдинги йилларга нисбатан узумни винога тошириш 10 минг тоннага қисқариб, вилоятимизга, жумҳуриятимизга

ва Иттифоқимизнинг Москва, Ленинград, Свердловск, Перм, Тюмень, Омск, Улан-Уда, Иркутск каби йирик саноат марказлари каби 28 та шаҳарга узум шартнома асосида жўнатилади ва бунинг эвазига кўплаб зарур истеъмол моллари, қурилиш материаллари олишга эришилди.
 Бу йил эса хўжаликларга тўла мустақиллик берилиши ана яхши бўлди. Жумҳуриятимизда мевасабзавотчилик концернининг ташкил этилиши эса айни муқдодир.
 Туманимизда йирик саноат

марказлари билан шартнома асосида маҳсулот айрибошлашга катта эътибор берилмоқда. Биз Перм, Челябински, Свердловск каби шаҳарлар билан биродарлик алоқалари ўрнатиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотни қурилиш материалларига айрибошлаш учун шартнома туздиқ.
 Ҳозир ҳам айрим муаммолар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Ер ҳам, боғ ҳам, узум ҳам доимо боғбон меҳрига чанқоқ. Шунинг учун ишбилармон, тадбиркор, мутахассисларни танлаш, жой-

жойига қўйиш, кўпчиликнинг фикрини олиш, меҳнат жамоаларига тавсия қилиш ютуқларимиз гаровидир.
 Биз авваламбор узум ва мевачева етиштириётган боғбонларимизни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Уларга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзишимиз лозим. Хуллас туманимизнинг келажиги порлоқ, келгусида мева ва узум етиштиришда жумҳуриятда етакчи туманлардан бирига айланишига ҳеч шубҳа йўқ. Бунинг учун етарли имкониятлар мавжуд.

Жумҳурият ўрта махсус ва олий ўқув юртида талабалар таллови кўнгилдагидекми? Агар шундай бўлса кўпгина ёшлар, ота-оналар нима учун дорилфунун, олийгоҳ ва ўрта билимгоҳларнинг раҳбарларидан, ўқитувчиларидан норизо бўлиб юрадилар?

Мен шу саволларга жавоб топши мақсадида уч-тўрт йилдан буён бир қанча олий ўқув юртига бориб қабул имтиҳонларида қатнашдим. Ота-оналар, абитуриентлар билан суҳбатлашдим. Қуйида гувоҳ бўлганларим, эшитганларим баъзи бир воқеаларни баён қилмоқчиман.

Бундан аввалроқ Наманган давлат ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳидаги қабул имтиҳонларида иштирок этган эдим. Ўзбек тили ва адабиётидан озгаки имтиҳон давом этмоқда. Кенг ва ёруғ хонанинг икки томонида иккитадан тўртта ўқитувчи имтиҳон қабул қилаётир. Баъзи бир савол-жавоблардан мисоллар келтираман:

«Кўклам» тўпламида қанча шеър бор? сўради ўқитувчи. Савол менга: «Ўйингизда нечта чинни коса бор?» деганга ўхшаб кетди. Тўғри, дарсликда «Кўклам» тўпламида 29 та шеър борлиги ёзилган. Балки ўқитувчи шунга сўрашга ҳақлидир. Бироқ бизни имтиҳон олувчиларнинг абитуриент билимини оддий арифметик ҳисоб-китоблар билан баҳолашлари, қолаверса, ўзларини баланд олиб, дўқ-пўписа қилишлари ажаблантирди. Ахир, қишлоқ болалари тортинчоқ бўлишади. Бир-икки зуғум аралаш саволдан гангиб қолиши ва билган нарсасини ҳам айтиб бераолмай ҳаяжонланиши табиий. Тўғри, Наманган шаҳридаги 4-мактабдан келган Аниса Набиева ўзини йўқотиб қўйди, дейиш қийин. У «Кўклам» тўпламида қанча шеър борлигини билмаганидан ташқари Х. Ниёзийнинг «Ишчилар уйғон» шеъри ва Гулҳаннинг масалларида кўтарилган гоҳ хусусида ҳам гапириб бера олмади. Анисанинг «Ширин сўз билан бўлгунча гўзал, меҳнатда гўзал бўлишинг афзал», гапидagi «меҳнатда» сўзини эга дейиши билан грамматик таҳлилга етарли тайёргарлик кўрмагани маълум бўлди. Винобарин, унга «2» баҳони тўғри қўйинчи.

Рус тили ва адабиётидан имтиҳон ўтказилаётган хонада болалардан имтиҳон олаётган муаллима Эмма Қазақова қўлидаги райхонни рўбарўсида ўтирган талабага яқин олиб бориб: — Ҳиди ёқимли-а? — деди жуда самимий, юмшоқ тил билан. Ўқитувчидаги самимийлик, ҳушмуомалалик кирувчига ҳўш ёкди. У ҳам кулиб: «Ҳа, «ёқимли», деди.

— Қани, шунга гап тузинчи, тузган гапингизда сифат иштирок эгсин, — деди ўқитувчи. Янгикўрбон ноҳиясидаги 10-ўрта мактабдан келган Аҳмаджон Маҳкамовга гап тузиш унча қийин бўлмади. Ахир, рўбарўида сирди, ўзини катта оладиган ҳакам эмас, оддий суҳбатдош ўтиргандан кейин ўзини эркин

тутасан-да киши. Имтиҳон олувчилар Аҳмаджонга қўшимча савол тарзида «А. П. Чехов ўз асарларида қандай муаммоларни кўтариб чиққан?», «Гилоф бандасига ўхшашлар бугунги кунимизда ҳам учрайдими?» сингари ўйлашга, фикрлашга қорлайдиган саволларни бердики, бу эса, абитуриентнинг билимини атрофлича синашга имкон яратди.

— Яхши йигит экан, саволларга анча пухта жавоб берди, «5» қўямизми? — Эмма Ивановна шериға мурожаат қилди.

— Оғайнимиз «4» баҳога ҳам рози бўлаверди, розимисиз? — дея иккинчи ўқитувчи Аҳмаджонга жилмайган ҳолда савол назари билан қаради. Ўз навбатида Аҳмаджон ҳам кулиб розилигини билдирди.

тиҳон топширувчиларнинг орачора «қайтариб юборинг» «гап тугадими», «нуқта қўямизми?» «орқада Қолиб кетаяпмиз», деганини ҳисобга олмаганда хонада ўқитувчининг бўғик, паст оҳангда сўзаларни бузиб талаффуз қилишидан бошқа жимликни бузадиган ҳеч қандай товуш йўқ эди. Ўқитувчи ўқийётган гапларнинг бошини ҳам, охирига ҳам билиб бўлмасди. Диктант ана шу тарзда ақулланиб, ёзилган ишни кузатиш учун охирида яна бир марта ўқиб берилди. Матрни кузатиш учун ўқилганда ҳам ўринсиз бўлинишлар кўп бўлди. Шунга ҳис қилиб ўтирдимки, бўлинишларда болалар, албатта, тиниш нукталарни қўйиб ташлагани, хатоларни сунъий равишда кўпайтиригани аниқ...

Иш ақуллангандан сўнг ўқи-

ДАВАЗ

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, имтиҳон олувчиларда тўраларча муносабат бўлганда, Аҳмаджоннинг «2» баҳо олиши аниқ эди.

Мен бу икки хил манзарани кузатар эканман, абитуриентлардан имтиҳон олишда ўқитувчининг виждони, одамийлиги, муомала этикасига анча нарса боғлиқ эканини сездим. Машҳур педагог Амонашвили: «Бу ёққа кел» жумласини ўн хил оҳангда айта оладиган бўлганимдан сўнггина ўзимни тарбиячи дея олдим», деган эди. Ҳа, ўқитувчи ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонпарвар бўлиши лозим. Шундай деймизу кўп ҳолларда ўрта мактаб ўқитувчисини кўя туринг, ҳаммамиз ҳурмат қиладиган, олим деган юксак унвонга эга бўлган айрим педагоглар оддий муомала қилишни ўрнига қўяолмаслиги кишини ажаблантиради. Айниқса, бўлгуси мураббий муомала маданиятини кимдан ўрганиши керак? Кимларга тақдир қилиш керак? Бундай масалаларни олийгоҳ кенгашларида ўртага ташланса, талабалар орасида шу мавзуда мунозаралар уюштирилиб турилса, аини мудоабўларди.

Ушанда ўқишга кирувчилардан диктант олаётган бир ўқитувчининг иш жараёни билан бошидан-охиригача қатнашишимга тўғри келганди. Имтиҳон бошланди. Дарпардалар тўсилган, қоронғуроқ бир хона. Ўқитувчи паст, бўғик овоз билан матрни бир марта ўқиб берди, сўнг ёдирришга киришди. Ўқитувчи жумлама-жумла, гоҳида сўзма-сўз матрни ўқийверди. Им-

тувчи ҳаммаси жойида бўлдимки, қойиллатдимки, дегандай бир қараш қилди. «Саккизта группанинг ҳаммасига шу хилда яхши айтиб ёдирганман», деди.

— Ҳа! Диктант ёдирриши қойиллатаркансиз! — киноя аралаш сўз котдим.

— Камчилиги бўлса айтаверинг.

— Хафа бўлмангу очингани айтсам, агар шу диктантни мен ёзганимда ҳам бемалол икки баҳо қўйган бўлардингиз, диктант ёдирриш талабларини умуман бўлмас экансиз. Қолаверса, шунга ишонч билан айтаманки, ёрдан берилмаса бирорта бола хатто «3» ҳам ололмайди, ишонмасангиз биргаличи текшириб кўраман, — дедим.

Оғайним хатосини тан олди, сал «дурустроқлари»га «3», «4» қўяётганлигини (аслида «3» баҳога ярамаса ҳам) яширмади.

Очиғи, икки мингга яқин боланинг тақдирини ана шу ўқитувчи топшириб қўйилганлигидан ачиндим. Негаки, ўқитувчи хоҳлаган ўқувчига хоҳлаган баҳони қўяди.

Бу эса нотантиқдир. Аслида норозиликларга сабаб бўлаётган омиллар ана шу жойдан бошланади.

Вунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Тошкент давлат дорилфунуни ўзбек филологияси куллетига ўтган йил мингдан ортиқ ўқувчи ҳужжат топширган эди. Бу қирққа яқин гуруҳини ташкил қиладди. Биринчи имтиҳон ўзбек тили ва адабиётидан диктант бўлди. Имтиҳон бир куннинг ўзида уч вақтда (соат 9, 13 ва 17 да) ўтказилди.

Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида-алоҳида ўқиб, ёдирилди. Матнларни ёдирриш ва текширишда 30 нафардан зиёд муаллим иштирок этди. Бир қарашда буларнинг бари рисоладагидек... Лекин барибир имтиҳонлар жараёнида гирромлик, баҳооларни сунъий равишда орттириш ҳоллари рўй берди.

Биз қуйида 8 та гуруҳдаги ҳақиқий ахволни таҳлил қилдик: 27, 22, 36, 13 — гуруҳларда «2» баҳоолар сони 1—2 та бўлгани ҳолда 37, 3, 21, 32-гуруҳларда 12—19 тадан «2» қўйилган. Ёки 27, 22, 36, 13 — гуруҳларда 14—18 тагача «4» қўйилгани ҳолда 37, 3, 21, 32-гуруҳларда 1—5 тагача «4» баҳо қўйилган ҳолос. Бу тасодифми ёки матрни турлича айтиб ёдирриш оқибатими?

Қайта имтиҳон ҳақамлигида филология фанлари номзоди доцент Ш. Юсупов текширган иш билан танишдик. Абитуриент 5 та имло хатога йўл қўйган. Ш. Юсупов эса яна 5 та хатони «ижод қилиб» яқуний 10 та хато қиларганда, диктантга «3» баҳо қўйган. Ҳолбуки, баҳо мезонини билмасам, бунга қандай тушунмоқ керак! Абитуриентларнинг ишлари шундай саводи говлаган ўқитувчилар қўлида бўлгандан кейин ундан нима ҳам кутиш мумкин?! — Аслида «3» тўғри қўйилган, лекин хатолар унчалик жиддий эмас экан, шу ишга «4» қўйиш мумкин, — деймиз муаллимга.

— «4» қўйсам бўларди-ку, лекин менга кейин огоҳлантириш беришади, — дейди муаллим.

Ҳа, Ш. Юсупов ўз обрўсини ўйлайди-ю, бўлгуси талабаларнинг тақдирини эса уни қизиктирмайди.

Ҳа, айтиш мумкинки, айрим ҳолларда баҳоолар сунъий равишда орттирилган, кимларнингдир юқори балл тўплашига кўмаклашилган. Аслида сентябр ойда куллетларда талабалар мутахассислиги бўйича фанлардан қайта синав қилиш, «2» баҳога лойиқларни қайтариш, ана шундайлардан кириш имтиҳонини олган ўқитувчиларга қатъий чоралар кўриш, имтиҳонни ташкил қилган мутасаддиларни яаб ўтирмаслик лозим.

Дорилфунун остонасида бир қизнинг дир-дир титраб йиғлаши ҳар қандай одамнинг юрак-бағрини эзиб юборарди. У қиз йиғлаб-йиғлаб дугонисига айтарди: «Мендан билими паст, саводи ноқорларга «4», «5» қўйилди, менга эса дўқ-пўписа билан «3». Энди домлаларга ҳеч ҳам ишонмайман!».

«Эй қизим, ҳақиқатни кўза ёши билан эмас, курашиш билан топ, ўз ҳақингни ажрата бил», дегим келдию, тагин ўйланиб қолдим. Олиму фузалолар қинғир ишларга йўл қўйишса, улар топа олмаган ҳақиқатни бугунгина қишлоқдан келган соддагина «қиз қаёқдан топсин!»

Ҳа, ёшларнинг олдиди ҳақсизлик рўй бермаслиги, ишончга дарз кетмаслиги керак.



Шоира Турсуной Содикова жалолкудуклик тенгдошлари даврасида.

Сураткаш Р. Нуринбоев

Ўзбекистон халқ артисти Сорахон Мелиева набираси билан.


Мактаб-илм ўчоги кувнок ёшлик кучоғи.



Дон маҳсулотлари мўл бўлсин. (Қашқадарёлик ғаллакорлар ғалла ўрим-йигimini уюшқоқлик билан ўтказдилар).


Суратқаш Р. Нуринобоев





Муқаддас тупрок (Кўхна Косон харобалари).

Сурьжав И. Раҳимдинов



МУҒ ҚАЛЪАСИ ТАРИХИ

Косонсой шаҳрига кириб бораётганингизда узоқдан машҳур Муғ қалъаси вайроналари кўзга ташланади. Уни кўрган заҳоти киши хаёлини юртимизнинг узоқ тарихи қўлгаб олади. Зеро, бу шаҳри азимда бундан қадрли ва бундан кўҳна обида йўқ.

Шубҳасиз Косон — қадимий шаҳар. Ушбу шаҳар Чотқол тизмасининг жануби-шарқий ёнбағирликларидан оқиб тушадиган Косон дарёси бўйида бунёд бўлган. Водийда жуда қадимдан овчилик ва чорвачилик билан шугулланган халқлар яшаган. Шаҳарнинг шимолий қисмидаги дарё қирғоғида тошларга ўйиб солинган ёввойи эчки, бугу расмлари ҳозиргача сақланган. Бу суратлар бундан ўн беш-ийгирма асрлар илгари ишланган ноёб ёдгорликлардир. Шаҳарнинг қадимийлигига машҳур Муғ қалъа харобаси ҳам тилсиз гувоҳдир. Чунки Муғ қалъаси мелоддан олдинги Урта Осиё (шунингдек Эрон, Афғонистон ва шимолий Ҳиндистон) халқларининг дини бўлиши зардушт, яъни оташ-парастлар маконидир. Исломи дини тарқалган араблар оташпараст зардуштиларни «муғлар» деб аташган.

Косонсойдаги Муғхона — оташ-парастлар қароргоҳи бўлиб, унинг ҳозиргача сақланаётган қалъа девор харобалари мелодгача 3—2 асрларга оиддир. Дастлаб бу ерни 1885 йили етакчи олимлар томонидан кўздан кечирилганда ишоот-деворлари ичида хоналар мавжуд бўлиб тош билан беркитиб қўйилган тўйнуқлар сақланганлиги аниқланган.

Кейинчалик бу жойлар 1948 йи-

ли, ундан сўнг 1951 йили яна мутахассислар эътиборини тортди. Улар Муғхонадан одам суяклари, сопол, кўза, туваклар, қилич, пичоқ, металлдан ясалган ўқ учи, тақинчоқлар топишди. Афсуски, тарихимиз учун қимматли бўлган бу археологик топилмалар Ленинград шаҳрига олиб кетилган. Ҳозиргача бу топилмаларнинг тақдир ва олимларнинг айрим илмий ҳусулалари номаълумдир. 1950—1951 йилларда қўлга киритилган барча топилмалар Шимолий Фарғонада мелоддан илгари IV—II асрларда яшаган ярим ўтроқ қабилаларга мансуб экани аниқланган эди.

Афтидан Косон шаҳри мелоддан илгари II асргача қадимий Фарғона давлати Даваанинг пойтахти бўлган (кейин пойтахт Эрши шаҳрига кўчган). Шаҳарнинг кейинги тараққиёти мелодий VI—VIII асрларга тўғри келади.

Бу даврда турк хоқонлигининг шимолий Фарғона вилоятидаги ҳукумат қароргоҳи Косонда бўлгани аниқланган. (1951 йилги топилмалар, ниҳоят 1983 йили шаҳар фарбидан қовлаб олинган 4 хонали уй комплекси шундай ҳулосага асос бўлади). Шаҳарнинг XI—XII асрларга доир ёдгорлиги тўртта мазор ва пул зарбхонасининг ўрнидир. (Зарбхона йўқ бўлиб кетган.)

Ниҳоят, Косоннинг сўнги ривожланган даври XIII—XVI асрларга тўғри келиб, кейинчалик унинг деворуғи сўна бошлайди. Бу давр ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома» асарига фавқулодда қимматли маълумотлар беради: «Косон Аҳсининг шимолида тушубтур,— деб ёзади Бобур,— кичикроқ қасабадур». Аммо шунга қарамай Бобур Косоннинг табииати, хуш ҳавосини

муҳаббат билан таърифлайди. Косон Бобур таърифида: «Яхши ҳаволи ердур. Сафоли боғлари бор», дейилади. «Бобурнома»да берилган хабарга қараганда, шаҳардаги барча боғлар Косон сойи ёқасидадир. Ҳозирда Косонсойда асрашга ва қайта таъмирлашга муҳтож ўнлаб тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд.

Бирок, афсусларли жойи шундаки, ёдгорликларнинг аксарияти қисми қаровсиз ҳолда. Ҳатто айримлари ташландиқ ҳолга келиб қолган. Масалан, энг қадимги ёдгорлик Муғхона вайронаси қаровсизликдан йилдан-йилга емирилиб бормоқда. Ҳозир қалъа деворининг етти бўлакдан иборат қисми сақланган, бироқ ҳар йили ёғин-сочин уни емираёттир. Ёдгорликларни сақлаш вилоят жамаиети, уни муҳофаза қилиш ва келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш чораларини кўриши ўта зарур. Қалъа деворлари, балки пластмасса ойналари билан ўралиб ихотага олинган мақбуллар — буни ўйлаб кўриш лозим. (Масалан, Жамбул шаҳридаги «Бобожи хотин» номли XI—XII асрга оид қалъа вайронаси ана шундай ойна билан ихота қилинган). Шаҳар четдаги «Тергачи» номидаги тепаликлар ҳам деярли уч минг йил олдинги (яъни бронза) даврдан қолган археологик ёдгорликлардир. Вақти келиб улар илмий текширишдан ўтказилар.

Шунингдек, Тиллатепа, Ганжтепа, Дукорттепа, Новжар, Ноғора, Ҳазорхона номли тепаликлар ҳам қимматли тарихий археологик ёдгорликлардан ҳисобланади. Улар тақдиринга ҳам бепарволик билан қаралмоқда. Оқибатда бу тепаликларнинг айримлари бузилиб туپроғи олинмоқда, атроф ерлар ўзлаштирилиб ёдгорликларнинг паст

қисмларини сув босиб кетмоқда. Айрим меъморлик ёдгорликларини ҳам муҳофазага муҳтождир. Чунончи, Шоҳфозил меъморчилик ёдгорлиги XVI—XVII асрга доир қадимий масжид ва эски мақбара бўлиб, у таъмир қилиниб кўз қорчилидек асралиши керак.

Ёки «Гўзапоя мазор» масжидини олайлик. Халқ орасида уни Умар Шайх Мирзо ёки Бобур қурдирган (ҳатто хонақоҳнинг хариси Ҳиндистондан келтирилган) деган нақл юради. Бу нақлнинг ҳақиқатга қанчалик яқинлигидан қатъий назар у ҳам тарихий меъморлик ёдгорлиги сифатида сақланиши керак. Афсуски, бу ерда неча асрлардан буён сақланиб келинган Султонхўжа Жалолиддин Сомоний мақбараси машъум қатагон йилларининг курбон бўлган.

Ниҳоят айрим тарихий шахсларнинг қабрлари ҳам борки, улардан «Қабри Юсуф Эшон», «Гўри амирон» (Гўрмирон) «Қабри Бурхониддин қилич» қабилар ёдгорлик рўйхатига олиниб сақланиши лозим. Маҳаллий ўлкашунос тарихчилар эса муқаддас деб аталмиш ушбу жойлар ва бу шахслар тарихи билан махсус шугулланишлари лозим.

Яна бир таклифимиз — Ленинград шаҳрига олиб кетилган археологик топилмаларнинг текширилган қисмини она юртига қайтариб олиб келиш масаласини кўтариш керак. Бу ёдгорликлар ўз ватанига қайтиши ва вилоят, туман музейларида сақланиши зарурдир.

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент
Косонсой.

ХАР ТУРФИДА
* БИР ШИҲНГ *
**ЖУНЛИ
ҚУЛОҚЛАР
ЁРДАМГА
ЧАҚИРАДИ**

Жониворшунос Б. Мейер жунли қулоқ чала маймунларни (маймумсимонлар оиласига мансуб) излаб Мадагаскарга келди. Албатта ҳаммасини эмас, у олимлар бутунлай йўқ бўлиб кетган, деб тахмин

қилаётган ноёб турларни изламоқда. Афсуски, Мейернинг узоқ вақтлардан буён қилган изланишлари ҳеч қандай натижа бермаётганиди. Кунлардан бир кун олим ҳафсаласи пир бўлиб, гулхан ёнида изтиробли хаёлларга берилиб ўтирганида қандайдир куч уни бошини кўтариб атрофга қарашга мажбур қилди. Мўъжизаку! Олимдан бир қадам нарида у излаётган кичкинагина жунли қулоқ йиртқичча турарди. Маймунча Мейерга диққат билан тикилиб туради-да, қоронғуликка шунғиб кетди. Олим ҳам қараб турмади. У табиийки, маймунчани суратга тушириб, оғирлигини ўлчаб, кўздан кечириб яна эркинликка қўйиб юбормоқчи эди. Шу

пайтгача фанга маълум бўлган вояга етган жунли қулоқнинг оғирлиги 100 граммча ҳам келмайди. Биринчи марта улар ҳақидаги маълумот 1870 йил А. Гюнтер деган шахс томонидан қайд этилган. У Британия музейи кўргазмасига қўйилган жониворлар орасидан кичкинагина терини кўриб қолади. Аср давомида мазкур музейга ана шундай митти жунли қулоқлар намунаси билан битта қўйилган. Ҳатто уларнинг бири маҳсус суюқликка — идишга солиб қўйилган эди.

Мана, Мейерга ҳам омад кулиб боқди. Олимнинг таъкидлашича, омад иккиёқлама аҳамият касб этади: бу ноёб жунли қулоқ олимларнинг Мадагаскарга бўлган эътибори-

ни жалб этиши билан боғлиқ. Чунки оролининг тропик ўрмонларидаги улкан ҳайвонот олами фалокат ёқасида турганлигини ҳамма ҳам билвермас керак.

Сербешт қишлоғида истиқомат қиладиган Борис Суручан деган фермернинг ҳўжалигида, Молдавияда кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳодиса юз берди. Унинг ҳўжалигидаги эчкиси тўрт шоҳли улоқча туғди. Табиийки, улоқчанинг «хусну жамолини» бир қуришга иштиёқмандлар сони кўпайнгандан кўпайиб кетди. Борис ниҳоят улоқча бир ёшга тўлганида унинг билан суратга тушиб, матбуотда эълон



қилдиришни маъқул кўриди.



исон ут-тайр» достонининг ички, яширин (ботиний) маъноси инсон руҳининг, ақлнинг илк манбага, ҳақиқатга ёки кулли ақлга, ҳудоба интилишининг ифодасидир. Шунга кўра, инсоннинг маънавий тақомилга эришиш йўли (тарийқат, сулук) махсус мақомларга бўлинади. Суфийликнинг турли оқимларида бу мақомларнинг сони ва номлари ҳар хил. Кўпинча сулук йўли тўрт манзилдан таркиб топади: шариат, риёзат, маърифат, ҳақиқат.

1. Шариат — мусулмончиликнинг барча қонун-қоидалари (ҳалол меҳнат, тоат-ибодат ва бошқа инсонийлик бурчлари) ва уларга амал қилиш солиқнинг олдинда биринчи вазифа ҳисобланади. Бу босқичда солиқ атрофдаги бошқа мусулмон аҳлидан фарқланмайди ва барча диний расм-русумларга амал қилиши, меҳнат билан шуғулланиши даркор.

2. Риёзат (нафс хоҳишларини чекламоқ) — бу солиқнинг худони билиш, унинг васлига етиш йўлидаги биринчи қадами. Аслида риёзат сулук йўли, тарийқатнинг бошланиш манзили. Бунда солиқнинг олдинда қўйилган асосий вазифа — ўз қалбини дунё иштиёқларидан, таъмағирликдан, ман-манликдан тозалаш, дунёвий манфаатларни тарк этиш ва ихтиёрий равишда гадолиг (фақр) ва ўз иродасини фақат ҳақиқатга бўйсундириш талабларини бажаришдан иборатдир. Бу талабларни солиқ махсус устод — мушайх (пир) раҳбарлигида бажаради, унинг иродасига бўйсунди ва муриди ҳисобланади. Достонда риёзат қушларнинг кўп азоб-уқубатларини бошларидан кечириб қилган сафариди рамзий ифодаланган. Риёзат қалбини турли салбий ҳиссийатлар ва иллатлардан тозалаш орқали маърифат ва ҳақиқат сари интилишини талаб қилади, у худони танишининг маърифат йўли бўлиб, тасавуфда бу йўл илм билан ахлоқий поклик ва маънавий етукликнинг узвий бирлигидан иборатдир.

3. Маърифат — ҳақиқатни, худони билиш босқичи. Бунда солиқ ўз сезиларидан холи бўлиб, айрим дақиқаларда бир лаҳза ҳақиқатга етиш имконига эга бўлади, ҳажжонланади. Бу жазавали ҳолат ҳол дейилади. Маърифат босқичига етган солиқ ўзи ҳам муршид, устод бўлиши мумкин.

4. Ҳақиқат — бу тарийқатнинг, сулук йўлининг энг юқори босқичи ва суфийликнинг олий даражаси ҳисобланади. Бу босқичга камдан-кам солиқлар эришадилар ва улар ўз мартабаларига кўра буюк шахслар — авлиёлар ҳисобланадилар. Бундай шахслар худо билан вақтинча, бир лаҳзагина эмас, балки ҳамisha у билан мулоқотда бўлиш имконига эгадирлар. Улар ҳақиқат васлига етганлар — восиллар, деб ҳам аталадилар. Бундай шахслар моддий, ҳиссий дунё таъсирларидан, оруз-хаваслардан ўз қалбларини бутунлай тозалаганлар, уларнинг қалбларида ҳақиқатдан бошқа ҳеч нарса йўқдир. Шунинг учун бу тоифадаги кишилар аҳли фано, деб ҳам аталадилар. Фано (бақосизлик, йўқлик) гоёси суфийнинг дунёвий сезилардан, иштиёқлардан қутилиши ва маънавий абдийлик — бақо сифатига эришганлигининг ифодасидир. Унда инсон қалбини ҳақиқат билан боғланиши, бевосита мулоқотда бўлиши кўзда тутилади.

Турли тасавуф оқимларида фано тушунчаси ҳар хил шарҳланади, унга ҳар хил ёндашишлар мавжуд. Шунга қарамастан, бу истилоҳани талқин этишда унинг айрим умумий томонларини ажратиш мумкин. Фа-

но ҳақиқат манзилига етган суфийнинг шундай бир маънавий-руҳий ҳолатидики, унинг қалбида дунёвий эхтирослар, қизиқишлар мутлақ йўқолиб, ҳақиқатни таниш қобилияти пайдо бўлади ва сезги орқали у билан мулоқотда бўлади. Бу ҳолатда қалб ўзининг одатий мавжудлигини, борлиқ хусусиятларини йўқотади, лекин шахснинг маънавий кифёси ва моҳияти сақланади. У худо билан қўшилиб кетмайди. Шайх Мансур ал-Халлож бу ҳолатда ўзининг ҳақиқат билан қўшилганини «Анал ҳақ» («Мен — ҳақиқатман») деб эълон қилган ва бидъатли эътиқоди учун 922 йили Бағдодда шариат ҳукми билан қатл этилган. Чунки инсон қалби, инсон кишилик табиати илоҳий зотга (субстанцияга) айланиши мумкин эмас.

Фано гоёси Фаридулдин Аттор таълимотида сулук йўлининг сўнги, еттинчи мақомини ташкил этади. Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достониди фақру фано водийи қушларнинг Симуруғни қидириш сайру риёзатидаги охириги, еттинчи мақомидир. Ундаги етти водий — Талаб, Ишк, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру-фано водийлари сулук йўлидаги солиқнинг маънавий тақомилга эришиш мартабаларининг рамзий ифодасидир. Симуруғ билан учрашувга, унинг васлига жазм этган қушлардан кўп қийинчиликлар ва оғир мусибатлардан сўнг фақат ўттизтаси еттинчи водийга етиб келадилар ва у ерда ҳеч қандай сирли подшоҳ Симуруғнинг йўқлигини ва фақат ўзларини кўрадилар:

*Кўрдилар ўзни қаёнким тушти кўа,
Аллоҳ-Аллоҳ не ажойибдур бу сўз.
Ким қилиб Симуруғ ўттиз қуш заъас,
Ўзларин кўрдилар ул си мурғу бас.*

Форс тилида си-30, мурғ — қуш. Достоннинг рамзий ва ботиний характери ҳам айнан шу гоёдадир:

*Эй кўнгул, бу нуқтадир қушлар тили,
Рамзу имо мулкига тушлар тили.*

«Лисон ут-тайр» достониди қушларнинг афсонавий Симуруғ васлига етиш сафариди биринчи босқич — Талаб водийси. Бунда солиқ қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб, ўзини маънавий жиҳатдан тозалаб тарийқатга тайёрланади:

*Чун Талаб водийсига қўйсанг қадам,
Олдинга ҳар дам келур юз минг алам.*

*Ҳар дам анда юз маломат юзланур,
Ҳар нафас минг саъб ҳолат юзланур...*

*Молу мулку ҳар недур солиқка банд,
Тўрт тақбири фано ўлмоқ баланд.*

*Ҳарнеким гапри талабдур ташламоқ,
Ўзни мақсад манзилига бошламоқ.*

«Талаб тарийқи адосиди муножот» бобида Навоий худоба илтижо қилиб, сен ҳамма талаб қилувчилар учун истаган орузусен (матлубсен), ҳар икки дунёда ҳам толиб аҳлига маҳбубсен, сенсиз малаклар (фаришталар) ва парилар, жаннатнинг хур қизлари ва кавсар сувини талаб қасрида истамак бемаънидир, жону кўнгулми ўзингга толиб эт, дард ила ишқингга шавқум голиб эт, дейди.

Бу боддан кейинги тамсилда талаб йўлида ташки тоат-ибодатдан, одатдаги расм-русумдан кўра худоба нисбатан ички эътиқод кераклиги таъкидланади. Чунки худо ҳар кимнинг дилидадир. Бу фикр шайх Воязид билан солиқ ҳақидаги ҳикоятда ифодаланади. Ҳаж қилиш учун сафарга чиққан солиқ Бистом шахрида машҳур шайх Воёид билан учрашади ва унга мақбул келади. Каъбани зиёрат айлаб қайтариди хожи яна Воязид билан учрашади. Шайх ундан сен

васл истаб Байтуллоҳда уй эгасидан (худодан) нишон кўрдингми, деб сўрайди. Ҳаж айлаган солиқ қаср олий сифатли экан, лекин уй эгаси (худо) кўринмади, деб жавоб беради. Унинг сўзини эшитган шайх худо сенинг дилингда эди-ку, уни семадингми, деб айтади:

*Уйга соҳиб йўлда эрди ҳамроҳин,
Ҳар қадам ургон йўлигидин огоҳинг.*

*Уйга еткургон ул эрди сени,
Элтибон келтургон ул эрди сени.*

*Сенди йўқ эрди бу давлатдин шуур,
Талиб эрдине, лек саъйингда қусур.*

Малик ОРИПОВ

ЕТТИ

Инсон ҳақиқатни-худони ўз кўнгулида ишқ туфайли англайди. Ишқ инсон қалбини турли иллатлардан тозалаб воситаси ва уни ҳақиқатга, илоҳий ибтидога жалб этувчи буюк бир маънавий куч сифатида шарҳланади. Сўз усталари ишқни қуйларкан, шу орқали улар ҳаётнинг кўп муаммоларига ўз муносабатларини билдирганлар. Иоганн Гёте Мусулмон Шарқи шеърятига хос энг олий хусусият биз немислар «гайст» сўзи билан ифодаловчи руҳдан, маънавийликдан иборатдир, деган эди. Мана шу маънавийлик ишққа асосланади.

Ишқ мавзуси буюк шарқ мутафаккирлари Форобий, Ибн Синоларнинг ҳам диққат-эътиборларини жалб этган. Улар ишқни кенг ижтимоий-ахлоқий маънода қараганлар. Ибн Сино «Рисолаи ишқ» асариди ишқни оламдаги барча нарсаларнинг янаша тарзи сифатида талқин этиб, уларни ўзаро бир-бирларига интилиш ва боғланиш қонунияти, деб қарайди. Жамиятда ҳам кишиларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғланиши ишқ орқали юзага чиқishi таъкидланади. Дунёвий ишқ тушунчаси чуқур ахлоқий ва тарбиявий маъно касб этади.

Навоий шеърятиди ишқ илоҳиёт ва табиат (қоинот), худо ва инсон ўртасиди маънавий алоқадорликнинг ифодасидир. Ишқ тасавуф руҳиди мутлақ гўзалликга етиш йўли сифатида шарҳланади, лекин бу машақатли, мушкул йўлдир. Унинг учта хусусияти бор:

1. Ишқнинг қурбонлик характери, ошиқнинг абдий дарду ҳасрат ва ҳалокатга маҳкумлиги. Бунни биз Навоийнинг ишқий-романтик достонларида, жумладан «Лисон ут-тайрда» ҳам кўришимиз мумкин.

2. Ишқ йўлида дунё манфаатларини тарк этиш, ўзалигини тарк этиш, дунё лаззатларидан воз кечиш, нафсини турли иллатлардан тозалаш ва маънавий камолотга етиш талаб қилинади. Бу хусусиятларни биз Фарҳод, Мажнун тимсолларида, уларнинг ишқиди кўраимиз.

* Иккинчи мақола. Қаранг: «Гулистон», 3-сон, 1991 й.

3. Ишқ инсон дилини тозаловчи маънавий куч, уни эзулликка даъват этувчи восита сифатида шарҳланади. Унда гўзалликка интилиш яхши ахлоқий сифатлар билан узвий равишда боғланган. Ишқ ақл ва иродани мустақамловчи бир кучдир. Унинг замини гўзаллик, унга эришиш йўли — ахлоқий поклик, эзу ишлар. Бу гўзаллик ёр, санам, бут деб ҳам аталади. Навоий достонларида бу гўзаллик Ширин ва Лайли номлари билан куйланади. «Лисон ут-тайр»да Симуург ана шу мутлақ гўзалликнинг рамзий тимсолидир. Достоннинг ғоявий мазмуни инсон руҳининг илк ибтидога ёки ҳусни мутлаққа кўтарилиш жараёнининг ифодасидир.

Навоий кушларнинг сафар ҳақидаги саволига Худхуд тили билан бу йўлда сизларга ишқ сифат бўлади, ошиқ ҳамма нарсалардан кўнглини тарк этини керак, дейди:

*Фард эрур ошиқ таму жонидим доғи,
Ақлу ҳушу кифру имондир доғи...*

руҳига монанд ёритилган. Хуросонлик машхур шайх Абдул Ҳасан Ҳараканий (вафоти 1033 йил) «Нур ал улум» рисоласида маърифат ҳақида шундай дейди: «Агар сен маърифат тўғрисида сўз очмоқчи бўлсанг, унда етти юз боб, ҳар бир бобда бир-бирига ўхшамаган етти юз шохобчалари бор. Олим ўзига илмини танлаган ва илм билан овунди; зоҳид ўзига зуҳуд йўлини танлаган ва шу машғулоти билан хушвақт бўлади. Сан ҳам андуҳ (ғам-ғусса) йўлини танлаган ва шу йўлда худо (висоли) билан овунишга интилин».

Демак, маърифат йўлида ҳар кимнинг эришган илми ўзига сифатдир. Бу йўлдагилар ўртасида тафовутлар бўлса ҳам, лекин ҳаммасининг мақсади бир — ҳақиқатга интилишдир.

«Маърифат тарийқи адосида муножот» бобида Навоий худога илтижо қилиб айтадики, сен инсонни маърифат қони қилдинг, унинг кўнглини маърифат жаҳон айладинг;

*Онда тенг кўр гумроҳу оғозни,
Дайр кўйи бирла Байтуллоҳни.*

*Бирдурур гар Каъба бирла буткада,
Бўлсалар маъмур ё оташзада...*

*Кифр ила динга чу тенг муқдордур,
Мундо иш соликка бас дувшордур.*

Истиғно водийсининг хусусийатларини Навоий шатранж ўйинига ўхшатади: шахмат ўйновчилар маълум қонун-қоидалар асосида бир-бирлари билан жанг қиладилар. Бу жанг майдонида ҳамма нарса мақсадли ва қоидалар тарзда олиб борилади. Лекин ўйин тамом бўлгач, тахтадаги доналар бирин-кетин халтага солинади, улар ўртасидаги тафовутлар йўқолади, унда шох пастда, пиёда аскар тепада бўлиши мумкин. Навоий айтадики, бу ҳам истиғнонинг бир белгисидир, балки унинг бир кўринишидир. Сен бу мисол сари назар сол, асли истиғнонинг юз минг фарқини билгин. Истиғно маъносини билиш сари йўл олсанг, ҳамма ишни унга қиёс айлагил.

«Истиғно тарийқи адосида муножот» бобидан сўнг Намруд ва Халил ҳақида ҳикоя қилинади. Ривоятларга кўра, Намруд қадимги ўтган подшоҳлардан бирининг номи. Уни пашшалар талаб ўлдирган экан. Халил — Иброҳим пайғамбарнинг лақаби. Намруд (Фиръовун) Халилнинг ашаддий душмани бўлган ва уни ўтга солиб ўлдиришмоқчи бўлган, лекин Халилни ўлимдан Жаброил қутқариб қолган экан. Достонда Халил Жаброилнинг ёрдамини қабул қилмайди, ундан воз кечади:

*Деди улким: ўт манга рўзи қилур,
Эҳтиёмим не эконки ул билур.*

*Йўқ санга худ эҳтиёмим бу нафас,
Токи зоҳир айлагайман мултамас.*

Ҳақ билан руҳан қўшилиш — тавҳид водийси қушлар сафарининг (сулук йўлининг) бешинчи манзилдир. Тавҳид ваҳдат ул вужуд тағлимотида худони билиш, унинг васлига етиш, инсон руҳининг ҳақиқат билан қўшилиш ғоясининг ифодасидир. Бутун тасаввуф шеърини ваҳдат ул вужуд ва тавҳид ғоялари асосида яратилган истилоҳалар (аввал, абад, азал, камол, жамол, ҳусн, нигор, ишқ, маҳбуб, мажнун, май, соқий, бут, санам пари, булбул ва гул, денгиз ва қатра, парвона ва шаъм ҳамда бошқа ўхшатишлар) силсиласига эгадир.

Мавжуд дунё яратилишининг мақсади инсон эди. Чунки мавжудотлар аро дунёнинг гўзал манзаралари ва нозу неъматлари билан завқланувчи ҳам, унинг илохий моҳиятини англаб етувчи ҳам инсондир. Мавжудотлар аро ўз шахсий ҳаётини ва олам сирларини тушуниб етувчи ягона тирик зот ҳам инсондир:

*Буким ҳақ айлади инсонни мавжуд,
Анга мавжудликдин борча мавжуд.*

*Эрур ҳақ амрига маъмур бўлмоқ,
Бу ишдин ўзгадин маъмур бўлмоқ.*

*Чун маҳбуви ҳақиқий йлдурур ул,
Анинг васли сори қатъ йламоқ йўл.*

Инсон қалби Бирлик ҳақида ўй-фикрлар, ҳис-туйғулар ва ҳаяжонлар денгизига қиёс қилинади. Атрофдаги борлиқ инсон туфайлигина, унинг ақли-заковати ва идрок-қобилияти туфайли бир ажойибот, завқли оламга айлангандир. У ҳамма ва ҳар қандай шароитда ҳам ўз атрофига ҳавас билан назар солади ва уни синчков ақли мушоҳада қилади. Вужуд доирасига ошиқ ҳам, уни кузатувчи ва тадқиқот этувчи ҳам инсондир. Коинот сирларини билиш учун инсон унинг оловли ва машаққатли синновларини бошидан кечириши даркор. Дунёни билишда инсон ўз мулоҳазалари ва мушоҳадаси орқали шаклдан мазмунга, ташқи, зоҳирий кўринишлардан ички, яширин (ботиний) сабабларини очиб қудратига эгадир. Унинг ақл-заковати, сезиш

ВОДИЙ ТАЪРИФИ

*Кимки жонор сори онинг ройи бор,
Жонга офат етса не парвойи бор.*

*Ишқ иши ғам шони дарду сўздур,
Шамъ анга ози жаҳон афрўздур.*

Мана шу тариха ишқ водийси таърифланади. Ишқда садоқат ва қатъиятнинг тимсоли бўлмиш шайх Саъбоннинг бошидан кечирган саргузаштлари ҳикоя қилинади. Кейин ишқ водийсининг сифати тасвирланади. «Ишқ тарийқи адо сида муножот» бобида Навоий худога илтижо қилиб дейди: сен кўнгулни ишқ билан равшан қилдинг, ҳажр хористонини (жудолук тикозорини) гулшан қилдинг, ишқ ўти билан ойу куёшга эрур бердинг ва улардан тун-кун нур олди. Бу фикрга Қайс (Мажнун)нинг Лайлига ишқи қиёс қилинади. Қайсни ишқ забун этди, ақлдан жудо қилди, ул ишқ аро мустағрақ бўлди, унинг ишқи ҳаёли Лайли мутлақ эди, дейилади. Бир куни бирор Қайсдан «Отинг недур», деб сўраганда у «Лайли» деб жавоб беради. Буни қандай исботлайсан, деган саволга, Қайс «Улким — Лайли ўлди зот онга, ҳожат эрмас айламоқ исбот анга», деб жавоб берди. Демак, Мажнун фақат ташқи (зоҳирий) кўринишдагина Лайлидан фарқланади, аммо ўзининг зотиға кўра, ботиний жиҳатдан у Лайли билан бирдир.

Маърифат водийсида ҳақиқатнинг моҳиятини таниган, маънавий камолотга етган шахслар — орифлар ҳақида фикр юритилади. Улар яхши билан ёмонни, кифр ила имонни, дайр (бутхона) билан Каъбани бир-бирдан фарқламайдилар. Чунки маърифат йўлида ҳақни билишнинг юз минг тармоқлари бордир, дейилади. Чунки уларнинг йўлларида ихтилоф бўлса ҳам, лекин ҳаммасининг мақсади бирдир — ҳақиқатни билишдир. Бундан барча динлар ташқи жиҳатдан фарқлансалар ҳам, аслида моҳиятига кўра бирдир — уларнинг ҳаммаси ҳақиқатни билишнинг турли йўллари холос, деб қаралади.

Маърифат тушунчаси дostonда тасаввуф

ҳар кимгаки маърифатни сифат қилиб, даҳр (дунё) аро унинг исмини ориф (Танувчи, Билувчи, Доно, Комил инсон) айладинг; кимда маърифатни айласанг сифат, ул хайл холини мухталаф (ихтилофли) қилдинг; бу биббон йўлни чекмас айладинг, ундаги йўловчиларнинг сон-саногни йўқдир; маърифатнинг уларга йўлни ёритди, бу йўлдаги солиқ санга еттай, дейилади.

Маърифат водийси солиқ билан шох ҳақидаги тимсолда яқунланади. Шох солиқни кўриб бир нафас ўлтир, қандай ҳавасларинг бўлса бажо қиламан, дейди. Солиқ подшоҳнинг илтифотини рад этиб дейди: мен тангрини таниганимдан буён бу фоний даҳр аро ҳеч нарса керак эмаслигини тушундим, мен фақат ҳақиқатга муҳтожман, нима менга керак бўлса, ҳақ ўзи беради.

Эҳтиёмсизлик, бирова муҳтож бўлмаслик, озга қаноат қилиш ғояси истиғно водийсида баён қилинади. Тарийқатда истиғно суфий ёки дарвиш солиқка ҳос шундай бир маънавий сифатларки, унинг сезгилари бошқа ҳамма нарсаларки, дунёвий эҳтиросларни тарк этиб, қалби худо васлига нисбатан ишқ билан тўлади. Сулук йўлининг рамзий ифодаси бўлмиш қушларнинг афсонавий сайру рибзати инсон руҳининг ҳақиқатга кўтарилиш жараёнини кўрсатади ва унда солиқнинг бир сифатий ҳолатдан иккинчи, юқори сифатий ҳолатга ўтиши орқали маънавий-ахлоқий жиҳатдан тақомил топишини тасвирлайди. Истиғно водийси дарвишнинг маънавий покликка, ахлоқий камолотга эришиш жараёнидаги бир манзилдир. Навоий таърифиға кўра, бу босқичда кишилар ўртасидаги тафовутлар, даражалар бар-тариф этилиб, ҳамма руҳан тенгликка эришади, етти дўзах бир учкун каби, етти дарё бир қатра ёмғир сувига ўхшайди, деб айтилади:

*Бўлади юз минг жисмдин беғона руз,
Токи киштбонлик ойини қилди Нуз...*

*Боглади зуннор юз минг ахли дин,
То Масих инфосийдин жон топти тин.*

қобилияти, ҳис-туйғулари ва изланиш йўлидаги хоҳишлари бу мақсадга етиш учун маънавий воялардир.

Тавҳид водийсида инсон руҳининг саргузаштлари, изланишлари ифодаланади. Бу маънавида инсон дили барча ортиқча нарсалардан, дунёвий эҳтирослардан тазаланган, яқинлашган, бирликка муҷассамланади; унга фарду яктолик (ёлғизлик) мақом бўлади; бу яқинлик (тавҳид) водийсига сайр этган юз туман минг қушларни ҳам бир, деб қараш лозимдир. Тавҳид водийсида дунёвий орау-ҳаваслардан холи бўлиш ҳаммаининг истагидир, ҳамма учун лаҳну наво ёлғизликдир. Ниҳоясида шундай дейилади:

*Бир бўлу, бир кўру, бир бе, бир тила,
Майл қилма мунда иккилик била.*

*Иккилик бу йўлда аҳвалликдурур,
Сирри ваҳдатдин маъатталликдурур.*

Яъни иккиликка майлик билдирма, бир бўлгин, бирни кўргин, бирни тилга олгин, бирни орау қилгин. Бу йўлда иккилик (кўнгилнинг ҳақдан бошқа нарсаларга бўлиниши) ғилай кўз қаби четга назар солишдир. Ваҳдат (бирлик) сирларидан четга чиқишдир.

Тавҳид гоёси, яъни инсон руҳининг ҳақиқатга кўтариллиши, илоҳий руҳ билан қўшилиши шайх Мансур ал Халлож ҳақида ҳикоят билан ниҳояланади ва унинг машҳур ибораси «Анал — Ҳақ» талқин қилинади.

Навоий фикрича, Мансур тавҳид сари йўл олди ва «Анал — Ҳақ» унинг лафзларида тақрорланди; дин раҳнамолари унга кўп насиҳат қилдилар, бу сўзларнинг аҳли дин йўлига тўғри эмаслигини кўрсатдилар. Лекин унга Бирлик (ҳақиқат) гавҳарларидан тож етган эди, ваҳдат поёси (мартабаси) унга меърож (қўкка чиқиш нарвони) бўлди. Шайх тушида пайгамбарнинг кўкка кўтарилишини (меърожини) ва унинг арши аълога чиқиш, худо қабулида бўлганини кўради. Худо пайгамбардан талабни сўрайди. Расулуллоҳ ўзи учун ҳеч нарсани сўрамадан, фақат шу дунёда кишиларнинг қилган гуноҳларини кечирини илтимос қилади. Шайх Мансур бунинг сабабига тушунмасдан анча ўйланади. Кейин тушида у яна пайгамбарни кўради ва ундан менда «менлик» осори йўқ эди, деган сўзни эшитди. Демак, «Анал — Ҳақ» ўзлик, «менлик»нинг йўқолиши ва руҳнинг ҳақ билан қўшилишидир, деб талқин қилинади.

«Тавҳид тарийқи адосида муножот» бобида тавҳид тушунчасининг мазмуни шундай шарҳланади: Сенинг (Ҳақиқат) зотинга хос тавҳиди пок (асл ягоналик) шак-шубҳасиздир, аҳли ваҳдат (суфийлар) ундан завқланади. Ҳар кимга тавҳид сари йўл очсанг, бўлур у ортиқча нарсалардан холи ва ёлғиз. Ким ўзлик (менлик)дан қутулган экан, уни ўз олдинда тавҳид айлади. Кимга ваҳдат сари йўл айлади, ул ўз вужудини йўқотиб (нафий бу) сен билан қўшилгандир.

Тасаввуфда тавҳид гоёси солиқнинг маънавий тақомилга эришиш йўлидаги мартабаларидан биридир ва унинг юксак даражадаги маънавий қиёфасининг белгисидир. Тавҳид водийсидан кейин солиқ ҳақиқат сари яна бир босқич кўтарилади, бу — ҳайрат водийсидир.

Ҳайрат водийсига етган солиқ ўзлигини

йўқотиб, унинг вужуди ҳақиқат нури билан ёритилади ва кўнгли ҳақиқатни кўриб ҳайратланади. Бу ерда ҳайрат тилини гунг (соқов) ва лол айлайди, ақлни зойил (йўқ), хушни поймол қилади. Кеча билан кундунининг фарқи англамайди. Йўқни билмас, борини ҳам онгламамас. Қайси томонга қўз солсанг (ҳақиқатдан) ҳайратда бўласан, ҳамма ҳайронликда саргардон бўлур. Бу ерга қадам қўйган аҳли сулуқ ҳайронликдан ўзга иш билмас дейилади.

Ҳайрат водийсида солиқ юксак маънавий сифатларга эришади ва ўзининг ҳақиқат билан бир дақиқа қўшилиш ҳолатини сезади. Солиқнинг бир жазавали ҳолатда бўлиши, унинг жуш-хурушга келиш кайфиятлари тасавуфда ҳол, деб аталади. Суфийликда Аллоҳга ишқ ва иштиёқ ғалабаси натижасида солиқнинг беҳуш бўлиши, ўзидан кетиши важду ҳол, дейилади. Важд шавку зағв ва ҳаяжонли ҳолат белгисидир. Бу ҳолга келиш учун дарвишлар диний кўшиқ, мусиқа ва рақс билан зикрга тушадилар, яъни **самоъ** этадилар. Ҳол қисқа муддатли, сонияли дақиқа. У бир онда пайдо бўлиб, ўтиб кетадиган бир ҳолат. Шунда дарвиш ўзининг ҳақиқатга етганини ҳис қилиб завқланади, ҳаяжонланади ва беҳуш бўлади (масалан, Фарҳоднинг Шири қиёфасини ойнада кўриб худидан кетиши дарвишларнинг зикрдаги важду ҳоли тимсолидир).

Ҳайрат водийсидан кейинги **фақру-фано водийси** тарийқатнинг энг юқори манзили — ҳақиқатга етиш ва маънавий бақолик тахтда султон бўлишининг ифодасидир. Бу водийга юз туман минг қушлардан фақат ўттизта-сигна етиб келади, холос. Улар афсонавий Симуруғни эмас, балки ўзларини кўрадилар. Бундан тасавуфнинг асосий гоёси — худшунос худшоунос, яъни ўзини танган худшунос танийди, деган фикр келиб чиқади.

Демак, ҳақиқат инсондан узоқ масофадаги арши аълода эмас, у хар кимнинг дилидадир, уни ташқаридан қидириш керакмас, уни ҳар ким мушоада, маънавий покланиш ва илм-маърифат орқали ўз дилида топиши мумкин. Худо сирли олмадир, лекин уни инсон ўзини билиш, англаш орқали тушуниши мумкин. Худони билишнинг мана шу йўли дostonда қушларнинг Симуруғни қидириш сайрида бадийи-фантастик шаклда ифодаланган. Қушларнинг сафарда бошларидан кечирган азоб-уқубатлари, қийинчиликлари ва саргузаштлари сулуқ йўлида солиқнинг босиб ўтган мақомлари ва бу жараёнда эришган маънавий камолотнинг тимсолидир.

Тасавуфда худого шахсий эътиқоди, муҳаббати, самимийлиги ва маънавий поклиги билан ҳам эришиш мумкин, деган ақида мавжуд. Бу қоида ҳамма учун эмас, албатта, балки тарийқатнинг юқори мақомларига эришган комил инсонлар, орифлар учундир. Инсон ўзидаги иллатларни бартараф қилиши ва узлуқсиз равишда маънавий камолотга эришиш ҳам худого етишнинг бир йўлидир. Шунга кўра, худого ташқи тоат-ибодат, тақводорлик билангина эмас, балки яхши хулқ-атвор, эзгу ишлар билан ҳам яқинлашиш мумкин. Бу гоё шайх Абдулло Ансорий ҳақидаги ҳикоятда ифодаланади. Унда шундай дейилади: «Ким руд (муслиқ асбоби) созида оханг айласа ва оханг аро куй ҳамда қўшиқлар айтса, агар унинг ашула ва куйла-

рида тангри ёд этилса, унда пок эътиқод бўлса, бу рағфат охангда бепарволик билан ўқилган мусҳаф (Қуръон) тиловатидан яхшироқдир. Агар бу куй ва қўшиқларга тангридан огоҳлик бўлса, у тоат-ибодат қилиб адашганликдан маъқулроқдир».

Фонийлик (йўқлик) шахсининг нобуд бўлиши ёки ўлими эмас, балки юқорий даражалик маънавий сифат. Бу сифат эгаси дунё ташвишларидан холи, илм ва маърифатда тақомил топган инсондир. Бу ҳақда Навоий шундай ёзади:

*Фони йўлб кимки ниёз айлади,
Тенгри ани қошифи роз айлади.*

*Бўлди шинг арзи намоз айламак,
Шева манга арзи ниёз айламак.*

*Санга самар берди наложу рие,
Бизга бу бар берди ниёзу фано.*

*Кимга фано ганжидин озоғлик,
Мулки қаноатда анга шоғлик.*

Фақру-фано водийси шайх Аббос (Аҳмад бин Муҳаммадин бин Абдукарим) ҳақида ҳикоят билан ниҳояланади. Фано водийсига қадам қўйган шайх Аббос хонақоҳда асқоблари билан ўтирганида, у ерга бир киши тақлифсиз кириб келади ва истинжо учун обдаста сув келтиришни буоради. Шайх бу каломни эшитгач, ибриқда (обдастада) сув келтириб беради, лекин ножинс зот идишни синдириб: «Келтур яна бир зарф бот», дейди. Иккинчи келтирган идишни ҳам синдиради. Бундан хабардор шайх: «Ул неча ибриқ ушатса еткурунг», дейди. Ножинс хонақоҳдаги зарфларнинг ҳаммасини синдириб тугатгач, энди тездан шайхнингизга айтингиз, олдимга келиб соқолин ҳовир этсин, деб буйруқ беради. Бу сўзларни эшитган шайх Аббос бўзқаш ўғлига соқолнинг нима кераги бор, соқолим ҳам бир фойдали ишга ярасин, деб соқолини овучлаб юлиб олади-да ножинсининг оёғига қўяди. Рағфат босган ҳаёсиз нокас бу ойини фанони кўргач, беҳуда сўз тополмасдан шайхнинг оёғига йқилиб кечирим сўрайди. Навоий шундай ёзади:

*Солиқи фоний анга солиб назар,
Ўзлуқидин қўймади рангу асар.*

*Бу сифат ноқисини тахлил айлади,
Мисни олтурн била тавдил айлади.*

Яна фонийлик тахтининг султони, комил ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳақида ҳикоя қилинади. Сўнгги бобида «Лисон ут-тайр» дostonини буюқ форс шоири Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» дostonидан илҳомланиб, туркий тилда қушлар ҳақидаги ривоятни ҳикоя қилганлигини ёзади. Бу икки буюқ шоир дostonларининг қиёсий шарҳи Е.Э. Бертелсининг «Навои и Аттар» номли мақоласида ҳар томонлама чуқур ёритилган.

«Тахаллус тағйирининг узри» бобида нима сабабдан туркий тилдаги дostonга «Навоий» имзоси чекилмаганлиги, унга «Фоний» тахаллуси берилганиги шарҳланади. Бу ҳақда шоир шундай ёзади:

*Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тажом,
Фоний ондин топти назмим илтимом.*

*Ҳам бу дафтар ичра Шайхи маънавий,
Ким демши қушлар тилидин маснавий.*

Демак, «Лисон ут-тайр» дostonида Фоний тахаллуси шоирнинг тасавуфга мойиллиги, шунингдек «Шайи маънавий», яъни шайх Аттор билан маънавий яқинлигининг ифодасидир.





Тўрамурод РАҲМОН

Бугун юрагимда армон йиғлайди

* * *

Она, Ер, ким сени бу куйга солди,
Ким сени бунчалик айлади хароб?!
Қара, пешонангда қат-қат ажинлар,
Упқасин босолмай юрибди яйраб!

Қаддингни ростламоқ истайсан, лекин
Танангда мадор йўқ, қўл-оёғини шол.
Дардингни кимга ҳам айтишни билмай,
Жовдираб боқасан атрофга беҳол.

Бедаво касалга чалинган бемор —
Сингари хўрсиниб қўясан секин.
... Танглайга ёпишган бу байтон тилим
Кўнглингни кўтариб, беролмас таскин!

Нега мен сафсата сотаман, нега?
— Она Ер, ким сени таҳқирлади, — деб.
Сени жонсиз, — дея кўп йиллар бурун,
Қабихлик «ош»ини бизлар қўйдик еб!..

Эй, одил табиат, чиқаргин Хукм —
Ерни қон-қақшатган ғаламисларга!
Энг олий жазони қўллагин ўзинг
Муштипар «Она»ни эзган касларга!!!

Қишнинг хатоси

Ташқарига чиқдим ногаҳон
Тун ухларди борлиққа кулаб.
Аллақандай шарпалар пинҳон,
Сухбатлашар, пичир-пичирлаб.
Бўйсунмасдан менга оёғим,
Етаклади уларга томон.
Яқинлашгач, оқди хаёлим
Фаслларни таниган замон.
Зулмат ичра чордона қуриб,
Давра ясаб олган бежирим...
Гўзал Ваҳор ёнига бориб
Қиш сўрарди ундан кечирим:
— Кечир мени, эй, сулув Ваҳор
Бугун менга дунё келди тор.
Ялқов, деса сени саҳий Куз
Ишонибман мен қари — абгор!
Дам олишга юборсак ҳам биз,
Ухламабсан, тилабсан тиллак.
Кеча-қундуз оппоқ матодан,
Дарахтларга тикибсан қўйлак!

... Фаслларнинг сардори Ваҳор,
Қиш хатосин кечирди дарров!!!

Армон

Қишлоқ кўчаларин кездим тегираб
Ўзимни кўярга жой тополмасдан.
Севгимнинг чилпарчин синиқларини,
Уқ теккан кўнглимга сиғдирилмасдан.

Бугун юрагимда Армон йиғлайди,
Сочлари тўзриган Ишонч йиғлайди.
Тошмехр тақдирнинг «сийлов» ларидан
Келин либосида бир Қиз йиғлайди!

Мен сенга не гуноҳ қилгандим, Хаёт?!
Энди шеър ёзмайман бағримни тиглаб.
Муҳаббат ўтида ёқиб жисмимни,
Бир Гул рухсорига зор этиб кетдинг!

... Севги ва Муҳаббат оғушида мен,
Энди шеър ёзмайман бағримни тиглаб.
Тунларга бош қўйиб юм-юм йиғлайман,
Осмонин йўқотган Юлдузим кумсаб!

Бугун юрагимда Армон йиғлайди
Армон эмас,
Қўҳликкина бир Қиз йиғлайди!



Маъмуржон ҚИЕМОВ

Ҳайқириқ

Қўлларимдан тут мени, бобо,
Бу сахрода кўрмадим чироқ?
Бу зим-зиё дунёда мен ҳам
Адашмасдан юраин тезроқ.

Қийин сизга, биламан, бироқ,
Қўлларимни қўйворманг фақат.
Зулмат босса ҳамки елкамдан
Сўлим тонгга етишмоғим шарт.

Ул манзилда ўзгача руҳ бор —
Аждодларнинг уйғонган руҳи

Юлдузларни эслама

Юлдузларни эслама,
Унга етолмайсан барибир.
Хаёллар ҳам келса мададга,
Хаёлларга битса-да қанот,
Унга етолмаслигинг аниқ!
Сўқмоқ чексиз, чексиз, чексиздир,
Юлдузларга туташган.

* * *

Уқ-ёйлар ўрлайди хали ҳам қўкка
Севги қушларига қалқон бўл, паноҳ!
Рухлар учар, улар учмас қўркувдан,
Бу қушлар қаноти пардан, парқудан.

* * *

Худолари тарк этган осмонни,
Кўтариб, кўтариб йиғлагин
Шунда сенга жуда яқин туюлар,
Елкангдаги чеки йўқ ОСМОН.

* * *

Қуриб қолган зим-зим бу булоқ,
Саратондек фаслар кечган...
Қалба унган майсалар қониб,
Илик меҳрим сувларин ичган.

Баҳорнинг бир кўни

Дарахтлар қанотларини
ёза бошлар
Парвозга шайланар гўё
кўни аср этгудек.
Осмон ўйса-да қовоғин,
Шиддат бордир руҳиятида.
Жала қуя бошлар.
Қуёш чиқади-ю, сўнг...
Кўкнинг белига белбоқ қилиб,
Камалакни боғлайди.
Дарахтлар қанотларини
ёза бошлар
Шиддат бордир кайфиятда.

Она фарёди

Афғонистонда ҳалок бўлган дўстим
Норбой Эшонқулов хотирасига

Юрагим сел бўлиб оқди — соғинчдан
Кўзларим михланди кетган йўлингга.
Мен, ахир, муштипар онангман, ўғлим,
Маҳкам босгим келар ёнган бағримга!
Нечун, қон қақшатиб кетдинг, болажон,
Сени қайдан топай энди, болажон!

Танграмга уззу-қун ёлвориб, йиғлаб
Тилаб олган ёлғиз ўғлим эдинг-а!
Кузатиш чоғида:

— Ийгламанг она,
Соғ-омон қайтаман, кутинг, — дединг-а!
Мени нега алдаб кетдинг, болажон,
Сени қайдан топай энди, болажон!

Сени соғ обкетди, аммо ўрнингга
Бир совуқ тобутни кўрдилар раво.
Мен йиғлаб бошимни тобутга урдим
Лекин у манзардан чиқмади садо!
Наҳот, тобут бўлди тенгинг, болажон,
Сен қайдан топай энди, болажон!

Хат эдинг юртингни соғиниб сўраб:
— Олтинсойда ўрик гуллагандир-а?
Лолаларнинг алвон сўзаналари,
Мўминкул'ни роса яшнатгандир-а?
Юртни соғинтириб кетдинг, болажон,
Сени қайдан топай энди, болажон!

Ва яна ёзибсан: «Онажон, бугун
Ватан учун жангга кирамиз», — дея.
О, хом сут эмган содда — тўпори ўғлим,
Ватан не қилади бегона юрда!
Сохта «Ватан» учун шаҳид бўлдинг,
болажон,
Сени қайдан топай энди, болажон!

Битта қотган нону, тўрт энлик хатинг
Сендан қолгани шу — Хотира бўлиб.
Майли, мажруҳ бўлиб соғ қайтганимда
Кўнглимнинг пештоқи турарди тўлиб!
Бағримни тилкалаб кетдинг, болажон,
Сени қайдан топай энди, болажон!

1. Мўминкул — қишлоқнинг номи.

Сени деб...

Шеърят, сени деб келдим дунёга
Сени деб тун билан кираман жангга.
Мабодо бу жангда тун голиб чиқса,
Мендай шоир керак эмас элимга

... Бугун яна жангга шайланган жангчи —
Сингари тайёрман: ёнмоқда танам.
Шеърят, сени деб кираман жангга,
Тиг — найза ўрнида қўлимда қалам.

Тун менга ташланди... Лекин оппоқ тонг,
Уни бўға бошлар — чекинди изга.
Улжага олинган нарсалар эса,
Секин қўнаверди оппоқ қорозга.

— Мен яхши биламан. Аламзада тун,
Қадамим пойлайди, чиқармайин сас.
Жангсиз ўтаётган ҳар бир кун учун,
Тун мендан албатта олади қасос!..

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ПИНҶОНА СУХБАТЛАР

К

обилжон Зуфаров билан Раҳматжон Алиев бундан уч йил муқаддам Тошкентдаги ресторанлардан бирида танишгандилар. Ешларида салкам йигирма йил фарқ бор эдию, ҳаётга қарашлари бир хил бўлиб чиққани сабабли ҳамфикр дўстларга айланиб қолдилар... Дунё лаззатларидан бебахра қолмаслиқ, қанақа йўл билан бўлса ҳам мансаб шухратга эришиш — уларни яқинлаштирган дунёқараш шундай эди.

Қобилжон — савдо ходимининг ўғли, камчилик кўрмасдан ўсган йигит. У автомобил йўллари институтини бир амаллаб битириб олди-да, икки йилгача «Сервис» устaxonасида ишлаб юрди. Кейин, дадасининг маслаҳати билан, хўжалик ташкилотларидан бирига гараж мудири бўлиб ўтди, ўша ерда партия сафига кирди. Раҳматжон Алиев билан ресторанда танишиб, ҳар қандай шароитда бир-бирларини қўлаб-қувватлаб юриш тўғрисида қўл олишиб, «битим» тузганларида Қобилжон гараж мудири эди.

Қобилжон дадасининг номига олинган «Жигули» машинасини минарди. Вақт ўтган сари унда машинани янгиллаш, тўғрироғи, ўзининг номига машина сотиб олиш фикри тўғилди. Бултур қўлма қўлга сайру саёҳат қилиб келганида Раҳматжонга маслаҳат солди. Раҳматжон у пайтларда бошқа райондаги совхозда ишлари, шийпонинг атрофи ҳовиргисидан ҳам гўзал эди. Икки ошна ўшанда шийпон айвонидаги столнинг икки тарафида ўтириб олиб суҳбатлашар эканлар:

— Бунинг йўли осон, ука, — деди Алиев энгил машина ҳақидаги гапни давом эттириб. — Чўлга келиб бизда ишлайсиз — чўлқувар сифатида машина оласиз...

Қобилжон бу гапдан хурсанд бўлдию, иккиланиб қолди.

— Чўлда нима иш қиламан, Раҳматжон ака? Менбон иш топиладими сизда?

— Сизбон иш ҳам топилиб қолар... Агар... жуда бўлмаса бошқача йўлини кидирамиз-да.

— Яна қанақа йўли бор, Раҳматжон ака?

— Бошқача йўли... сизни ишчи ёки механизатор деб рўйхатдан ўтказиб қўямиз-да... Шундай қилсак бўладими?

— Кейин нима бўлади?

Раҳматжон Алиев ўз одатича бир кулиб жавоб берди:

— Кейин... ишлаб юраверасиз-да...

— Қаерда ишлаб юравераман?

— Қаерда хоҳласангиз ўша ерда, — деб яна кулди Раҳматжон.

— Гапингизга тушунмадим...

Раҳматжон Қобилжоннинг елкасига қўл ташлади-да, йўталгандек яна кулиб қўйди.

— Гаражда ишлаб юраверасиз... Тошкент-да... Ҳар замонда чўлга келиб, бизга ҳам кўриниб турасиз. Фақат, шартим бор: якка ўзингиз келмайсиз — қаламқошлардан бир жуфтини эргаштириб келасиз, — Раҳматжон Қобилжонни бўйнидан ушлаб, кучоқлагандек ўзига тортиб эркалади. — Ҳе, укам-ей, мен соддаманми десам, мендан ҳам соддага ўхшайсиз.

Алиев йигитни қўйиб юбориб, юзига тикилди, қисқагина кулди. Қобилжон ҳам

жилмайибгина бошини кимирлатиб ўтирибди:

— Сиз содда эмассиз, ака. — деди. Раҳматжон эса:

— Сиз ҳам мендан қолишмайсиз, укам, — деб йўталгандек кулди. — Фақат... хали туллак бўлганингиз йўқ-да... Тўғрими? Биз эса, ёшимиз ўтиб, туллак бўлиб қолдик.

— Майли, ака, худо ёш берса, биз ҳам туллак бўлиб юрармиз, — Қобилжон жиддий тус олиб, асосий мақсадга кўчди. — Демак, ҳовирча Тошкентда ишлаб юравераман. Сиз ҳам бўлимнингизга аъзо қилиб, рўйхатга тиркаб қўясиз — бу ерда ҳам «ишлайвераман», шундайми?

— Ҳа-да... Фақат, бизни унутмасангиз бўлган. Ҳалиги айтганимдай, ёнингизда бир жуфт жонон билан ҳар замонда келиб турасиз. Чўлнинг бағри кен... Ҳафсаламиз келса, кўл бўйларига чиқиб кетамиз. Қобилжон йўлайи қолди.

— Ҳа, қўлингиздан келмайди, укам?... Нимани истихоло қилаяпсиз? Юрагингиз дов бермаепти?... Қўрқманг, биз бор.

— Қўлимдан-ку келади-я, — деди Қобилжон, — икки жойда ишлаётганимни билиб қолшса, кейин чатоқ бўлмайди?

— Уша текширадиган одамларнинг ҳам нафси борми ахир?..

— Бу гапингиз ҳам тўғри, ака, — дарҳол Қобилжоннинг юзи ёришди. — Ўпти! Сизга суянаман, сиз — менинг чинакам акамсиз.

— Бир-биримизга суянамиз — бу дунёнинг иши шу ўзи. Мен ҳам бу чўлда шўп-пайиб юрганам йўқ. Сиздан яширмасам бўлади, обкомда ҳам суянчигим бор менинг... Обком котиби Собиров билан ака-укадек бўлиб кетганман.

Қобилжон ҳамфикр Раҳматжонга ҳавас билан тикилиб қолди.

— Ростданми, ака? Обкомдагилар билан ҳам гаплашаверасизми?

— Ҳе, гаплайиш ҳам гапми...

— Қойилман... Ундай бўлса ошигингиз олчи экан, Раҳматжон ака.

— Илоҳим шундай бўлин...

...Алиевнинг мақтаиб гапириши бежиз эмасди... Обком котиби Собиров бир неча йилдан бери пахтаининг янги нави устида иш олиб борарди. Бундан хабар топган Раҳматжон Алиев бултур кўклардаёқ ўзига қарашли бўлимнинг иккита бригадасида ана шу янги нав чигитдан эктирди. Янги нав муаллифи билан Раҳматжон ўзаро маслаҳатлашиб, чигитга Ч—79 деб ном бердилар. Яъни, «Ч» ҳарфи «чўлқувар» маъносини билдиради. «79» рақами эса, чигитнинг дастлаб экила бошлаган йилни аналгларди. Обком котиби ўзи яратаётган янги нав пахтаининг ривожланиши билан қизиқиб, Алиевнинг даласига ёз бўйи бир неча марта таширф буюрди. Раҳматжон ҳам шу пахта баҳонасида обкомга тез-тез бориб турди, керак бўлганда ўғитдан, техникадан ёрдам сўради... Нариги райондаги совхозда бир вақтлар экилган забардаст дархатларни кестириб ташлаётганида ҳам обкомдаги акашонига суянган эди Раҳматжон!

Вақт ўтиб Қобилжон билан Раҳматжоннинг режаларида ўзгариш юз берди: янги машина олинган кўра муҳимроқ гап чиқиб қолди. Обком котибининг таширфи пайтларда Раҳматжон Қобилжонни унга таништириб қўйди, кейинги учрашувларда ҳам йигитнинг таъриф-тавсифини келтириб мақтаб юрди. Кузда йигим-терим бошланган кунларда эса, «Ч—79» навли экилган майдонлардаги ҳосилни «чўлқувар механизатор» Қобилжон Зуфаров териб берди. Йил

яқуни яхши бўлди: Алиевнинг бўлими ўша йилдаёқ ҳар гектардан 32 центнер ҳосил тоштирди. Демак, «Ч—79» навли пахтадан ҳам ана шундай рекорд ҳосил олинди. Албатта, бундай юқори кўрсаткичда Алиевнинг эпчиллиги, яъни обком котибига беихтиёр ён босган пахта пункти мудирининг ҳиссаси борлиги эҳтимолдан узоқ эмасди.

Йигим-терим мавсуми тугаб, куз охирида қолган кунлардан бирида Раҳматжон ҳамтовоғи Қобилжонни обком котиби Собировнинг ҳузурига олиб кирди. Бундай пайтларда тажрибали чўлқуварларнинг дадил, дангал гапириб одатлари бор эди.

— Қобилжонни яхши танийсиз, чиндаки қобил йигит, — деди у обком секретарига. — Сизнинг янги нав пахтаингизга мен қанча хизмат қилган бўлсам, бу йигитники ундан ҳам ошиб тушади. Диссертация ёқлаганингизда, худо хоҳласа, биз ҳам... қараб турмаймиз... гул оборамиз... Энди сиздан битта илтимос, мана шу йигитни ўзингизга шогирд қилиб оласиз — обкомга ишга киргизасиз. Чизган чизгингиздан чикмайди. Оти ҳам Қобил, ўзи ҳам қобил...

Қобилжон одоб сақлаб — ерга қараб ўтирарди. Собиров Алиевга бир муддат тикилиб ўтирди-да, кулимсираб бошини қимирлатганича:

— Бошқа илтимосингиз йўқми, оқсоқол? — деди.

— Йўқ, илтимосимиз шу... Вир тушган ишимиз...

Обком котиби кўзи йўл кўргандек рўпарасига тикилиб ўтирди-да, мийгизда кулиб қўйди. Сўнгра Алиевга қараб деди:

— Қаранг-а, катта одамларнинг илтимоси ҳам катта бўлар экан... Майли, қани, икманиятларни бир қидириб кўрайлик.

Собиров чап тарафига хиёл эгилиб, столи тортмасини очди-да, «Шахсий варақ» билан «Таржимаи ҳол» варагидан Қобилжонга тутқази:

— Эҳтиётдан мана шуларни тўлдириб келинг.

— Қачон келсам бўлади? — деб атайин тортинчоқлик билан сўради Қобилжон.

— Кейинги ҳафтада, мана шунақа куни келинг...

Шундай қилиб, Қобилжон Зуфаров бултур декабр ойининг иккинчи ярмидан эътиборан обкомнинг қишлоқ хўжалик бўлимида инструктор бўлиб ишлай бошлади. У обком котиби Собиров томонидан «илгор механизатор сифатида» ишга тавсия этилганди! Ваҳоланки, уни ўша аввалги совхоз директори ҳам, хўжаликнинг бошқа раҳбарлари ҳам дярли танимасдилар.

Пахтаининг «Ч—79» деб аталган янги нави туфайли обком котиби билан яқин бўлиб олган, ўз ҳамтовоғи Қобилжонни масъул жойга ўтказиб қўйган Раҳматжон Алиев мансаб ва янги-янги шухратлар ҳақида ўйларди. Аслида-ку ҳалол ишлаган, ишда ўзи кўрсатган киши вақти-соати билан, табиий равишда шухратга ҳам, мартабага ҳам эришавериши мумкин. Аммо Раҳматжон бу борада ўзгачароқ, қалтисроқ йўлдан боришни мўлжалларди. Аввало, у пахта ҳосилдорлиги бўйича бирорта бўлим ёки бригаданинг ўзига тенг бўлишини, ўзидан ўзини кетишини истамасди. Унинг қалбига шухратпарастлик касали тобора илдиш отиб борарди. Бир куни Арнасой қўли бўйида Раҳматжон билан Қобилжон ўртасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтди:

— Битта зарур гап бор эди, Қобилжон.

— Хўш, эшитайлик.

— Бу дунёда биров-бировга суяниб яшамаса бўлмайди.

— Албатта... Қани, гапиринг.
— Бизнинг директоримиз бор-ку, Отамуродов... Шу одамни бир бошлаш керак-да. Тилини қисқ қилиб олмасак, бизга халақат бераверади.

— Нима деб халақат беради у, Раҳматжон ака?

— Хабарингиз бор-ку, бу йил Собировнинг навини бешта бригадамга эктириб юбордим. Отамуродов ўша кунлари кўп тиҳирлик қилди-да. Ўш қисмини бошқа бўлимларга олиб берайлик, улар ҳам синаб кўрсин», деб туриб олди. У десам у деб, бу десам бу деб жуда гаранг қилди... Охири Собировнинг ўзини аралаштирдим.

— Нега энди?.. Бошқа бўлимларда ҳам экилаверса бўлмайди?

— Қобилжон, мени анойи деб ўйлаясизми? Узингиз айтинг-чи, Собировдай одамни ким қўлдан чиқариб юборгиси келади? Топган нави бошқа бўлимларга экилса, Собиров бошқаларга ҳам яхши қарайдиган бўлиб қолади... Шунақа нозик томони борда, укам... Хайрият, бахтимга Собировнинг ўзи ҳам менинг тарафимда бўлди. «Сизда экилаверсин, сиз — ишончли одамсиз», деди.

— Айтганингизни қилдирибсиз-ку, яна нега директорни бошлаш керак, дейсиз?

— Дейишимнинг сабаби — унинг тилини қисқ қилиб олиш керак, Бўлмаса бизга халақат бераверади, — Раҳматжон «менга» дейиш ўрнига атайлаб «бизга» деярдик, бу билан ўзининг Қобилжонга яқинлигини таъкидламоқчи бўларди. — Ҳали сиз билан бизнинг мақсадимиз кўп, ука, ўшаларга етишимиз керак. Шунга ҳеч ким халақат бермасин дейман-да.

— Нима деб халақат беради, очикчасига айтинг, Раҳматжон ака? Отамуродовни қанақасига бошлайлик, деяйсиз? Очиғини айтaverинг.

— Очиғини айтсам... Мен бир нарса ўйловдим. Отамуродов ичкиликка сал қизиқади. Шу... ичкилик ичаётганда суратга олдириб қўйсақ, девдим... яхши бўларди-да. Тилини қисқ қилиб оллардик баччагарнинг. Еким лубой вақт бирор жойга чиқиб кўрсатардик... ўша суратни...

— Бу ишни қилиш мумкин, — деди Қобилжон ўйлаиб. — Лекин, унинг қачон, қаерда ичишини билмаймиз-да?

— Бу тарафини ҳам ўйлаб қўйганман, сиз сураткаш топсангиз бўлди.

— Сураткаш топиш қийин эмас, фотостудиядан бирорта эпчилроғини қақртираимиз.

— Мен директорни алдаб-авраб ресторанга олиб бораман. Ўзи анча кўнгли бўш одам. Шундан бошқа аёб тополмайсиз баччагарнинг боласидан... Ўша ресторандан уни ичириб ўтираман. Ичиб турган пайтида қайта-қайта суратга олдириб қўйсақ, лубой пайтда: «Ҳой, аҳмоқ, мана бунга нима дейсан?» деб таъна берсақ бўлаверади. Тўғрими?

— Тўғри... Вақтини, жойини кейинроқ гаплашаримиз.

— Шу ишни битириб берсангиз, яна битта гап бор, уни кейинроқ гаплашаримиз.

— Ҳозир айтaverинг.

— Авваламбор, бу ерга дам олгани келгансиз... Бошингизни қотирмай қўя қолай. У — жуда муҳим гап, бу ерда гапириб бўлмайдиган гап.

— Майли, ўзингиз биласиз.

Уларнинг навбатдаги суҳбатлари бошқа жойда — обком биносидан, Қобилжоннинг хонасида бўлиб ўтди.
— ...Директорингиз қалай, Раҳматжон ака, гиринг-пиринг демеяптими? Суратга туширганимиз алам қилмаяптими унга?

— Алам қилсаям сиртига чиқармайди. Кеча тушлик маҳали бўлимга ўтудим. Сал учирик гап қилди. «Сизнинг башарингизни ҳар кун қўриб юрбимиз. Энди ўша суратдан келтириб беринг, мен ўзимнинг башаримни ҳам қўриб олай», деди. Мен билмасликка олиб: «Бизнинг ҳам изимиздан

тушган одамлар бор экан, Нурмурад ака», дедим.

— Директорингиз нима деди?

— «Бу дунёда мунофиқ одамлар кўп. Раҳматжон ака», деди. Келишиб қўйганимизни билиб қолганми дейман-да?..

— Виллади-да, ахир у ҳам қалла деб бўш қовоқни кўтариб юргани йўқ-ку. Кимсан фан кандидати.

— Аммо анави Гўрўғли дегани бор-ку?

— Ҳа, Гўрўғли-да. Яхши биланам. Ҳў, эрта кўклам қўл бўйида танишувдик. Ўша кун атайин танимасликка олдим уни.

— Э, уни сиз билмайсиз, Қобилжон, жуда ярамас йигит-да.

— Наҳотки?... Мен уни кўнгли очик, тўғри гапли, бировга ёмонлиги йўқ йигит деб биланам... Ўша кун... унинг ўрнида бошқа одам бўлганида ҳам шундай қиларди-да... Менимча, ёмон йигит эмас.

— Сиз билмайсиз, Қобилжон... Ўша кун ресторандан чиқаетганимизда мени жуда ёмон ҳақорат қилди.

— Нима деди? — кулиб сўради Қобилжон.

— Э, айтмайман... Аммо... Ўшани ҳам бир болашимиз керак-да, Қобилжон.

Қобилжон бир муддат бошини қимирлатганича Алиевга кулимсираб тикилиб ўтирди-да:

— Ҳаммани бошлайверсак, охирида ўзимиз нима бўламиз, бошланиб қолмаймизми, Раҳматжон ака? — деди. — Узингиз мана шундай мўтабар жойга келишимга ёрдам бердингиз, бунинг учун раҳмат! Узимизни кўпроқ ўйласак ҳам майли-ю, лекин бировларга ҳадеб ёмонлик соғинаверсак... Албатта, мен сиздан ақл ўрганишим керак, сиз мендан салкам йигирма ёш каттасиз. Ҳаммага тош отаверсак, ўша тошларнинг битта-икитаси бошқа нарсаларга урилиб қайтиб, ўзимизга тегмасмикан?... Балки мен нотўғри гапираетгандирман?..

«Кечагина нима иши буюрсак бажарадиган дастёр йигит эди, — деб ўйларди ўзича Раҳматжон. — Бугун эса, ёнига илтимос билан қирадиган одамга айланди-қолди. Менинг ҳам қучим катта экан-а, шу йигитни обком ходимига айлантириб қўйдим... Бугун ундан ақл ўрганиб ўтирибман. Демак, обком деган идорада ҳам бир ҳикмат бор экан-да... Кейинчалик мени нутиб юбормасмикан?»

— Тўғри айтасиз, — деди Алиев кўнглига келган гапларни сиртига чиқармай, хар қалай, обком ходимининг салобати босдими ёки Қобилжоннинг гаплари таъна бўлиб туюлди, Алиев пастки лабини тишлаганча ерга тикилиб қолди, сўнгра бошини кўтарди-да: — Ақл ёшда эмас, бошда, деган гапни эшитувдим, — деди. — Шу гап рост экан, Қобилжон. Бўлди, етарли. Ақлимни қиритиб қўйдингиз, раҳмат!

У ўзини қаттиқ уялгандек кўрсатмоқ учун бошини сарак-сарак қилиб қулди.

— Мен маслаҳат тариқасида айтдим-да, ака, — деди Қобилжон уни хижолатдан чиқармоқ мақсадига.

— Раҳмат, Қобилжон... Мен ўзим бугун сизга бошқа маслаҳат билан келувдиму гапни бошқа ёққа қалғитиб юбордим.

— Айтинг, ўша маслаҳатни.

— Маслаҳат шуки... Бултур сизга «Жигули» олиб беришни гаплашиб юрардик. Ўша масалани энди ҳал қилсақ бўлмайдимиз?

— Совхоз ҳисобиданми?

— Ҳа-да. Бўлимга ажратилган машинани сизга тўғрилаймиз.

— Тўғри келмайди-да, Раҳматжон ака. Кечагина обкомга ишга ўтсагу бугун совхоздан машина олсақ, гап тегиб қолмайдимиз?

— У тарафидан хавотир олманг, Қобилжон. Илғор механизаторларимиз бор-ку. Масалан, Хайрулла, Шавкат... Виронтасининг номига оламиз-да, машинани довернос билан мийиб юраверасиз.

Қобилжон бир зум ўйлаиб қолди-да, кейин кулимсиради:

— Маблағдан бир оз қаршиб турасиз-да эса?..

— У тарафи ҳам бир гап бўлар, Қобилжон. Ўзим ўйлаб қўйганман. Пулини ўзимиз тўғрилаймиз. Сиздек укамизга битта машина совға қилсақ қилибмиз-да. Сиз розилик берсангиз — бўлди.

— Сиздек акамиз бир гап айтсалар, йўқ деярмикан, — дея қулди Қобилжон. — Қани, энди асосий гапингизни айтинг.

— Қанақа асосий гап? — ўзини хайронликка солди Раҳматжон.

— Ёш болани алдайман деб ўйламанг. Сиз асосий гапни айтганингиз йўқ, ҳали у гап дилингизда турибди.

Алиев юқорига қараб, оғзини кичик пиёладек очиб бир қулди-да:

— Фолчимисиз дейман, Қобилжон? — деди. — Виронинг ичидаги гапни қаёқдан биласиз?

У ўзича ўйлар эди: «Мансаб одамни ўзгартиради, дегани ростга ўхшайди. Бу бола кундан-кунга ақлли бўлиб кетаяпти. Илгари бунчалик эмасди-ёв».

— Фолчи эмасмиз, психологимиз, Раҳматжон ака, — деди Қобилжон. — Менга қаранг, сиз менга «Жигули» совға қилмоқчисиз, тўғрими?

— Ҳа, тўғри... Сиз ҳўп десангиз — бўлди.

— Шу гапни айтиш учун атайлаб обкомга келмайсиз-да, ахир. Айниқса сиздек туллак одам...

— Нега?

— Бу гап учун мени қўлга қақирсангиз ҳам бўлаверади. Дилингизда ўзингизга оид бирор гапингиз борки, менга ян-янгини бир машина миндирмоқчи бўлаясиз.

Алиев яна ҳузур қилиб қулиб олди-да: — Қойилман, ука. Ҳе, баракалло! — деди. — Ҳўш, айтинг ўша гапингизни.

— Гап шуки, ука, битта хат тайёрлаш керак. Менинг номимдан. Юқорига.

Қобилжон энди ўзини атайин гўлликка солди:

— Қанақа хат? Қаерга? — деб сўради.

— Юқорига — Москвага битта хат ёзиш керак. Менинг номимдан. Бултурги ўттиз уч центнер қўлдаги майдондан... бу йил олиндиған ўттиз беш центнер кўрсатилиши керак. Обкомнинг тасдиқ муҳри билан юборилса, яхши бўлар экан. Обкомнинг конвертида юборилиши керак эмни...

— Бу ишни обком котибисиз қилиб бўлмайди, Раҳматжон ака. Уларнинг рухсатисиз ёзиш ҳам мумкин эмас унақа хатни.

— Сиз олдин шу хатни тайёрлаверинг ҳеч кимга билдирмай. Тахт бўлганидан кейин мен ўзим Собировнинг ёнига кириб, тасдиқлатиб, муҳр бостириб чиқаман... Бир тарафи унинг ўзига ҳам яхши-да, ўйлаб топган пахтаси оғизга тушади...

— Кейин нима бўлади? — сўради Қобилжон ўз ҳамтововига синовчан тикилиб.

— Билмасам, нима бўлади? — Раҳматжон ўзини ҳеч нима билмайдиган анойилардек тутиб Қобилжонга қаради. — У ёқдан раҳматнома келса керак-да.

— Нима бўлишини жуда яхши биласиз, — деди Қобилжон қулиб. — Билмасангиз, бунақа гапларни қўзғаб юрмасдингиз... У томондан энг катта отахондан сизга жавоб хати келади. Балки ўша хат матбуотда ҳам эълон қилинади. Бордику матбуотда эълон қилингудай бўлса, йил якунида Раҳматжон Алиевнинг кўкрагига юлдуз тақилиши аниқ бўлиб қолади, шундайми?..

Раҳматжон Алиев йўталгандек қисқаягина қулиб:

— Топдингиз, қойилман сизга, — деди.

— Ҳаммадан ҳам сизга қойил қолиш керак. Узингизни бекорга туллак деб атамас экансиз... Бўпти, акамизсиз, яхшилигингизни ўтказиб қўйсангиз. Биз шу бугундан эътиборан сизнинг топиригингизни бажаришга киришаримиз...

Қобилжон ўрнидан туриб, хайрлашиш учун қўлини чўзди. Алиев столни ярим айлашиб ўтди-да, қадрлони билан кучоқлашиб, ўпишиб хайрлашди. «Хушомадни ҳам роса ўрнига қўяди бу қирриқ», дея кўнглидан ўтказди обком ходими шу тобда.

Кайта қуришнинг олтинчи йилига келиб куйи бундаги маҳаллий ташкилотлар ўз иш фаолиятларини янгича услубда ташкил қилиш заруратини амалда сезабошладилар. «Ҳокимият Советларга!» деган бандандарвоз гаплар билан иш битмас экан. Жамиятдаги туб ўзгаришлар силсиласи микёси жуда кенг ва моҳияти чуқур бўлгани учун ҳам ўтган йиллар ҳаётини англаш даври бўлди, десам хато бўлмас керак. Чунки, маҳаллий ҳокимиятнинг бурчи ва вазифалари шу пайтгача

ташқари шаҳар пахта тозалаш заводи, Тажриба-синоа заводи, Ёғ-пишлоқ заводи, Ёғоча ишлов бериш, қурилиш материаллари тайёрлаш корхоналари каби катта-катта саноат ҳўжаликларига эга. Аҳолисининг 93 фоиз хонадонлари газлаштирилган, икки минг номерли телефон тармоғи, машиий хизмат корхоналарининг барча турлари, йигирмага яқин болалар боғчалари, еттига маданий-оқартув муассасаси ишлаб турибди.

Аммо, бу деганларимиз, шаҳар аҳолиси ҳар жиҳатдан фарован яшайпти, деган гап эмас. Аҳолининг турмуш даражаси паст. Истеъмол маҳсулотларига бўлган та-

қунларгача ҳам мана шундай саволларга жавоб топишимиз амри маҳол эди. Боши берк кўчага кириб қолган иқтисодий таназзулдан чиқиш учун куйи ҳокимиятлар албатта мустақил изланишлари керак бўлади. Нарпай туман партия, совет ташкилотлари ҳамда шаҳар ижроия кўмиталари кенгашиб мустақил ҳаракат қиладиган «Нарпай ассоциация»ни ташкил қилдилар. Ассоциация вакилларидан бир гуруҳи Тошкентда бўлиб ўтган Дунё ишбилармонларнинг кенгашида иштирок ҳам этди. Мазкур анжуманда иштирок қилиш зим-зиё тунда ярқ этган шуъла каби келажакка умид уйғотди биз-

халқимизни бугунги танқис аҳволдан тадбиркорлик билан олиб чиқиш учун қилинаётган ишлардир.

Бугунги кунда шаҳар истиқболлини коммунал хизматни тубдан ўзгартирмай туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозиргача ишлаб турган коммунал хизматчи тармоқлари қарийб бундан 15-20 йиллар аввал қурилганича қолиб келаяпти. Ичимлик суви билан аҳолини таъминлаш катта муаммо ҳисобланади. Саноат иншоотларидан оқиб чиқаётган оқовалар очқ аҳволда ариқ ва зовурлардан шаҳарни кесиб ўтади. Бу айниқса ёзининг иссиқ кунлари катта ташвиш туғдирмоқда. Коммунал хизматчи фалоятини

КЕЛАЖАКНИ ТАДБИРКОРЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

Халқ депутатлари Оқтош шаҳар кенгаши ижроия кўмитаси раиси
Усмон ШАРИПОВ билан мулоқот

юқори идораларда белгиланарди. Куйи ташкилотларнинг эса «юқори» белгиланган иш юритиш усулини ўзлаштиролмади боши гаранг, қозғозбозлик устига қозғозбозлик давом этарди. Буйруқлар устига буйруқлар. Хуллас, шу пайтгача қозғозлар билан курашиб келдик ҳисоб. Маҳаллий ҳокимият бошқаруви шу тарихи икки ўт орасида қолиб кетди. Биринчиси узоқ йилларга белгилаб қўйилган давлат режаларини, юқори ташкилотлардан берилган топшириқ ва фармойишларни бажариш зиммасида бўлса, иккинчи томондан, жамиятдаги қайта қуриш сиёсатининг шу пайтгача аниқ, мукамал йўналишга эга бўлмаганлиги мана шу куйига солиб келди. Шу боис маҳаллий ҳокимият ўз ихтиёридаги барча имкониятлардан фойдаланишга ожизлик қиларди. Маблағ бўлса рухсат йўқ, рухсат бўлса маблағ йўқ. Эндиликда ёлғиз ташаббускорлик, қарорлар, буйруқлар билан турмушнинг қора қозонини қайнатиб бўлмаслиги барчага аён. Қийнабданда халқ қийналди. Мамлакат миқёсидаги иқтисодий танглик барчани баробар ўз исканжасига олди.

Оқтош — Нарпай тумани тасарруфидаги шаҳар. Аҳолиси 31 минг кишига яқин. Шаҳар саноатни ривожлантиришга қулай. Оқтош ҳудуди 692 гектарни ташкил этади. Яқин келажақда аҳоли нуфусининг ўсиши, саноат корхоналари кўламидининг кенгайиб бориши натижасида бу ҳудуд яна қарийб 20 гектарга кенгайтирилиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтда мамлакатдаги олтинта ун ишлаб чиқариш корхонасидан биттаси Оқтош шаҳрида ишлаб турибди. Бундан

лаб тўла қондирилмаяпти. Моддий манфаатдорлик кам. Меҳнат қишилари ҳўжаликларидан оладиган маҳсулотларгагина боғланиб қолганлар. Шу боис аҳолига келгусида томорқа ҳўжаликларини ривожлантириш учун ҳовли жойлари ажратилаяпти. Турар-жой қурилиши учун ажратиладиган Давлат маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли шундай қилинмоқда. Умуман олганда мамлакат миқёсидаги иқтисодий таназзулнинг касри бизнинг турмушимизда ҳам акс этган.

Мана шундай долзарб муаммоларни ечиш, тангликдан омилкорлик билан чиқиб олиш ва халқимизни ёруғ қунларга соғ-саломат олиб чиқиш бугун бизнинг зиммасига тушди. Мавжуд масалалар юзасидан Нарпай туман маъмурияти билан ҳамкорликда иш юритилмоқда. Бундан буён келажақимизни ўз қўлимиз, тадбиркорлигимиз, ишбилармонлигимиз билан яратишга тўғри келади. Аҳолининг ҳақли талабларини ҳисобга олган ҳолда ишимизни режали ташкил этишга ҳаракат қилаялмиш. Ҳолва, деган билан оғиз чўчимайди. Буни яхши биламиз. Бор имкониятларни ишга солиш, халқ ҳўнармандчилигини саноат йўлига кўчириш, кичик корхонлар ташкил қилиш, оз бўлса-да мавжуд ишсиз аҳолини фойдали меҳнатга тортиш тадбирлари бошимизда бор.

Хўш, шаҳар аҳолисининг тақдирини бундан буён қандай кечадди? Шаҳар ҳўжалигини юритиш учун моддий асос борми? Умуман истиқболда бизни нималар кутаяпти? Бундай ҳақли саволлар турғилиши табиий.

Тўғрисиини айтиш керак. Яқин

да. Бир қадар хўшёр тортдик.

Имкониятларимизни бундай чамалаб кўрсак, нафақат ички, балки ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам йўлга қўйсақ бўлар экан. Ҳозирнинг ўзида Тажриба-синоа заводида ишлаб чиқарилаётган кўчама уйларга бўлган талабларнинг ошиб бораётганлиги бизни қувонтираяпти. Айни пайтда мазкур завод маҳсулотларини қўшни Афғонистон жумҳурияти кўп миқдорда сотиб олабшлади. Бундан ташқари Исроил давлатидан вакиллар келиб мана шундай кўчама уйларни сотиб олиш учун музокаралар олиб боришмоқда. Хитой халқ республикаси корхоналари фаолияти билан танишиш, маҳсулот айрибашлаш мақсадида вакилларимиз у ерда ҳам мақсул қайтдилар. Чет эл валютасига қурилиш материаллари сотиш имкониятлари ҳам пайдо бўлаяпти. Бу эса, яқин келажақда шаҳримиз қаддини тиклаш, саноат корхоналари фаолиятини фаол йўлга қўйиш учун омил бўлади деган гап. Жумҳуриятимизнинг ривожланган корхоналари билан мустақил ҳамкорлик қилиш ҳам яхши самара беради, албатта. Фарғона ва Марғилон шаҳарларида атлас ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари шаҳримизга таклиф қилиниб, Оқтош атласини ишлаб чиқариш учун кичик корхона очиш тадбири белгиланди. Ҳозир ташкилий ишлар олиб борилаяпти. Эндиликда аҳоли ўзи етиштирган пилладан қимматли ва бебаҳо атлас тахламларини ишлаб чиқаради.

Зирабулоқ пахта тозалаш заводи қошида ип йигирув кичик корхонаси ташкил этиладиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси келажақ учун,

яхшилаш учун эса чиқинди сувлар тармоқларини янгиллаш, қайта қуриш, уларни шаҳардан узоқроқка ёпиқ усулда олиб чиқариш керак. Келгуси йилдан бошлаб марказлашган коммунал хизматчи тармоғининг янги йўналишлари ётқизила бошлайди. Ёғ-пишлоқ заводининг янги қурилишини шаҳар ташқарисига олиб чиқиш масаласи ҳал этилди. Бу шаҳар табиатини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган тадбирлардан биридир.

Маълумки, Оқтош шаҳри тобора Қоратоғ ён бағирларига сингиб бораляпти. Шаҳар аҳолисининг дам олиши, болаларнинг ёз ойларида мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун замон талаби даражасида бўлган қашшофлар лагери қурилишлари ниҳоятда зарур. Бу ишларнинг ҳаммаси пул — миллион-миллион сўмлаб маблағларни талаб қилади.

«Нарпай ассоциация» мана шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олган. Шаҳарнинг энг йирик иншооти — Тажриба-синоа заводи фаолиятини катта умид боғлаб турибмиз. Шу кунларда бу ерда ёзуаюя чиқиндиларидан зичланган тахта ишлаб чиқариш тармоғини ташкил этиш ишлари устида бош қотирилмоқда. Бу тармоқнинг иш ускуналари чет мамлакатдан олиб келиб қурилади.

Аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талабини қондириш учун айни пайтда қуввати 6 миллион донга гишт етказиб беришга мўлжалланган заводни яна кенгайтириб, истеъмолчиларга йилига йигирма миллион донга гишт етказиб бериш тадбири ишлаб чиқилди. Шунингдек Қоратоғ қўйнида ҳозиргача бизга маълум бўлмаган

Сухандонлик ҳам санъат



Сухандонлик кундалик турмушимизга нихоятда сингиб кетди. Мана, бугунги кунга келиб, улар биргина сухандонлик билан чекланиб қолмай, актёрлик, мухбирлик, шарҳловчилик қобилиятларини ҳам намоён этиб, баъзи бир муайян мавзуларда мустақил кўрсатувлар уюштирмоқдалар. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, давр талабларининг кучайиб бориши натижасида илгари шунчаки ишлаб юрган сухандонларнинг кўпчилиги касбларини ўзгартиришяпти. Зеро, яхши сухандон журналист ва сибёсати билан бемалол рақобатга кириша оладиган даражада фикрлайдиган бўлиши керак. Шундагина у халқ ўртасида обрў-эътибор қозониши мумкин. Кейинги пайтларда Қодир Тожиёвга Ўзбекистон ССЖ халқ артисти, Фарҳод Бобоҷоновга жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист унвонлари берилиши, Раҳматилла Мирзаевнинг Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланиши юқоридаги фикрларимизнинг далилидир.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти нишондори, Ўзбекистон ойнаи жаҳони сухандон Муслимбек ИҮЛДОШЕВ билан бўлган суҳбатимиз ҳам шу хусусда бўлди.

— Кўпчиликни бир савол қизиқтириб келади: сухандонлик санъати ми ёки... Сухандонликни журналистлик ва нуктадонликни ўзида мужассамлантирган умумлашма десак, янглишмаган бўлаемиз. Энди унинг касб ёки санъат эканлигига келсак, нафақат сухандонлик, ҳар бир касб санъат даражасига кўтарилиши мумкин. Фақат у кишидан фидойилик ва тинимсиз ишланиши талаб этади. Донишмандларимиз айтганларидек, бир фоиз иқтидор утқсон тўққиз фоиз меҳнат лозим. Аввало киши дилида касбга меҳр бўлиши керак.

Энди сухандонлик ҳақидаги фикримизни бевосита у билан

боғлиқ бўлган Ўзбекистон ойнаи жаҳони фаолиятига қўшиб давом эттирсак. Чунки юқорида касбга меҳр бўлиши керак, деб таъкидладик. Шундай экан, баъзан нима учундир бизнинг айрим кўрсатувларимиз Марказий ойнаи жаҳоннинг кўрсатувларидан кескин фарқ қилади? Масалан, туркум кўрсатувларда мунтазамлик йўқ. Нима, бунга бизнинг имкониятларимиз етарли эмасми, деган саволлар кўп берилди.

Авваламбор бизнинг имконият, шароит ва иқтисодийимиз орасида катта фарқ бор. Телевидениенинг катта-кичик ходимларига яратилган шароит ҳам турлича. Умуман, жумҳуриятимиз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эришмас экан, ойнаи жаҳонда сезиларли ўзгаришлар бўлиши гумон. Кўрсатувларимизнинг ранг-баранглигига ҳисса қўшиш учун ҳеч бўлмаганда Шарқ мамлакатларида Ўзбекистон телевидениесининг ўз махсус мухбирлари бўлиши керак. Масалан, «ТСН» учун дунёнинг ҳар бир бурчагидан Марказий телевидение мухбирлари хабарлар жўнатиб туришади. Ёки «Время» кўрсатувини олинг. Унинг таҳририятида беш юздан ортиқ ходим бор. Бизда эса шунча одам бутун бошли телестудияда ишлайди. Ходимларнинг кўп бўлгани бошқа кўрсатувларнинг ҳам ранг-баранг бўлишига ёрдам беради. Масалан, Марказий телевидениенинг «Ҳамдўстлик», «Халқаро панорама» каби кўрсатувларида ҳам «Время» мухбирларининг хабар ва маълумотларини фойдаланишади.

— Телевидение дастуридан ўрин олган кўрсатувлар тартибининг тез-тез ўзгартириб турилишига сабаб нима?

— Бизда том маъноси билан истиқболли режалаштириш йўқ. Кейинги ҳафтага мўлжалланган кўрсатувларнинг тақдири қандай кечади, буни ҳеч ким билмаслиги

мумкин. Мавжуд жорий режалаштиришни эса ўзгартирса бўлади. Чунки жорий режалаштириш икки ҳафта илгари тузилади, унга ҳали тайёр бўлмаган кўрсатувлар ҳам киритилади. Баъзан ана шу тайёр бўлмаган, аммо режалаштирилган кўрсатув маълум сабабларга кўра тайёрланмай қолиши ва шу туфайли уни дастурдан чиқариб ташлаш ҳоллари ҳам учрайди. Бундан ташқари, жумҳурият аҳамиятига эга бўлган бирон-бир тадбир ёки ҳодиса шу кунга тўғри келиб қолиши мумкин. Бу ерда, албатта, уларнинг ёритилиши дастурдаги концерт ёки кинофилмдан муҳимроқ эканини эътироф қилишимиз керак. Булар дастур ўзгартрилишининг баъзи бир сабаблари, ҳолос. Асосий эса юқорида таъкидлаганимдек, истиқболли режалаштиришнинг йўқлигидадир. Москва орқали берилаётган кўрсатувларга эса деярли ўзгариш киритилмайди.

— Кўрсатувларнинг ойнаи жаҳонга ёзиб олинмаган ҳолда тўғридан-тўғри берилишига қандай қарайсиз?

— Бизга қолса, барча кўрсатувларнинг тўғридан-тўғри экранга берилгани маъқул. Бунда кўрсатув иштирокчиларининг ҳолатлари, кайфият, масъулият, фикр ифодасидаги жонлилик ва нутқ оҳангидаги жозиба сақланиб қолсади. Аммо ташкилий ва техникавий нуқтаи назардан оммавий, кўпчилик иштирок этадиган кўрсатувларнинг аввалдан ёзиб олингани маъқул. Лекин иштирокчиларнинг сони 5-6 кишидан ошмайдиган, кўп техник ва ташкилий жараёнларни ўз ичига олмайдиган кўрсатувларни тўғридан-тўғри эфирга берса бўлади. Кейинги пайтларда бу йўлда анча силжишлар бўлаяпти. Чунки, ўтган йилнинг октябр ойидан бошлаб «Ахборот» кўрсатуви тўғридан-тўғри «ойнаи жаҳон» юзини кўрмоқда. Хабарлар айнан

шу соатта тааллуқли. Зийрак томошабинларимиз буни албатта пайқашган бўлсалар керак.

— Диктор атамасининг ўзбекча номланиши ҳақида ҳам фикрингизни баён этсангиз. Маъбуотда турлича сўзлар қўлланиляпти, ҳар хил мулоҳазалар билдириляпти, шуларга муносабатингиз.

— Авваламбор, диктор атамасининг тайёр матни ўқиб етказувчи маъносини билдиради. Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда ушбу атаманинг ўзбекча номланиши ҳақида кўп гаплар бўлаяпти. Сухандон, нотик, ҳатто «Бобурнома»да қўлланилган «натқ» сўзини олиш тавсия қилинапти, ҳабарнигор сўз бирикмаси ҳам қўлланилди. Сухандон ва хабарнигор сўзлари форсча, нотик ва натққ сўзлари эса арабча. Уларнинг қай бирини қўллашни тилшунос олимларимиз тавсия этишар. Агар сухандон сўзини қабул қилса (баъзи рўномаларда шу кўриниши қўлланилди ва у кўпчиликка манзур бўлди), уни мазмунан ҳам ўзгартiriш керак. Бугунги кунга келиб, телевидение дикторларига мутахассислар, томошабинлар томонидан ҳам талаблар ўзгарапти. Уларнинг фаолият доираларини кенгайтириш назарда тутиляпти. Шу ўринда сўзнинг луғавий маъносидан келиб чиқиб, бу касб эгалари исталган мавзуда, ҳар қандай шароитда, турли жанрларда ўз фикрларини эркин ифода эта оладиган, нутқлари равон, бадиий ифоданинг барча усулларини мукаммал эгаллаган ҳолларидагина ана шу сухандон номини оқлашлари мумкин, деган фикрдаман. Ўзим ҳам шунга интиладман.

— Сизга сухандонлик ишида ва назмиётда катта муваффақиятлар тилаймиз.

— Раҳмат.

Сухбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ.

катта миқдордаги сифатли гранит қатлами захираси мавжудлиги аниқланди. Маҳаллий ҳокимият ўз тасарруфидига бойликларга эга бўлиши билан сўзсиз истиқболга йўл очилади. Бундан ташқари йилга 30 миллион шартли банка консерваланган мева ва сабзовотларини қайта ишлайдиган заводнинг ишга туширилиши катта мақсадлар

сари қўйилган илк қадам бўлди. Эндилдикда Октош шаҳар ва Нарпай тумани имкониятида каттагина иқтисодий захирага эга бўлиш шароити бор, десак бўлади. Юқорида белгиланган sanoat қуриlishларининг айримлари бугунги кунда ишлаб чиқариш йўлига ўтган бўлса, айримлари яқин йилларда амалга оширилади. Шаҳарда са-

ноат қурилиши корхонасининг ташкил этилиши ҳам қувончли воқеа бўлди. Эндилдикда шаҳар меҳнаткашлари ўз қўллари билан гилам, кўрпа-тўшак, атлас ва бошқа хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар. Бу сингари кичик маҳаллий sanoat корхоналарининг ташкил этилиши бир томондан фойдали меҳнат манбаи

бўлса, иккинчи томондан халқнинг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Хуллас, келажакка умид билан интиляемиз. Келажакки эса шубҳасиз ўз қўлимиз, ақл-идрокимиз билан яратишга тўғри келади.

Сухбатни
Ўқтам МИРЗАЕР уюштирди

Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Кўкгулбаз кишлоғининг мўйса-фидларидан бири Туроб ота ҳовлиси ёнидан ўтган ариқ ёқасида говлаб ётган дарахтларни, ўзининг тили билан айтганда, ҳосиятсиз дарахтларни кесиб ташлаётганида бунинг сабабини сўраган кўшиқчиларига:

— Кичик ўғлимдан ҳам неваря кўрдим. Яхши ният билан бу ерга терак эмакқиман, — деб жавоб берганди.

Яқинда ўша теракларни кесиб иморатга ишлатишгаётганларини кўриб отахоннинг гапида терак маъно борлигини англадим. Қаранг-а! Ота-боболаримиз қанчалик тадбиркор бўлишган. Ҳақиқатдан ҳам мизратеракнинг ўр-

нинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари бундай қайишқоқ, ёғочлар ҳунарманчилик ишларида ҳам қўл келган. Терак ёғочидан қошиқ, товок, курак, чўмич каби идишлар, бешиклар ясалганлигини оталаримиз, ўзимиз ҳам яхши эслаймиз. Мана танқислик ҳам бошга тушар экан. Битта темир қошиқ фалон пул. Гулланган, шаклдор ёғоч қошиқлар ҳозир бўлганида зиён қилмасди. Вақтлар ўтиши билан бизда бу соҳа инқирозга учраган. Эндиликда уни қанчалик қийин бўлса ҳам тиклашимиз зарур.

Ана шундай ҳосиятли бўлганлиги учун ота-боболаримиз нечача асрлар давомида мевали дарахтлар билан бир қаторда терак ҳам экиб келганлар. Мен Бахмал туманидаги Мўғол кишлоғида бўлганимда шу ерлик кишилар-

дарахт кўчатларига солиқ солинган 50-йилларни ачиниш билан эслайди отахон.

— Биласими, йўқми, ўғлим, — дейди суҳбатини давом эттириб Соат ака. — Зверев деган молия вазири фармон берган бунга. Мевали дарахтларни, теракларни йўғлаб-йўғлаб қовлаб ташладик. Жуда катта солиқ солинарди-да. Кўп одамлар ўзларининг дарахтларидан тонган вақтлар эди. Боғларга ўт қўйилди, ер билан яқсон этилди. Уша пайтларда қосанинг тагида нимқоса борлигига фаҳмимиз етмапти. Бу биз емаган нарсани сен ҳам ема, дегани экан. Бездарар боғ яшнаб турсаю теракзорлар шовуллаб турса, камбағалнинг кунига арайдиган ҳар бир дарахт учун солиқ солина-а?! Қандай замонлар бўлган ўзи?! Вугунги кунда бозор иқтисодиёти, тақчиллик-

хонинини ёпитишни хоҳламайдиларми? Юқорида номларини айтиб ўтган чинорга қушлар кўнмайди эмас, кўнади. Фақат қаргалар. Қиши билан майдонларни ахлатга тўлдирадиган, мўр-малахдай ёпирилиб келадиган, турган-битгани зиён қарганингни кўпайиб кетаётганига сабаб ҳам шу бўлса керак.

Тўғрилиқ яхши-да. Ҳатто буюқ шоиримиз Алишер Навоий ҳам «Утқа солғил сарвини ул қадди мавзун бўлмас...» деб лутф этадилар. Бу сатрни такрорлаганда кўз олдимдан терак ўтади. Бу дарахтлар яқин йиллар ичида эл ардоғини қозонса ажаб эмас. Самарқанд вилоятининг, Жомбуй туманидаги «Октябрь» жамоа хўжалигидаги сўлим кишлоқларни, хиёбонларни айлансангиз, йўл ёқаларида саф тортган, чойхона олдида салкинлик бахшида этиб

ХОСИЯТЛИ ТЕРАКЗОРЛАР ҚАНИ?

нини қайси бир дарахт боса олади? Тол ўтиндан бошқа нарсага ярамайди. Шумтол, акация, қайрағоч, чинорлар ҳам иморат-боп эмас. Терак билан ёпилган уйга ҳашоратлар кирмайди, деган гап ҳам бор.

Ногаҳон самарқандлик журналист дўстим Ҳожиқурбон Ҳамидов билан бўлган бир суҳбат эсимга тушди. 70-йиллар эди. Ушанда вилоят туманларининг биридаги хиёбонда бир зум тин оладиган бўлиб қолдик.

— Қаранг, — деб гап бошлаб қолди ўшанда раҳматли Ҳожиқурбон ака, — бу ерда бундай дилингни равшан қиладиган дарахтларни учратолмайсан. Ҳаммаси шимолдан келтирилган дарахтлар-ку. Мана буниси — дуб, буниси — игнабарг, қарағай, заранг, акация, каштанлар... Терак қани? Сув йўқ, дейсизми, ана шарқираб оқиб ётибди. Ахир буларнинг бирортасини иморатга ишлатиб бўлмайди-ку! Мевали дарахт бўлса бунинг ўрни бошқа...

Хотирамга миҳлианиб қолган бу суҳбат бугун яна қалқиб ҳаялға чўмдирмоқда. Сарвақд, қурилиш ишларида гоё зарур бўлган чидамли тераклар нимага камайиб кетган, деб ўз-ўзимга савол берман. Одамларимизда ҳам отнинг калласидай ҳафсала бор-да! Бўлмаса ота-боболарининг касбини қилиб имкониятига қараб терак эканларига ҳозирги кунда офтобда танглайи қотиб қурилиш материаллари излаб эшик санаман бўлардилар.

Мутахассисларнинг қафолат беришларича, теракларнинг 115 дан ортққ тури бўлиб, улар яхши ўса бўйи 50—60 метргача етаркан, 7—8 йилдан сўнг кесиб бемалол иморат қурилишида фойдаланилса бўларкан. Жумҳуриятимиз худудларида Терак, Теракзор, Теракли, Теракқисой, Терактаги сингари ўнлаб кишлоқлар-

дан қизиқ бир гап эшитгандим. Илгари мўғолликлар тоғ ёнбағирларида терак экиб, ёғоч этиштириб сотганлар. Махсус теракзорли ўрмонлар ҳам бўлган. Энди бўлса қачон Сибирдан қарағайми, пихтами келади, деб йўлга кўз тикиб ўтирибмиз. Оворагарчилигини айтмайсизми? Қошки тушови ҳам арзон тушса. Омбордан олиб келишнинг ўзи ҳар бир кубометр ёғочга 600—700 сўм. Ҳа, шунга ўзимиз этиштирсак бўлмасмикан? Ўзингда туз бўлатуриб қўшнингникига югуриш шарт эканми?

— Ўсма тегининг кенгликларига тикиламан. Вижор билан савлат ўткиб турган юксак қояларнинг остонасида кишлоқлар кўзга ташланади. Хонадонлар ёнида қатор-қатор тераклар. Ажойиб санъаткор Урол Тансиқбоев «Менинг қўшигим» деган сувратини шу ерда яратган деган гапни эшитганман. Унинг асарларида ҳам кўкка бош уриб турган тераклар бўртиб туради.

Тераклар — тоғ кишлоқларининг кўрки. Бу ерларда терак экилган хонадонни хонадон санашмайди. Уй-жойига пойдевор қўяётган киши ариқ ёқасига қатор қилиб қаламчалар экиб қўйганини кўп кўрганман.

Ғаллаорол туманидаги Ғубдинсой кишлоғида Соат ака Ирбосоев яшайди. Ун нафар фарзанднинг отаси, меҳнат фахрийси Соат ака сойликлар орасидан 10 гектарча ерни ўзлаштириб, мевали дарахтларни кўпайтирди, шу билан бирга теракзорлар барпо қилди. У киши билан суҳбатлашиб, анча вақтдан буён ўйланганимни юрган саволларга ечим топгандай бўлдим. Отахоннинг айтишига қараганда, бу ерларда илгарилари ҳам боғлар бўлган. Лекин Улуг Ватан уруши йилларида ўтин тақчил бўлгани сабабли кесиб ёқишган экан. Бу ҳам майлику-я, мевали ва манзарали

қимматчилик даврида орага катта бўшлиқ солган ноқобил раҳбарларни нима дейиш мумкин? Не-не қалин ўрмонлар кесилиб кетди, чақалаклар йўқолди, ҳайвонот олами, қушлар дунёси чекинди. Буни қаранг, орадан кўп ўтмай ҳамма ёқни чинор, акацияга ўхшаган ҳосиятсиз дарахтлар босиб кетди. Бунга ҳеч қим ҳеч нарса демайди. Аксинча 70-йилларнинг охирида чинор экин шунчалик расм бўлдики, асти қўйверасиз. Мингчिनор деган жойлар пайдо бўлди. Арнасой тумани марказига борганмисиз ҳамма ёқда бир хил манзара — чинорлар! Катта йўл ёқаларида ҳам чинорлар! Шохига қуш уя қўймайдиган, ўзидан заҳарли моддалар тарқатадиган бу дарахтлар турини мунча кўпайтирмасак? Ҳар бир дарахтнинг ўз ўрни бор. Чинорнинг кўчати фалон сўмга сотиб олинади. Олди қаламчадан этиштирса бўладиган керакли теракни экишга эса панжа орасидан қараб келамиз. Мана шунинг учун ҳам қурилиш материаллари, деса озимизни очиб Сибир йўлига тикиб ўтирамиз.

Мен юқоридаги сўзларни ёзиш оркали чинор дарахтини ерга урмоқчи эмасман. Лекин куз фаслида фаррошлар эрта тонгдан то кечгача чинорнинг ҳазонрез баргини супурадилар. Баргини экиб атроф-муҳитга ис газини тарқатадилар. Табибларнинг гапларига қараганда, қўланса хид минг хил дардини кўзгар эмиш. Унинг шохларига қушлар уя қўймаслигининг сабаби бор-да! Шунинг учун чўлдан баъзи бир қушлар тур сифатида йўқоляпти. Табиатда меъёр масаласини унутмаслигимиз керак. Манзарали деб қишда ҳам «ўғни»н ечмайдиган, ҳар тули фалон сўм арчаларнинг шохига қуш уя қўйганини қим қўрган? Еки чўлқуварлар булбуллар

турган, хонадонларнинг кўрки бўлган мизратеракларни завқ билан томоҳа қилсангиз, кўнглин-гиз равшан тортади.

— Раҳматли раисимиз Нормат ота Ҳоснутурдиев терак экинни хўп уқтирарди, — дейди биз билан суҳбатда 72 ёшли отахон Шермат Қўзиёв. — Энди билсак, теракда гап кўп экан. Терак экан одам савобга қолади. Ахир бостирма, товуқхона каби ёрдамчи биноларнинг томини ёпиш учун, ҳатто камтарона уя қуриш учун бемалол ярайди-да. Томорқамиздаги тераклардан ана шу мақсадларда фойдалансак бўлади.

Ушбу хўжаликда махсус терак этиштириб берадиган бригада ташкил этилганлиги ҳам кишини мамнун қилади. Ҳозирча 9—10 гектар ерга юз минглаб терак кўчатлари ўтказилибди. Бу эса ўз навбатида келажакда хўжаликни арзон ва сифатли терак ёғочи билан таъминлашга ёрдам беради.

Ғаллаорол туманидаги «Гулистон» давлат хўжалиги меҳнатқашлари ҳам Сангзор дарёси ёқасида теракзор барпо қилишган эди. Мана, орадан уч йил ўтди. Ҳозир барк уриб ўсаётган теракларни кўриб дил ярайди. Бугундай экиладиган лалмикор ерларга сув чиқарилиб 8 гектар ер теракзорга айлантирилди. Хўжаликда ўз томорқасининг тенг ярмини теракзорга ажратган хонадонлар жуда кўп.

— Биз баҳор фаслида Россиялик ўртоқлар билан шартнома тузиш учун Москвага бордик, — дейди хўжалик раҳбари Тўйчи ака Худоёров. — Хўжалигимиз учун ёғоч зарур. Ёғоч тайёрлайдиган хўжалик раҳбарлари, солда қилиб айтганда вагонига вагон дейишди. Бу дегани бир вагон узумми, помидорми, мевами берсангиз биз ҳам шунча ёғоч берамиз, дейишгани. Бизнинг ҳосил-

ЎРГАТСАК ЗИЁН ҚИЛМАС

Тан олиш керакки, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганидан буён ҳаётимизда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмади, дейиш қийин. Шахримизнинг кўпгина майдон ва кўчаларида жумҳурият Давлат тилида ёзилган лавҳалар пайдо бўлди. Бироқ бу лавҳаларнинг кўпчилиги икки тилда, яъни рус ва ўзбек тилларида ёзилгани кишини ажаблантиради. Нега шундай? Ахир жумҳуриятимизда яшайётган рус, корей, қозоқ ва бошқа халқларга мансуб биродарларимиз бу ерга қуни кеча қелишгани йўқ-ку! Уларнинг аксарият қисми ўзбек тилини яхши биладилар, сўзлашувда бир оз нотўғри талаффуз қилишдан истиҳоло қилиб турадилар, ҳолос. Биз, туб аҳоли вакиллари эса уларга тилимизни ўргатиш ўрнига гўё қонундан беҳабардай ҳамон улар билан рус тилида сўзлашиб, давлат тилига бўлган қизиқишларини бутунлай сўндирмаёلمизми? Ахир, амалий машғулотсиз тил ўрганиш осон эмаслиги ҳаммага ҳам аён-ку! Ургатмасак, ўрганишларига шароит яратмасак, дўстларимиз қандай қилиб тил ўрганишлари мумкин? Бу ҳолда қонунда кўзда тутилгандек роппа-роса саккиз йилда эмас,

саксон йилда ҳам тил ўргана олма-май юраверадилар-ку! Бир эсанг-а, турғунлик йиллари улар бизга бор кучларини аямай, рус тилини ўргатишганларида хилма-хил усуллари қўллашган эди. Биз ҳатто боғча ёшидан тил ўргандик. «Тақдир» тақозоси билан — кўниқдик, мослашдик.

Биродарларимиз тилимизни тезроқ ўргансин, десак аввало шахримизнинг майдон ва кўчаларидаги, идора ва корхоналаридаги рус тилида ёзилган барча лавҳаларни олиб ташлаб, уларни давлат тилида ёзилганига алмаштириш керак. Қолаверса жумҳуриятимиздаги барча идора, корхона, завод ва фабрикаларда иш юритишни тўла ва расман давлат тилига тезроқ ўтазишимиз керак.

Яна бир гап. Биз ўзимиз ҳам баъзи байналминал сўзларнинг соф ўзбекча муқобилларини топишда қийналиб, оқибатда тушунарсиз лавҳалар яратаяпмиз. Бу билан ўзимизни ҳам, тил ўрганаётганларни ҳам қалғитаяпмиз, ҳолос. Шунинг учун янги сўзларни тилшунос-адабиётшунос олимларнинг розилиги билан қўллашни йўлга қўйишимиз керак. Қардошларимизнинг тил ўрганишлари учун эса, уларга ҳар томонлама кўмак берайлик.

Дилшод НУРУЛЛАЕВ,
ТошДД талабаси

Хурматли «Гулистон» ойнамаси муҳарририяти.

Мен ойнаманинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Бу йил ҳам ўз иқтисодимни ҳисобга олган ҳолда, биринчи ярим йил учун саккиз номдаги рўзномага, етти номдаги ойнамага обуна бўлдим. Ва мунтазам олиб турдим.

1991 йил 29 апрел қуни иккинчи ярим йил учун яна ўша ойнамаю рўзномаларга («Гулистон» ҳам бор) обуна варақасини тўлғазиб, «Чойкўл» алоқа бўлими муdiri Муродкамол Қурбонбоевга мурожаат қилдим. У бу масала билан туман алоқа бўлимига боришимни айтиди. Мен у ерга борганимда туман алоқа бўлими ходимлари:

Муҳарририятдан:

Юқоридagi мазмунли хатлар муҳарририятимизга тез-тез келиб туради. Биринчи обуначиларнинг талаблари инobatга олинаётгани баён этилса, бошқасида муштарийлар обуна бўлган матбуот нашрларини ўз вақтида ололмаётганларини ҳуноб бўлиб ёзишadi. Кўриниб туриптики, амударёлик алоқа хизмати фаоллари ўз вазифаларига озроқ масъулият билан ёндашиб, ўртоқ Холмурод Отамуродовга тўғри йўл-йўриқ кўрсатганларида юқоридagi каби аҳвол юз бермаган бўларди.

«Иккинчи ярим йиллик учун обуна қилиш тўхтатилди», деб обуна варақасини қабул қилишмади.

Ахир мен обуна бўлиш учун иккинчи ярим йилликнинг бошланишидан икки ой аввал бордим-ку! Нима сабабдан алоқа бўлими ходимлари обуна варақасини олмаганларига ҳанузгача ҳайронман. Энди наҳотки кимларнингдир ҳафсаласизлиги сабабли «Гулистон» ойнамасини ўқишдан маҳрум бўлиб қолсам?!

Сизлардан илтимос, иккинчи ярим йиллик учун «Гулистон» ойнамасига обуна бўлишимга ёрдам беришларингизни ўтиниб сўрайман!

Холмурод ОТАМУРОДОВ,
ҚҚАСЖ, Амударё тумани,
«Қипчоқ» жамоа хўжалигида
истиқомат қилувчи пенсионер.

Мана, алоқа хизмати ходимлари ва мутасаддилари фаолиятида яна масъулиятли давр — 1992 йил учун обуна мавсуми бошланиб кетди. Ҳозирги иқтисодий танглик, нархнаволар ошиб турган бир пайтда битта бўлса ҳам обуначиларнинг кўпайгани яхши эмасми!

Уйлаймики, Амударё тумани алоқачилари ҳам, жумҳуриятимизнинг бошқа алоқа тармоқларида обуна ишлари билан шуғулланаётган масъул ходимлар ҳам ҳаммамиз учун мураккаб бўлиб турган вазиятда бу йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга ҳисса қўшадилар.

ни етиштириш жуда қийин, уларники-чи, табиий ҳолда ўсиб ётибди. Тоза алам қилади! Хўжаликка қайтдим, ҳаммага тирак ақнишга вазифа бердим. Шундай қилмасак бўлмайди, халқимиз кўпаймоқда, қурилиш бўлиши керак. Қачонгача сарсон бўлиб юрамиз. Илгарилари ота-боболаримиз ҳеч кимдан ёғоч сотиб олган эмаслар. Фақат биз кейинги пайтда лоқайдлик қилдик. Ҳамма нарсани магазиндан олса бўлади, деб кўп нарсаларни унутиб қўйдик. Ун магазинда, шакар магазинда, ҳатто сут-қатиқ ҳам! Қишлоқ аҳолиси учун бу уят. Ҳамма нарсани ўзимиз етиштирамиз. Халқимиз ишлайди, қараб тургани йўқ.

Деҳқонларнинг айтишларига қараганда, теракнинг хўп яхши хусусиятлари бор. Мирзатеракни бир марта экиб қўйсангиз бўлди, кесиб олсангиз ҳам қайтадан чиқаверади. Томири борган ердан ҳам ям-яшил ниҳоллар унаверади. Бу шундай баракали дарахтда. Шохлар тарвақайлаб кетиб, электр линияларига ҳалақит бермайди сояси ҳам ўзига яраша. Кўчатни қанчалик қалин эксангиз, ниҳоли ҳам тўғри ва сарвқомат ўсаверади.

Ҳа, она заминимизда дарахтларнинг турлари ниҳоятда кўп. Лекин ўзбек халқи теракка ҳосиятли деб алоҳида ихлос билан қарайди. Шундай экан, ҳар бир вилоятнинг хўжаликларига теракзорлар барпо этишга киришиб, теракзор ўрмонлар барпо этишга ихтисослашган хўжаликлар тобора кўпайтири борилса, бу албатта халқимиз дилидаги мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Пардабой ТОЖИБОВ

Жиззак



Қашқадарёлик ҳайкалтарошлар — А. Асанбоев ва С. Салимов Мир Алишер Навоийнинг 550 йиллик тантанаси арафасида Ҳазратнинг муборак сиймосини яратдилар. Ҳайкал Шах-рисабзга ўрнатилди.

Суратқаш Ш. Шарипов (ЎЗАТА)

ГАЗЗОЛИЙ ҲИКОЯТЛАРИ

СЌЗ ОФАТИ ВА ЗАБОН ЗИЕНИ ҲАҚИДА

Билгилки, забон суратда бир пора гўшдир. Аммо ҳақиқатда ҳар нимарсаки бордир, анинг тасарруфидадир, вужудга келмаган нимарса ҳам ани тасарруфидадир. Балки амалнинг вазири ва ноибидурки, ақл ҳар нимарсани ихота қилур, ани забон иборатга келтирур.

Забон ва дил сўз гавҳари модасин пайдо қилур. Дил ҳам забондан фикр ва андиша жаҳоҳирин ҳосил айлар. Масалан, вақтики забон тўтиси нола ва зори калималари бирла тараннум тузса, ойнаи дилга сўз вақт ва ғам-кулфат зангори бирла оташ дил баҳоҳори димоғига суд қилгандан кўз булоғи ашқбор бўлур... Бас, вақтики забон дуруст сўзласа, дил тийро бўлур ва агар ҳақ айтса, дил равшан бўлур. Агар ёлгон айтса, дил кўр бўлур. Бас, ҳар қисм сўздан дилга ҳар нух ҳолат барқарор бўлур.

Билгилки, забон офати бисёрдир ва ўзни андан сақламоқлик душ-

вордир. Бўлғайким одамнинг сўзлари безарар бўлмағай. Пайғамбаримиз айтибдурлар: «Кишиким хо-муш бўлди, наҳот топти». Яна айтибдурларки: «Кишиким қурсоғи ва фаржи ва забони офатидан ўзини сақлабдур, ҳамма офатлардан ўзини сақлагандур». Қайси амал фозилроқдур, деб сўрашганларида, пайғамбаримиз муборак тилларини оғизларидан чиқариб ангуштарларини қўйдилар, яъни хомушлик!..

Пайғамбаримиз айтибдурларким: «Бани одамнинг аксар хатоси тилнинг сабабидандур. Хабар берай сизларга ибодатнинг фозилроқиданким, тилини хомуш тутмоқ ва яхши хўйлик бўлмоқдир». Яна айтибдурларким: «Саодатманд ул кишидурким, сўзининг зиёдасини тутгай ва молининг зиёдасини бергай, яъни ҳамёнини ёзиб, тилини боғлағай!»

Билгилки, одамга ҳеч нимарса забон дарозлигидан зиёнкорроқ эрмас.

СУХАНЧИНЛИК ОФАТИ

Суханчинлик, яъни сўз тошимоқдур. Оллоҳ суҳанчинлик шумлиги ва мазмулигидан неча ерда хабар берибдур. Пайғамбаримиз айтибдурларки, суҳанчин беҳишта кирмас. Яна айтибдурлар, хабар берай сизларга ёмонрогинлар улдуким, орангларда сўз тошгай.

Келтирибдурларки, кимарса ҳамидан савол қилдикки: «Ул нимадурки, осмондан кенгроқдур, ул нимадурки, заминдан оғирроқдур, ул нимадурки ўтдан иссиқроқдур ва ул нимадурки, темирдан қаттиқроқдур, ул нимадурки, етимдан хўрроқдур?» Ҳақим жавоб бердикки: «Ҳақ иш осмондан кенгроқдур, бегуноҳга бўхтон қилмоқ заминдан оғирроқдур, кинадур ва уруғ қуёшга ҳожат этмоқ муздан совуқроқ ва кони кўнгли дарёдин тавангирроқдур. Ҳасад ўтдин қизикроқдур ва кофирларнинг кўнгли темирдин қаттиқроқдур ва суҳанчинсўз тошувчи етимдан хўрроқдур».

Билгилки, суҳанчинлик икки киши орасида сўз тошмоққина эмас, балки кишининг сўзи ва феълини ошкор қилмоққим, ани ошкор қилгандан ул киши ранжур.

Кимарса ҳақимни кўргани келди. Айдиким, фалон киши сизни шикоят қилди. Ҳақим айди: «Зиёратга келиб уч хиёнат қилдингким, биродар кўнглини нохуш қилдинг ва фориғ кўнглимни ташвишно қилдинг, ўзингни менинг наздимда фо-

сиқлик бирла муттаҳам қилдинг».

Ҳасан Басри айтур: «Кишиким санга бировнинг сўзини етирибдур, санинг сўзингни ҳам албатта яна бировга ётқургусидур». Бас, суҳанчиндин ҳазар қилмоқ ва ани душман тутмоққим возижбурким, анинг ҳамма феъли хиёнат ва ҳасад ва нифоқдур. Билгилки, суҳанчинлик улуг офатдур. Анинг сабабиндин хун ноҳақлар бўлур. Келтирибдурларким, кимарса гуломи сотиб олди. Сўрадиким: «Айби борми?». Айди: «Бордур, суҳанчинликдан ўзга айби йўқдур». Муштарий: «Айби саҳл экан», деб қабул қилиб олди. Эрса ул гулом хўжанинг хотинига айдиким: «Хўжанинг санга муҳаббати камдур, яна бир канизаки хўшрўй оллоққи хоҳиш қиладур. Хўжам ухлаганда сақолининг остидан устарада мўйини олиб бергил, мен жоду қилиб сенга ошиқу беқарор қилай», деди.

Хўжага айдиким: «Хотинингиз бир кишига ошиқ бўлубдур. Сизни ўлтиргудек чоғларман. Агар бовур қилмасангиз, ухлаган бўлиб ётинг, нима кўрарсиз».

Эрса хўжа ухлаган бўлиб ётди. Хотини устара олиб келиб хўжанинги соқолини тутди. Хўжа жазм қилдикки, уйқуда ўлдирур экан. Бас, ўрнидан сакраб туриб, хотинини ўлдириди. Хотинининг уруғлари келиб, хўжани ўлдириди. Бас, икки тарафдан жанг бўлиб, неча киши ўлди.

Кимён саодат» китобининг муаллифи Мухаммад ал-Газзолий XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг бошларида яшаб ижод этган файласуф шоирдир. Нишопур ва Бағдодда таълим олган, мударрислик қилган Мухаммад ал-Газзолийга ўз даврининг кўп олиму фозулolari юксак баҳо бериб, уни устоз деб билганлар. Унинг «Кимён саодат» китоби инсоннинг дил тубидаги дёнёт, меҳр-муҳаббат, одамийлик ҳақидаги сатрлар билан бошланади. Китобда таом ейиш одатлари, саховат тўғрисида, хотин ва эрнинг бир-бирига ҳақлари, бахиллик, ҳасадгўйлик, ота-она, дўстлик ҳақида, риёкорлик, гуноҳ, садақа, сабр-тоқат каби юздан ортиқ масалалар бўйича қимматли маълумотлар, сабоқлар берилади. Қуйида ана шу ҳикоятлардан айрим намуналар билан танишасиз.

ФАРЗАНД ПАРВАРИШ ҚИЛМОҚНИНГ БАЕНИ ҲАҚИДА

Билгилки, фарзанд ота-онасининг қўлида омонатдур. Дил гавҳари мисоллик пок ва соф ва мум янглиғ ҳар нақшни қабул қилмоққа сазовор ва лойиқ ва замин солиҳдек ҳар зироат ундирмоққа марғуб ва мувофиқдур. Ҳар нух тухумни анга солса унар ва агар хайрият тухумин топса, дунё ва охират шарофатин топарким, ота ва онаси устоди савобда шерик бўлур...

Фарзанд тарбият ва парвариш қилгандан маъни улдирик, анга илм ва одоб ўргатмоқ ва яхши хўй таълим бермоқ ва ёмонлар суҳбатидан эҳтиёт қилмоққим, ҳамма фасод асли ёмон бирла ҳамсуҳбат бўлмоқдин пайдо бўлур!

Бўлғайким фарзандни тотлиғ таом ва яхши либосда хўй қилдиromoғайким, ҳамма умрини анинг талабиде зое қилур. Балки ибтидоий ҳолдин поклик бирла парвариш қилгай. Чунончи, энгағи соллоҳжўй ва ҳалол хўр бўлғайким, ёмонхўй доядин сироят қилур. Гўшт, пўстким ҳаром сўтдин пайдо бўлур, физку фасоднинг модасидур.

Ул офатики пайдо бўлур таомни тўла емакдирдур. Бас емакни одобларин ўргатгай. Андоқким, ўнг қўли бирла егай ва ибтидоий луқмада «Бисмилло» дегай, валдираб емағай, тўла емағай, ўзгалар луқмаларига кўз солмағай ва бир луқмани ютуб бўлмағунча косага қўл узатмағай ва энгини таомга олуда қилмағай. Гоҳи қуруқ нон бергайким, ҳамиша нонхурушга одат қилмағай ва тўла емакни ани кўнглидан совутгай. Айтгайким, тўла емоқ ҳайвонлар ва нодонлар ишидур.

Уз фарзанди қошида беадаб гў-

дақларни айб қилгай ва одоблик гўдақларни ситошини айтгай. Аб-ришим эгин кийдирмакдин эҳтиёт тамом қилгай. Ёмонлар бирла ҳамсуҳбат бўлмоқдин парҳез қилгай. Ҳар гўдақким ёмон бирла қўшилибдур, шўх ва ёлгончи ва бебоқ бўлурким, салоҳга келмағи душвордур.

Агар гўдак хато қилса, икки-уч навбат кўрмаслик ва билмасликка солгай, токим жавоб қилмоққа далил бўлмоғай. Вақтики ёмон феълга одат қилса, беқбора маломат ва сарзаниш қилгай. Айтгайким, эинҳор бу феълдан ёнгли, одамийликдан чиқарсан ва халқаро расво бўлурсан. Отаси ўзининг фарзандига ҳайбат ва шиква бирла кўрсатгай. Онаси отасидан кўрқитгай. Кундуз ухламоқдан парҳез қилгайким, умол бўлур. Кечалиги юмшоқ нимарса узасида ёлғузмоғайки, бадини қувватлик бўлур. Ҳар куни бир соат ўйнағали қўйгай, токим дилтанг, бадхўй ва тийра дил бўлмағай. Гўдақларга айтайким, бировлардан тилаб олмақ беҳиммат ва гадолар ишидур. Кишидан ҳеч нима таъма қилдурмағай. Таълим бергайки, обдаҳан ва оббинани халқ орасида ташламағай. Агар ўлтирса, кишига орқасини қилиб ўлтирмағай, энгагини таяниб ўлтирмағай. Тўла сўзламағай ва сўрамаган сўзини демағай. Узидан улугни хўрмат бирла тутгай, тилини фахш ва ўйин сўздин асрағай, Хуллас, вақтики ибтидо одоб бирла парвариш қилса, тошга нақш қилгандек бу сўз кўнглида нақш боғланар ва агар беодоб чўнг бўлса, томга тупроқ сочгандек бу сўзлар жойгир бўлмас.

ВАЪДАГА ХИЛОФЛИК

Пайғамбаримиз айтибдурлар: «Уч ишдурким, анигдан бири ҳар кишида бўлса мунофиқдур. Агарчандики номоз ўтаса ва рўза тутса ҳам: ёлгон сўзласа, ваъдасига вафо қилмаса, омонатга хиёнат қилса!» Айтибдурлар, ваъда қарздурким, анга хилоф қилмағайсан, келтирибдурларки Ҳазрат Исмоил Алайҳиссалом бир кишига бир жойда турмоққа ваъда қилдилар. Ул киши

келмади. Эрса уч кун анинг интизорлигиде турдилар.

Билгилки, ҳаргез гуноҳ ва залолат ишга ваъда қилмағай. Агар ҳалол ишга ваъда қилсанг, то зарур бўлмағунча хилоф қилмағайсан. Билгилки, кишига бир нима бериб, ёндуриб оллоққа ваъда хилофлигиде ёмонроқдур. Пайғамбаримиз ул кишини сакка ўшатибдурларким, қий қилгай ва ўзи егай.

ҲАСАД ҲАҚИДА

Пайғамбаримиз айтибдурлар: «Ҳасад яхши амалдорларни андоғ нобуд қилурким, ўт хашакни нобул қилган мисоли». Ва яна айтибдурларки: «Уч ёмон хислатдурким, ҳеч киши андин холи бўлмас: гумон, бадфеъл, бадҳасад. Бунинг иложини сизларга ўргатайким, вақтики гумон бад пайдо бўлса ўз нафсинларни таҳқиқ ва тафтиш қилинлар, вақтики феълбад олсанлар, анга этиמוד қилманлар, вақтики ҳасад пайдо бўлса, тил ва қўлларни сақланлар. Утган пайғамбарлар умматлари ҳалокига сабаб ҳам ҳасад ва адоватдур».

ЕЛҒОНЧИЛИК

Елғон сўзламак ва елғон онт ичмак мунофиқлик жузвидур.

Пайғамбаримиз айтибдурлар, банда бир навбат елғон айтса, худонинг даргоҳида елғончи битулур ва рўзонаси кам бўлур. Яна айтибдурлар, савдогар гуноҳқордур, зероки елғон айтурлар ва елғон онт ичарлар. Вой ул кишининг ҳолигаким, елғон сўзлар. Абдулла Амир Муҳаммад пайғамбарга айдиким: «Ё Расул оллох, мўмин зино қилурми?» Айдиларким: «Эҳтимоли бор». Яна сўрдиким: «Мўмин елғон айтурми?» Айдиларким: «Айтмас!» Ва бу оятни ўқидилар. (Мазмуни): «Елғон сўзини ул тоифа айтурким, имони бўлмагай».

Нашрга тайёрловчи:
Мираҳмад МИРХОЛДОРОВ

АЙРИМ СЎЗЛАР ИЗОҲИ

залолат — адашиш
мазмум — ёмон, нафратли
шўриш — ғавғо
жузви — бир қисми
дурушт — қўпол
сарзаниш — танбех, койиш.
тира — қоронғи, ғам-ғусса
ҳиқд — кек.
махлака — хавф-хатар
саҳл — аризмас

ҚОРА ХҲҲРОЗ ҲОЛИБ КЕЛСА...

Хўроз уриштириш нима? Мусобақами, қизиқишми ёки қимор ўйиними? Уйланиб қолсан киши. Бироқ Франциянинг денгиз ортида жойлашган Гваделупа шаҳри аҳоли ҳар уччаласини ҳам тасдиқлашади. Улар декабр ойида хўроз уриштирадилар. Қуз ойлари эса хўроз эгалари учун жуда серташвиш ўтади: чунки «уришқоқ»ларни парвартишлаш, уларни жангга тайёрлаш осон эмас-да. Ишқибозлар мусобақаларни орзиқиб кутадилар, ахир бу нафақат қизиқар-

ли томошагина, балки агар хўроз рақибини енгса, унинг эгаси анча-мунча даромадли ҳам бўлади.

Хўрозлар жангининг қоидалари бир мунча мураккаб. Биринчидан, жангда хўроздан ҳеч қандай бадбўй ҳид келмаслиги керак. Шу сабабли унинг патлари хурпайтириб таралади, рақибнинг жароҳатидан бирор касаллик юқтирмаслик учун қанот ва тумшуклари тозалаб ювилади. Уларнинг оғирлиги ўлчанади. Сўнгра жанг бошланади. Кўпчилик гваделупликлар қандай бўлмасин декабр ойигача ўз хўрозларига муносиб рақиб топишга ҳаракат қиладилар. Хўроз уриштириш оролнинг деярли ҳамма ерида ўтка-

зилади. Гваделупликлар мусобақа бошланшидан олдин доимо бир удумга амал қиладилар: агар биринчи жангда қора хўроз ғолиб келса, демак, навбатдагиларнинг албатта омади кулиб боқади.

СУВ ОСТИДА ҚУШ ИНИ

Мексикада жойлашган Юкатан ярим ороли ажойиботлар ва ғаройиботларга жуда бой. Яқинда оролда яна бир хазина — Ер шаридаги энг йирик сув ости ғори топилди. Юкатаннинг шимолий қисмида табиий ер ости сув ҳавзаларини цнотлар деб аташади. Лекин бу сув ости ғори ниҳоятда улкан

бўлганлиги учун тадқиқотчилар унга оддийгина «мўъжиза» деб ном беришди (маҳаллий тилда бир мунча бошқачароқ яъни — «Нохоч-Нах-Чич» — «Улкан қуш уйи» — маъносини англатади). Бу улкан сув ости ғорини ўрганиш 1987 йилдан бошланган бўлса-да, тадқиқотчилар 30 километргача бўлган сув ости йўл ва ғорларини тадқиқ этишди. Ҳар галги сув ости сафарини денгиз оламининг янги-янги мўъжизаларини очиб бермоқда. Бу ғорнинг чуқурлиги 8—10 метр бўлиб, унга ҳаваскор денгизчилар ҳам бемалол сузиб кира оладилар. Тадқиқот ишларини тажрибали сузувчилар Майка Мэдден ва Рон Уникерлар бosh

бўлган гуруҳ олиб бормоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича қадимий Тулума шаҳри харобалари ҳудудидаги йигирмага яқин бундай сув ости ғорлари Юкатанликлар ҳаётида муҳим рол ўйнаган.



Очил бахши ЭШМУРОД ўғли

КИТОБ

Инсоннинг онгини очувчи китоб,
Иқболга нур-зиё сочувчи китоб,
Фозиллар фикрини халққа англаптиб
Қуёшдай зарини сочувчи китоб.

Буюк техникани яратган олим
Мухлисин космосга йўллатган билим.
Авлодлар меросин авайлаб асраб,
Довруғин оламга таратган китоб.

Навоий шеърини Улуғбек фикрин
Даҳолар сўзию ўғит-истагин
Бугунги авлодга асраб етказган
Билим хазинаси, зуккодир китоб.

Китобдир бу, яраттувчи қодирхон
Ҳам суҳбат, устозу йўлчи — меҳрибон
Меҳр ила варағланг, ўғил-қизларим
Инсон заковатин қаймоғи китоб.

Хатирчи.

Термани МАЪМУРЖОН ёзиб олди.



Нишон туманидаги Фурқат номли мактаб ўқитувчиси Исмоил Эрматов қирқ йилдан буюн ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Сураткаш Р. Нурибоев



қомوش қом қибй бмцв йлт айтыб

нйчә - нйчә йолдуз сонә дй һәр тун.
ақсанәлр әлр мйнй айлйтыб,
қй йолдуз мйнйкй болышы мммкн!

Қумуш қамар қабй баъзан ялт әтйб
Нечә-нечә йолдуз сўнады ҳар тун.
Афсоналар олар мәнй элйтыб,
Қай йолдуз мәнйкй бўлышы мумкн!

Хйал бйлен модрақ басркен мйнй,
нйчә йолдуз сонр, айлғәс қозым.
болотлрнй йарйб, йарйтыб туннй,
раضى мн қорынйб сонстнғ йолдузим.

Хаёл билан мудрәк босаркан мәнй,
Нечә йолдуз сўнар, илғамас қўзим.
Булутларнй ёрыб, ёрйтыб туннй,
Розиман қўрынйб сўнсанг йолдузим.

مشق معلمى

حميد عبدالله جانوف

ايكى ازبىك يازويدن مطالعه مشقلى

ЭСКИ ЎЗБЕК ЕЗУВИДАН
МУТОЛАА МАШҚЛАРИ

қимнннғ нсвйбә сй тоқылды дйбймн,
сонды айкн дйбймн қимнннғ йолдузы.
қок қә тйкылғнчә ойгә талә мн,
йолдуз лргә бақйб аوزылс қозым.

Қимнинг насибаси тўқилди дейман,
Сўнди экан дейман қимнинг юлдузи.
Қўкка тикилганча ўйга толаман,
Юлдузларга боқиб узилмас қўзим.

شكر الله

ШУКРУЛЛО

مىنىنىڭ يولدوزىم

Менинг йолдузим

صحراه آى باتر، صحرا زم زيا،
يولدوزلر ياپيريلر آسمانگه بىردن.
يولدوز آى ايز سالىب اوجهدى بمصاً -
بلور جامدن شراب توکيلدى گویا.

Саҳрода ой ботар, саҳро зим-зиё,
Юлдузлар ёпирилар осмонга бирдан.
Юлдуз оқ из солиб ўчади баъзан —
Биллур жомдан шароб тўқилди гўё.

ТОҒДА

Дўлана пишиғида Хи-
сор тоғларида бўлган-
мисиз? Дўланага ши-
рин таъм индими, бас,
наъматак ҳам, зирк
ҳам, маймунжон ҳам,
ҳатто тоғузум ҳам
кип-қизариб, ё коп-қорайиб, ё
сап-сарик бўлиб пишади-қўяди.
Шунда энг баланд тоғ чўққиси-
га биринчи қор тушади. Тоғ жо-
нivorлари ташвишга тушиб қо-
ладилар. Дўлана майизларини
зиппиллаб инига ташиётган то-
вушқонларни кўрдингизми —
қиш қисқа бўлади, деб ўйлай-
веринг. Тоғлиқлар ҳам дўлана тер-
гани чиқишади. Дўлана мурабо-
си асл бўлишини шаҳарлиқлар
ҳам билишса керак. Бир сават-
да дўлана, бир саватда зирк,
сурп халтачаларда айиқ ўти,
кийиқ ўти, алқор ўти, тоғ чойи
териб қайтадилар...

Икки-уч оқшом тоғда тунашга
тўғри келади. Акс ҳолда тоғ ла-
затиға тўғйиб бўлармиди? Очғи,
бу ерда тунаш биров иссиқроқ
қамар ёки гор тошиб эрталаб-
гача ухлаш эмас. Ухламай тоғ
кечасини кузатган кишигина
яхши ҳордиқ чиқаради. Аммо
гулхан ёнида. Гулхан учун қуруқ
шоҳ-шабба бу ерда ҳамма на-
садан мўл. Қумонни эса қайси-
дир чўпон сизга керак бўлар,
дея заранг шоҳига илиб кетган.
Кичкина қозончада шўрва. За-
вқ шавқ билан гулханга гурут
чақасиз. Оловнинг гуриллаб ёни-
ши ўзи бир олам. Хўл шоҳ-шаб-
балар ҳам чарсиллаб ёниб кета-
веради. Чунки тоғ дарахтлари-
нинг «суяғи» тошдай қаттиқ, суви
кам. Чўғи қўмир чўғидай кўп
иссиқ чиқаради. Шўрвани иссиқ-
иссиқ ичиб олиб, устидан икки-
уч пиёла тоғ чойи хўплайсиз. Гул-
хан ёнига тўп-тўп шувоқлардан
йиғиб келинг-да, устига ёнбош-
ланг. Осмон қўл узатса ётғудай
яқин. Юлдузлар чўққиларга те-
гай-тегай деб турибди.

Бугун тунда яна гулхан ёни-

дамиз. Қумғон вақиллаб қайнай-
ди. Чор-атроф қандайдир ваҳима-
ли. Нимадандир ҳадиксирайсиз.
Болалигингизда кўп эшитганинг-
из тоғ алвастиларию отдай қули
жонivorни думидан тортиб
йикитадиган оч бўрилар, туни би-
лан қорачигирткадай ов қилиб
юрган қора илонлар эсга тушиб
баданнингиз жимирлаб кетади.

Хаёл суриб турганингизда от-
лардан бири безовта кишнаб
қолади. Ҳамроҳингиз дарахт
шоҳига илинган милтиғига қа-
раб-қараб қўяди. Шунда мўъжи-
за рўй бергандай: девдай кел-
батли бир одам гулхан ёнида пай-
до бўлади. Одамлигини унинг
саломидан билиб қоламиз. Ёпи-
рай, у бу ерга қаёқдан келиб
қолди? Овози ҳам момақалди-
роқ гулдуратидай ваҳимали.
Ҳаммамизни сўраб-суриштира
бошлайди. Вироз ўзимизга кела-
миз. У ҳам милтиғини ёнига
қўйиб, гулханга яқинроқ келади.
Нотаниш одам бизнинг оддий иш-
қибоз эканлигимизни билиб,
анчайин хотиржам бўлади. Кўнг-
лимиз жойига тушади. Тоғ қо-
ровули биз ёққан гулхани кў-
риб, 5—6 қақрим пастдаги чай-
ласидан чиқиб келибди. Арча
ёқшаётган бўлса керак, деб

хавфсираган экан. Хайриятки,
биз қуруқ шоҳ-шаббалардан тўп-
лаб олган эдик. У бутунлай хо-
тиржам бўлиб биз билан туна-
моқчи бўлди. Бу одам ёшлиғида
кўп йил чўпонлик қилган экан.
Тоғдаги ҳар бир дара, ҳар бир
ўнгир унга номма-ном таниш.
Номсизларига ўзи ном қўйиб
олган. Тоғ жонivorлари, ўсим-
ликлар, доривор гиёҳлар ҳақида
огзидан бол томиб гапиради.
Тоғда бута, дов-дарахтлар ка-
майиб кетса, жонivorлар ҳам
камайиб кетади, деб кўйиб-пи-
шади.

—Қаранг-а, — дейди, — у тоғ-
нинг қип-қизил қирмизи қоса-
дай очиладиган лоласи пиёдан
қўпаяди. Биров пиёзини олиб
бошқа ерга қўммаса, сира уним
чқмайди. Далла деган жонivor
унинг пиёзига ўч. Кузда пиёз
гагламоқчи бўлиб бир жойдан
иккинчи жойга ташиб ўтадию, ба-
ҳорда қўпчилигини йўқотиб қўя-
ди. Қарабсизки, бултур лола
ўсмаган жойда алвон лозазор...
Бундан беш-олти йил аввал чўпон
эдим. Одамлар ёзолди анауэр
пиёзни қавлашга тушиб қолди-
лар. Нима эмиш, завод уни қим-
матга сотиб олармиш. Дони қиза-
рар-қизармас белқурак билан та-

томирига ча қавлаб кетишди.
Қарабсизки, ўшандан бери анауэр-
ни дориликка топиб бўлмайдди.
Яна қимдир ёввойи чўққанинг
ёғи қирқ дардга даво, деган экан,
бир-икки йил чўққа зоти қир-
гинбарот бўлди. Бўринику, сира
сўраманг, ўзим ҳам уни ёмон
кўраман. Лекин бир куни қизик
бўлди. Тонг пайти эди. Отиمنى
жабдуқлаб, энди белини тортаёт-
ган эдим, қулоғи тиккайиб қолса
бўладими? Қарасам, ғира-шира
қоронғуда итга ўхшаш нарса
лўқиллаб келаяпти. Чўпоннинг
кучугига бир бало бўлибди-да,
деб кўйдим. Шақир-шуқир қи-
либ, ниманидир судраб, тўппа-
тўғри олдимга келаяпти. От ти-
сарилиб, нўқтасини узиб кетди.
Ҳалиги жонivor кела солиб,
оёғим тағига ўзини таппа ташла-
ди. Қарасам — бўри. Олдинги бир
оёғидан қопқонга тушибди. Оёғи
синиб, осилиб қолибди. Қопқонни
очай дейману қўрқаман, тиллаб
олса-я. Бўри зорланган овоз
чиқаради. Таваққал қилиб, унга
яқинлашдим. У оёғини узатиб
ётиб олди. Қўрқ-писа қопқонни
очиб юбордим. Жонivor орқаси-
га қарай-қарай лўқиллаб жўнаб
қолди. Она бўри экан. Анча енгил
тортдим. Йиртқиқ бўлса ҳам
олдимга паноҳ тортиб сиғиниб
келибди. «Эгилган бошни қилич
кесмайди».

Унинг ҳикоялари оддий ҳикоя-
лар эмас, безавол қўшиқларга
ўхшайди. Қўшиқни эса йўқотиб
бўлмайди, дилдан-дилга, тилдан-
тилга ўтади. Вугунги оқшом
биз тунни тонгга улаб қўшиқ
тинглаймиз. Галаминор чўққи-
ларига тонг ҳарир парда ёя бош-
лайди. Вуни биринчи бўлиб сез-
ган митти тош булбуллар сирли
чуғурлаб, сукунатга чўмган бор-
лиққа жон ато этади. Табиат
уйғонади.

Ғозн РАҲМОН

Қашқадарё


ХҲРОЗ

масал

Таъбларига, чоғи, иниб қаламбир,
Кесишиб қолдилар Эр-Хотин занжир.
Ендилар бир-бирин жаврашларидан,
Илондек бир-бирин аврашларидан.
Эр бовар келолмай Хотинга охир,
Ўксик кўзларидан ёғилди «ёмғир».
Бу ҳолга Хўрознинг тушиб назари,
Наштарга айланди патию пари:
«Эҳ, латта!! Эҳ, қани эрлик гуруринг!!
Бемор мусичани эслатар турқинг,
Бир қара, етовлон товуққа эрман,
Шижоату кучда навқирон шерман.
Бари йўригимда, тик боқмас бири,
Эрурман ҳар бирин мисли амири.
Сен асанг қийнабон юрибсан жонни,
Изминга сололмай бир макиёни...
Эҳ, хайф! Хайф!! Бўлмагай эр киши бундай,
Ўтказмас эр киши умрини тундай!»

* * *

Ер кўп, лек ҳар ерни ер дебон бўлмас,
Эр кўп, лек ҳар ерни эр дебон бўлмас.



Чевара кўрган хўроз.

Суратқаш Р. Нуриноев



Абдуғаффор ХОЛИМАТОВ

Булбул:

Бу дунёдан тўйдим мен,
Тўйдим орау-ҳавасдан.
Эзгуликни куйласам,
Жой бердилар қафасдан.

Какку:

Ешлик экан, сўзига
Кирибман мен холамнинг.
Қани энди бир тўйсам,
Дийдорига боламнинг.

Қуён:

Яхши жойда ишлашга,
Авалло тиргак керак.
Яна муҳим бир нарса:
Мендаги юрак керак.

Бургут:

Бургут бўлсанг лочин кўз,
Чўққиларга тирмашгин.
Умринг бўйи доимо,
Мансаб учун курашгин.

Чаён:

Яхшиликни хуш кўрмасман,
Уйқумда ҳам туш кўрмасман.
Дардимнинг ҳеч давоси йўқ,
Туролмайман ниш урмасдан.

ЯНГИ МАҚОЛЛАР

Яхши муомала — шовқинсиз
қопқон,
Емон муомала — ўзинга сопқон.

* * *

Бировни бировга қаққандан кўра,
Яхшиси, ўзингни мақтагин, жўра!

* * *

Сотувчининг чопгани —
Мудирининг топгани.

Зоир ЗИЁ

* * *

«Тошпўлат ака! Уйимдагилар
сизнинг севгингизга ишониш-
маяпти. Илтимос, битта тилхат
ёзиб бера қолинг!»

(Қизнинг ошиғига махтубидан)
* * *

«Харидорнинг кўзи аланг-жа-
ланг бўлди, билгинки, қайти-
мини ташлаб кетадиган аной-
лардан эмас».

(Юлғич сотувчининг шогирдига
маслаҳати)
А. ЛАТИПОВ

Қ. ОЛИМОВ

* * *

«Собирга сомон, Холмуродга ем
бериш тагин эсдан чиқмасин-а?!»
(Ферма мудирининг омборчига
дегани)

М. ҚИЕМОВ

Қақир-
ТИКАНАК

«Ўғлим, қариндош ва таниш-
билишлардан уриб қолсанг, бе-
зарар, улар ўзимизники, бегона-
лардан эҳтиёт бўл!»

(Сотувчининг ўғлига насиҳати)



Афанди
латифалари

Афандидан сўрабдилар:
— Чўпоннинг қўйларини кўрмай
туриб, уларнинг ориқ-семизлигини
билса бўладими?

— Ҳа, албатта,— деди Афанди.—
Чўпоннинг юриш-туришлари-
га бир разм солсанг, кифоя.

* * *

Афанди бир куни яйловга кўчма
дўкон олиб келган сотувчи йигит-
дан сўради:

— Ука, чироқ шиша борми?
— Э, нималар деяпсиз, бобой?
Бизда чироқ шиша нима қилади?
— Чой-чи... чой?
— У ҳам йўқ.

— Ие,— деди Афанди ҳам ҳай-
рон бўлиб.— Унда биз томонларда
нима қилиб, овора бўлиб юриб-
сиз?

Музаффар РАҲМАТАЛИЕВ,
чўпон

Деҳқонобод

ХАНДАЛАР

Бир киши чанқаб ошхонага кир-
ди-да, бир пиёла қаҳва буюрди.
— Ие,— деди у татиб кўриб,—
совуқ-ку?!

— Нималар деяпсиз,— деб би-
дирлади сотувчи.— Қаҳва қайноқ-
қина, лекин тўғри, пиёла совуқ
бўлиши мумкин.

* * *

Бир букри қабридан туриб, ше-
ригига хат ёзган экан:

«Шерикжон, шерик, зинҳор бук-
рини гўр тузатади, деган мақолга
ишонма. Ишонсанг, мана, мендан
қиёс: қабрим тепасидаги тупроқ
белимдек туянинг ўрқачига ўхшаб
турибди».

Ҳ. РАҲМАТ

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Гумрох, деб аташар сени гумрохлар,
Пул ёки мансабинг бўлмаса бир пул.
Калхатми, зарғизгон, чумчуқларга ҳам
Сен бир эрмакдайсан, бўлсанг ҳам
булбул.



Дарахтнинг ичини кемиради қурт,
Одамнинг ичини кемирад ҳасад.
Дарахтлар қуригай, тана бўлгай мўрт...
Аммо ҳасадгўйдан ҳазар қилар лаҳад.


Фаргона Мадамин ОРТИҚ



— Сув бермасанг, ем бермасанг...



— Меҳмон келганда, сен сал нарироқда
уйнагин-да, ўртоқжон!..
Сураткаш Р. Нурибобов



ЭНИГА: 7. Елғоннинг кушандаси. 8. Эроннинг шимоли-шарқидagi тарихий вилоят. 11. Амир Темура даврида қурилган Самарқанддаги меъморлик обидаларидан бири. 12. Мамлакатимизнинг шимоли-шарқидagi мухтор жумҳурият. 14. Хусниҳат устаси. 15. Етиб келинган марра. 16. Езувчининг ҳамishaлик дўсти. 17. Турк-мўғул давлатлари бошлиқларининг қароргоҳи, пойтахти. 19. Мақтанчоқ кимсалар унутиб қўйган фазилатлардан бири. 20. Тошкентнинг қадимий даҳаси. 23. Кўнгли подшо. 26. Шамсий йил ҳисобидаги ой номи. 28. Ижодий асар ёки ихтиро эгаси. 30. Касб маҳорати. 32. Қадимда савдо ходими ўрнида юритилган сўз. 33. Таниқли хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофиза. 34. Кўп йиллик манзарали ўсимлик. 35. Сотувчига уйқу бермайдиган кимсаларнинг бир тоифаси. 36. Шарқнинг ўрта асрдаги қомусий олими.

БУЙИГА: 1. Диний-фалсафий оқимдаги сўфийлик йўналишлари. 2. Тасвирий санъатнинг нозик жанри. 3. Ўзбек халқининг энг яхши фазилатларидан бири. 4. Абдулла Қодирий ҳамда Ғозии Юнуслар ишлаган ойнама. 5. Ўзбекистон жанубидаги тизма тоғ. 6. Ўрта Осиёда мўғуллар истилосига қарши халқ ҳаракатининг таниқли раҳбари. 9. «Тошкент ироғи» кўшиғи муаллифи, ўзбек шоири. 10. Экинларни қондириб сугориш усули. 13. Қишлоқ хўжалиги тармоғи. 18. Қўлда тўқилган газлама. 19. Матбуот нашрлари нусхасини белгилловчи кўрсаткич. 21. Жумҳуриятимизда етиштирилган от зоти. 22. Сурхондарё вилоятидаги шаҳар. 24. Рўзгор буюми. 25. Табиий фанлардан бирининг қадимий номи. 27. Воқеа-ҳодиса ҳақида олдидан хабар бериш. 29. Атоқли тожик шоири. 31. Ўзбек Совет матбуотининг зийлиларидан, «Мушум» ойнамасининг биринчи муҳаррирларидан бири. 32. Қадимги оғирлик ўлчови.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

8-СОНДАГИ
ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 1. Ҳидоят (Аброр). 4. Мушфиқий. 9. Оқдарё. 11. Минтақа. 12. Насимий. 15. Кийикўт. 16. Маросим. 18. Қорақўлчилик. 20. Ғўла. 21. Базм. 22. Утов. 25. Фарз. 27. Муқовасозлик. 30. Давомат. 31. Ҳимолай. 32. Восифий. 35. Қорасув. 36. Чамбил. 37. Самандар. 38. Чоршанба.

БУЙИГА: 2. Дўстлик. 3. Вақт. 4. Мурч. 5. Қодирий. 6. Замбуруғ. 7. Мўйинқум. 8. Иқтисод. 10. Жавоҳир. 13. Хўжасавдогар. 14. Машинасозлик. 17. «Эломон». 19. Қашқар. 22. Уқитувчи. 23. Муқобил. 24. Чинобод. 26. Занжовул. 28. Чақирим. 29. Рамазон. 33. Каср. 34. Синч.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Мир Алишер Навоий.

Мусаввир Неъмат Ҳақимов

Муҳарририятга келган бир босма тобоқча бўлган қўлёзмалар муаллифга қайтарилмайди.

Ойнамадан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Босмаҳонага туширилди 18.07.91 й. Босишга руҳсат этилди 16.08.91 й. Қоғоз бичими 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма

тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Жами 58.321 нусха. Буюртма № 5625 А-121. Баҳоси 90 тийин.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. 700000, Тошкент — П, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

«Гулистон» ойномасига 1992 йил учун
обуна мавсуми қизгин давом этапти.
Ҳурматли муштарийлар, фаолроқ бў-
линг!

Сураткаш Р. Нуринбоев



Баҳоси 90 тийин.
Индекс 75233



Жуғрофия фанлари доктори, профессор Мурод Маматкулов ва шогирди, Бугуниттафок еш жуғрофлар куриги голиби Жамшид Садилов.

Сураткаш Р. Муридзова